ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОШЛАНҒИЧ ВА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ

# МАКТАБГАЧА ПЕДАГОГИКА
фанидан

## ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Таълим соҳаси: 110000 - Педагогика
Таълим йўналиши: 5111800 - Мактабгача таълим

ГУЛИСТОН – 2018

Маърузалар матни "Бошланғич ва мактабгача таълим методикаси" кафедрасининг 2018 йил " " 08. 1-сонли йигилишида муҳокама еътилиб, факултет Кенгашида кўриб чиқиш учун тавсия қилинди.

**Тузувчи:** катта ўқ. Умарова Г

**Тақризчи:** п.ф.н., доц. Р.Н. Эргашев

.

**Кафедра мудири** **Б. Рахимов**

Маърузалар матни Педагогика факултети Кенгашининг 2018 йил " " 08 1 - сонли йигилишида муҳокама еътилиб, тасдиқланди.

## К и р и ш

Ўзбекистон Республикасининг истиқлолга эришуви ҳамда ўз мустақил сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий йўлига эга бўлиши, халқ хўжалигининг турли соҳаларида, жумладан халқ таълими тизимида ҳам ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбияси билан боғлиқ жараёнини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз давлат таълим сиёсатида мактабгача таълим ёшидаги болаларга ғамхўрлик қилиш, уларни келажакда ҳар томонлама ривожланган, баркамол инсон бўлиб вояга этишлари учун зарурий шарт-шароитларни яратиш энг устивор вазифалардан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг 2017 йил 9 сентябрда қабул қилинган "Мактабгача таълим муассасаларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, шунга доир фармойишлари, оммавий чиқишларида узлуксиз таълимнинг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим муассасаларини тубдан такомиллаштириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ўта муҳим вазифалардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Айниқса, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда янги типдаги мактабгача таълим муассасаларини барпо этиш, уни етук малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, унинг ҳуқуқий-меъёрий хужжатлари, таълимий ва тарбиявий мазмуни, ҳар хил турдаги машғулот дастурларини қайта кўриб чиқиш, уни услубий материаллар билан бойитиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Республикамизнинг етук педагог олимлари бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари, унинг асосида "Болажон" таянч дастури, ҳар бир машғулот турлари учун алоҳида дастурларни қайта яратиш ишлари билан жадал суръатда шуғулланмоқдалар. Айни пайтда, бўлажак педагоглар ҳам бу борада ўз олдиларида турган юксак вазифани чуқур ҳис этган ҳолда иш кўришлари, тегишли таълим муассасаларида муносиб таълим олишлари, ўз касбий маҳоратларини мунтазам ошириб боришлари лозим.

Болаларда дастлабки дунёқараш, атроф-муҳит ҳақидаги тасаввур ва тушунчалар, бадиий-эстетик дид, ақл-идрок, тафаккур, ижтимоий фазилатлар асоси кичик ёшданоқ шаклланади. Шунга кўра уларга ижтимоий муҳит, атрофдагилар билан ўзаро муносабат ўрнатишлари учун тегишли шарт-шароитларни яратиш, уларни мактабгача таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олиш, мавжуд барча педагогик омиллардан унумли фойдаланиш зарур.

Мактабгача таълим муассассида педагогик фаолият олиб борувчи тарбиячилар ижтимоий буюртма ҳар томонлама етук, баркамол шахсни тарбиялаш мақсадида мавжуд барча имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда ўз зиммасида турган юксак вазифани талаб даражасида бажаришга масъулдирлар.

### 1.1.Фаннинг мақсади ва вазифалари

**Фаннинг мақсади:**бо`лажак тарбиячиларни таълим-тарбия қонуниятлари, шунингдек, мактабгача таълимга қо`йиладиган талаблар, унинг тамойиллари, мазмуни, педагогикасосларини билан яқиндан таништириш.

**Фаннинг вазифалари:**

- мактабгача педагогика назарияси ва амалиётининг ўзига хос хусусиятлари, таълимий-тарбиявий жиҳатлари, тарбиячининг касбий фаолияти ва унга қо`йиладиган талаблар; ёш фуқарони тарбиялаш ишининг мураккаблиги, мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг тарбияси ва ривожланиши, мактабгача педагогикада илмий-тадқиқот методлари мактабгача ёшдаги болаларни ақлий, аҳлоқий, жисмоний ва естетик тарбиялашда янги педагогик технологиялар, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш, мактабгача педагогика тарихи, мактабгача муассасаларини ташкил етиш ва унга раҳбарлик етиш. О`збекистон Республикасида мактабгача таълим муассасалари системаси, унга раҳбарлик қилиш ва ташкил етишнинг замонавий усуллари ҳақида билим, тегишли ко`никма ва малакаларни ҳосил қилиш.

### 1.2. Фанни о`злаштиришга қо`йиладиган талаблар

Мактабгача педагогика о`қув фанини о`злаштириш натижасида махсус сиртқи:

- мактабгача таълимнинг таълим тизимида тутган о`рни, мактабгача таълим бо`йича касбий фаолиятнинг умумий тамойиллари, мактабгача педагогиканинг назарияси ва тарихи фани билан узвийлиги, мактабгача педагогиканинг ривожланиш тамойиллари то`г`рисида мактабгача педагогика тарихи, О`збекистон Республикасида мактабгача таълим муассасалари системасини ***билиши;***

- мактабгача педагогиканинг назарий ва амалий билимларини егаллаш, мактабгача таълим муассасаларида болаларга ақлий, аҳлоқий, жисмоний ва естетик тарбия бериш, мактабгача педагогикадан о`з фаолиятини режалаштириш бо`йича ***ко`никмаларга ега бо`лиши;***

- мактабгача таълимнинг асосий принсиплари, мактабгача таълим педагогига қо`йиладиган асосий талаблар, мактабгача таълимнинг мазмуни, илмий-тадқиқот методлари,мактабгача ёшдаги болаларга ақлий тарбия бериш, мактабгача ёшдаги болаларни ахлоқий, жисмоний ва естетик тарбиялаш, мактабгача таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлиги, мактабгача таълим муассасаларида ва оилада тарбия жараёнини ташкил етиш ***малакаларига ега бо`лиши керак***.

**1.3. Фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги**

Мактабгача педагогика умумкасбий фан бо`либ, «Умумий педагогика», «Педагогика тарихи», «Психология» каби фанларга боғлиқ равишда о`қитилади. «Ижтимоий ва оила педагогикаси», «Мактабгача таълимни ахборотлаштириш», «Тарбиявий ишлар методикаси» фанларидан йетарли билим ва ко`никмаларга ега бо`лишни талаб етади.

**1.Маъруза машғулотлари**

| **Т/р** | | **Дарс соат лари ҳажми** |
|---|---|---|
| 1 | Мактабгача педагогиканинг предмети ва вазифалари | 2 |
| 2 | Ҳозирги жамиятда мураббий тарбиячиларга қўйилган талаб ва вазифалар. | 2 |
| 3 | Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари. | 2 |
| 4 | Жаҳон мамлакатлари таълим тизимида мактабгача таълимнинг тутган ўрни | 2 |
| 5 | Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг тарбияси | 4 |
| | **Жами** | **12** |
| | **2-семестр** | |
| 1 | Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ёш гуруҳлари | 2 |
| 2 | Ўйин- бола фаолиятининг асосий тури | 2 |
| 3 | Болани мактабга тайёрлашда мактабгача таълим муассасаси ва мактаб хамкорлиги | 2 |
| 4 | Болалар ривожланишида мактабгача таълим муассасаси ва оила ҳамкорлиги | 2 |
| 5 | Болаларни мактаб таълимига тайёрлаш | 2 |
| | **Жами** | **12** |
| | **Умумий жами** | **24** |

**2. Амалий машғулотлар**

| **Т /р** | **Машғулот мавзулари** | **Дарс соатлари ҳажми** |
|---|---|---|
| | **1-семестр** | |
| 1 | Оъзбекистонда мактабгача таълимнинг вужудга келиши ва тараққиёт босқичлари. | 2 |
| 2 | Мактабгача педагогиканинг объйекти, предмети, мақсад ва вазифалари. | 2 |
| 3 | Ҳозирги жамиятда мураббий тарбиячиларга қўйилган талаб ва вазифалар. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячисининг асосий вазифалари ва унинг шахсига қоъйиладиган талаблар. | 2 |
| 4 | Мактабгача педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари. | 2 |
| 5 | Педагогик илмий тадқиқотларни амалга ошириш шартлари. | 2 |
| 6 | Мудира, услубчи, тарбиячи ва педагогис жамоа юритадиган ҳужжатлар | 2 |
| | **Жами** | **12** |
| | **2 семестр** | |
| 1 | Тарбия жараёнини ташкил етишга доир замонавий ёндошувлар ва уларнинг оъзига хосликлари. | 2 |
| 2 | Мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш гуруҳлари | 2 |
| 3 | Тарбиянинг ижтимоий ҳодиса ва педагогик жараён сифатида шахс камолотига таъсири. | 2 |
| 4 | Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда оила, мактаб ва МТМ ҳамкорлиги, боланинг ривожланишига таъсир етувчи омиллар | 2 |
| 5 | Болани оилада согломлаштириш, оилада болаларнинг инсонийлик туйгуларини тарбиялаш, оилада болани мактабга тайёрлаш методи ва усуллари. | 2 |

| | | |
|---|---|---|
| 6 | Мактабгача таълим муассасалари тизимини ташкил етишнинг замонавий усуллари, услублари, мудира ва услубчи томонидан таълим-тарбиявий ва методик ишларни ташкил етиш тамойиллари | 2 |
| | **Жами** | **12** |
| | **Умумий жами** | **24** |

Амалий ва семинар машғулотлари мултимедия қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда ҳар бир академ гуруҳга алохида ўтилади. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилади. “Кейс- стади” технологияси ишлатилади, кейслар мазмуни ўқитувчи томонидан белгиланади. Кўргазмали материаллар ва ахборотлар мултимедия қурилмалари ёрдамида ўтказилади**.** Учрайдиган қарама- қаршиликлар ва зиддиятлар мавзуларини ўтишда муаммоли маърузалар,кўргазмали маърузалардан ва инновацион таълим технологиялари “Тушунтириш”, суҳбат, кейс, ижодий тест, амалий, чалкаштирилган мантиқий занжирлар методларидан фойдаланилади.

**3.Мустақил таълим**

| № | Мустақил таълим мавзулари | Дарс соатлари ҳажми |
|---|---|---|
| **1- семестрда** | | |
| 1 | Мактабгача педагогика фанининг мақсад ва вазифалари | 6 |
| 2 | Мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиши ва таълим тарбияси | 6 |
| 3 | Мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари | 6 |
| 4 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9-сентабрдаги “Мактабгача таълим муассасаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорининг мазмун ва моҳияти | 6 |
| 5 | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим Консепсияси | 6 |
| 6 | Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишида ъъБолажонъъ дастурининг аҳамияти | 6 |
| 7 | Миллий истиқлол г`оясини шакллантиришда оила ва мактабгача та`лим хамкорлиги. | 6 |
| 8 | Мактабгача ёшдаги болаларни мухит тағсирида тарбиялаш. | 6 |
| 9 | Болаларни ватанъарварлик рухида тарбиялашда МТМнинг о`рни. | 6 |
| 10 | Миллий халқ о`йинлари асосида болаларда одоб-ахлоқни о`ргатиш. | 6 |
| 11 | Машг`улотларни ташкил етишнинг педагогиктехнологиялари. | 4 |
| 12 | Мактабгача ёшдаги болаларга таълим беришнинг ўзига ҳослиги | 4 |
| 13 | Маҳғулот-мактабгача ёшдаги болаларга таълим беришнинг асосий шакли | 4 |
| 14 | Екскурсия-мактабгача ёшдаги болаларни ақлий жиҳатдан тарбиялаш | 4 |
| 15 | Болалар рухиятини о`рганишнинг педагогикасослари. | 4 |
| 16 | Халқ ог`заки ижодиётида о`ртоқлик до`стлик тарбияси. | 4 |
| 17 | Мактабгача та`лим ёшдаги болаларни шахсини баркамол қилиб тарбиялашда миллий усул одатларидан фойдаланиш. | 4 |
| 18 | Болаларни катталар намунасида тарбияаш. | 4 |
| 19 | Тарбиячи ва унинг жамиятда тутган о`рни. | 4 |
| 20 | Абу Али Ибн Сино ижодида оила тарбияси. | 4 |
| | **Жами** | **100** |
| | **2-семестр** | |
| 21 | Абдулла Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асарининг комил инсон тарбиясидаги о`рни. | 6 |
| 22 | Бола хаётида кун тартиби ва унинг ахамияти. | 6 |
| 23 | Сайр орқали болаларда садоқат хиссини тарбиялаш. | 6 |
| 24 | Болаларни мактабгача тайёрлашда ақлий тарбиянинг ахамияти. | 6 |
| 25 | Тарбиянинг тарихий ва миллий асослари, тарбияда урф одатни тутган о`рни. | 6 |
| 26 | Халқ та`лими тизимида МТМнинг тутган о`рни ва уни истиқболлари. | 6 |
| 27 | Илк ёшдаги болаларни тарбиялашнинг о`зига хослиги. | 6 |
| 28 | Бир ёшгача бо`лган болаларни ривожланиши ва унга қо`йилган педагогикталаблар. | 4 |
| 29 | Икки ёшли болаларга ертаклар орқали ахлоқий тарбия бериш. | 6 |
| 30 | Уч ёшли болаларда харакатли ва со`з о`йинларини ташкил етиш. | 6 |

| | | |
|---|---|---|
| 31 | Мактабгача тарбия муассасаларининг рахбарлари ва унинг фаолияти. | 6 |
| 32 | О`збекистонда ижтимоий мактабгача таълимнинг вужудга келиши ва тараққиёт босқичлари. | 6 |
| 33 | Мактабгача таълимни молиявий таҳминлашда мудиранинг роли. | 6 |
| 34 | Халқ таълими бо`лими назоратчиси томонидан методик ишларга рахбарлик. | 6 |
| 35 | Болалар муассасасининг йиллик иш режасининг мохияти, мақсад ва вазифалари. | 6 |
| 36 | Катта тарбиячининг таълим тарбиявий ишларга рахбарлиги. | 6 |
| 37 | Мактабгача таълим муассасаларида мониторинг тизимини ташкил етиш. | 6 |
| | **Жами** | **100** |
| | **Жами** | **200** |

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрланади ва уни тақдимоти ташкил қилинади.

Мустақил иш шаклларини дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш, тарқатма материаллар, маърузалар қисмини ўзлаштириш, махсус адабиётлар бўйича мавзулар устида ишлаш, мактабгача тарбия муассасаси иш тажрибасини ўрганиш, тест, кроссворд ва бошқа замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

**Фан бўйича курс иши ёзиш режалаштирилган**

**Курс иши:** Курси ши фан мавзуларига тааллуқли масалалар юзасидан талабаларга якка тартибда тегишли топшириқ шаклида 2-семестрда берилади. Курс иши ҳажми 20 бетдан кам бўлмаслиги, А4 форматдаги варақларларда ёзилиши ва тикилиб расмийлаштирилиши лозим. Курс ишининг бажариш тартиби кафедранинг услубий қўлланмасида келтирилган.

**Курс иши мавзулари:**

1. Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда оила ва мактабгача таълим ҳамкорлиги.
2. Мактабгача ёшдаги болаларни муҳит таъсирида тарбиялаш.
3. Болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда МТМнинг ўрни.
4. Миллий халқ ўйинлари асосида болаларда одоб-ахлоқни ўрганиш.
5. Қуриш ўйинлари асосида меҳнацеварлик тарбияси.
6. Машғулотларни ташкил етишнинг педагогик технологиялари.
7. Боғчада естетик тарбия.
8. Машғулотларни ташкил етишнинг педагогис технологиялари.
9. Болалар руҳиятини ўрганишнинг педагогис асослари .
10. Халқ оғзаки ижодиётида ўртоқлик, дўстлик тарбияси
11. Ўйин воситасида фидойилик тарбияси
12. Мактабгача ёшдаги болаларда халқ ўйинлари орқали жисмоний баркамолликни тарбиялаш
13. Баркамол авлодни миллий истиқлол ғояси ва мафкураси руҳида тарбиялаш
14. Мактабгача таълим ёшидаги болаларга ақлий тарбия бериш усул ва йўллари
15. Мактабгача таълим ёшидаги бола шахсини баркамол қилиб тарбиялашда миллий усул-одатлардан фойдаланиш
16. Болаларни катталар намунасида тарбиялаш
17. Тарбиячи ва унинг жамиятда тутган ўрни
18. Абу Али Ибн Сино ижодида оила тарбияси
19. Абдулла Авлонийнинг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асарнинг комил инсон тарбиясидаги ўрни
20. Бола ҳаётида кун тартиби ва унинг аҳамияти
21. Сайр орқали болаларда садоқат ҳиссини тарбиялаш
22. Болаларни мактабга тайёрлашда ақлий тарбиянинг аҳамияти
23. Тарбиянинг тарихий ва миллий асослари, тарбияда урф-одатнинг тутган ўрни.
24. Халқ таълими тизимида МТМнинг тутган ўрни ва унинг истиқболлари
25. Илк ёшдаги болаларни тарбиялашнинг ўзига хослиги.
26. Бир ёшгача бўлган болаларни ривожланиши ва унга қўйилган педагогис талаблар.
27. Икки ёшли болаларга ертаклар орқали ахлоқий тарбия бериш.
28. Уч ёшли болаларда ҳаракатли ва сўз ўйинларини ташкил етиш.
29. Мактабгача тарбия муассасаларининг раҳбарлари .
30. Ўзбекистонда ижтимоий мактабгача таълимнинг вужудга келиши ва тараққиёт босқичлари.

31. Мактабгача таълимнинг молиявий таъминлашда мудиранинг роли.
32. Халқ таълими бўлими назоратчиси томонидан методик ишларга раҳбарлик.
33. Болалар муассасасининг йиллик иш режасининг моҳияти, мақсади ва вазифалари.
34. Катта тарбиячининг таълим-тарбиявий ишларга раҳбарлиги
35. Мактабгача таълим муассасаларида мониторинг тизимини ташкил етиш
36. Мудира томонидан илғор иш тажрибаларини ўрганишни ташкил етиш
37. Нодавлат таълим муассасаларида мудиранинг иш фаолияти.

## 1-мавзу. Мактабгача педагогиканинг предмети ва вазифалари

**Режа:**

1. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг мавзуси ва баҳси.
2. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг мақсади ва вазифаси.
3. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг илмий тадқиқот методлари.
4. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашдаги ўрни.

### 1. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг мавзуси ва баҳси.

Инсон тарбияси инсоннинг ўзи каби қадимий ва кенг қамровлидир. Шу сабабли, инсонни ҳар томонлама тарбиялаш инсониятнинг азалий орзуси бўлиб, аждодларимиз маърифат ва маданиятни ёш авлодга ўргатиш, уларни комилликка етаклаш йўллари, қонун-қоидаларини излаганлар. Дарҳақиқат, инсоннинг маърифатлилиги ва маънавий комиллигига эришиш ишлари педагогика фани етакчилигида амалга оширилади. Демак, педагогика фани кишига ҳар томонлама тарбия бериш, ҳар бир шахсни ҳамма ёш даврларида уйғун ривожлантириш қонуниятлари тўғрисидаги фандир. Шу боис, педагогика фани инсонни ҳар томонлама тарбиялаш ҳақидаги фан бўлиб, тарбия соҳасидаги жамият талабларини амалга ошириш йўлида хизмат қилади. Мактабгача педагогика эса болага туғилганидан то етти ёшигача ҳар томонлама тарбия бериш қонуниятларини ўрганади ва боғча шароитида таълим- тарбия ишини ташкил этишнинг мазмуни, методи ва шаклларини ишлаб чиқади.

Инсон тарбиясига оид қонунлар дастлаб халқ оғзаки ижодида: эртак, қисса, панднома, мақол ва матал кабиларда, кейинроқ ёзма ёдгорликларда, ҳадисларда асослаб берилган. Таълим-тарбия ишларининг такомиллашиб боришида Шарқ ва Ғарбнинг қомусий олим ва педагогларининг ўрни каттадир. Марказий Осиёлик машҳур алломалар: Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш, Фурқат, Абдулла Авлоний каби жаҳон тан олган мутафаккирлар ўзларининг қатор асарларида таълим-тарбияга катта эътибор билан қараганлар. Файласуф олим Форобий ўзининг «Фозил шаҳар кишиларининг қарашлари» асарида тарбия орқалиъ инсонга бериладиган 12 фазилатни шарҳлаб беради. Абдулла Авлоний эса тарбия ҳақида ғоят ибратли фикрларни билдиради. «Педагогика — Абдулла Авлонийнинг ёзишича, — бола тарбиясининг фани, демакдир». «Дарс ила тарбия иккиси жон ила тан кабидир», «Дарс олувчи—билувчи, тарбия олувчи—амал қилувчидир». Бу ерда педагогика фанига қисқа ва лўнда таъриф бериб, таълим билан тарбияни эса жон билан танга ўхшатиб, уларни бир-биридан ажратиб тушуниш мумкин эмаслигини ёрқин ифодалаб берган. Авлонийнинг таъкидлашича, тарбияни ёшликдан бериш ниҳоятда зарур. Болага аввало, кичик ёшдан бошлаб, ота-она тарбия беради, кейин тарбия билан бутун жамоатчилик шуғулланади, чунки бунда инсон тақцири ҳал этилади дейди. Демак, педагогиканинг бош масаласи тарбия саналади. Тарбия жараёнида эса боланинг онги, ҳис-туйғулари шаклланади. Энг муҳими ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ва ижтимоий муносабатларга хизмат қиладиган хулқий одатлар ҳосил бўлади.

Мактабгача таълим педагогикаси болаларнинг, ёш ва индивидуал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлашга хизмат қилади. Мактабгача тарбия муассасалари ҳам болаларни ҳар томонлама тарбиялайди. Бола ҳаётидаги илк ёш энг муҳим давр бўлиб, худди мана шу даврда боланинг жисмоний, ахлоқий, меҳнат, эстетик ривожланишига пойдевор бўлади.

### 2. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг мақсади ва вазифаси.

“Мактабгача таълим педагогикаси” фани “Педагогика” фанининг бир қисми бўлиб, ўзининг назарий, илмий ва амалий асосларига эга. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг назарий асослари: ёш авлодни баркамол шахс қилиб тарбиялашга қаратилган, таълим-тарбия борасида яратилган тажрибаларга, назарий ва методик манбаларга, Ўрта Осиё ва жаҳон тан олган буюк мутафаккир олимларнинг асарлари ва таълим-тарбиянинг

умумий қонуниятларига асосланади. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг миллий асослари- таълим-тарбия муаммоларини, муайян миллатнинг миллий қадриятларини умумбашарий ва умуминсоний қадриятлар билан боғлаган ҳолда ҳал этиш, ҳар бир миллатнинг маънавий мероси ва миллий қадриятларига таянган ҳолда миллий тарбия масалаларини ёш авлод онгига етказиш мазмуни, усул, метод ва тамойилларини миллийлантиришдан иборат. Ўсиб келаётган ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама камол топтириш, унинг онги, дунёқараши, эътиқодини ўстириш, хулқ-атворини таркиб топтириш мактабгача педагогика фанининг долзарб муаммоларидан саналади. Ҳозирги даврда ҳар томонлама ривожланган баркамол инсонни тарбиялашнинг мақсад ва вазифалари маънавий бойлик, ахлоқий поклик, жисмоний мукаммалликни ўзида мужассамлаштирган ижтимоий фаолликни тарбиялашни тақозо этади. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг мақсади тарбиячи мураббийларнинг ўз олдига аниқ мақсад қўйиши, ёш авлодни ҳар томонлама ривожланган етук шахс қилиб тарбиялаш учун ўз устида ишлаши, интилиши, изланиши, аёлларни замон талаблари асосида тарбиялаш учун тарбиянинг янги усул ва воситаларидан кенг фойдалана олиш каби тарбиячилик маҳоратини шакллантиришга қаратилади. Ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш борасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, таълим ва тарбия самарадорлигини замон талаблари асосида таъминлаш, уни дунё талаблари даражасига олиб чиқишга эришиш, ёш авлодга таълим-тарбия беришда миллий ва умуминсоний қадриятларга таяниш орқали таълим-тарбиянинг моҳияти, мазмунини шакллантириш ва такомиллаштириш, мактабгача таълим педагогикаси фанининг қоида ва қонунларини халқимизнинг бой тажрибалари асосида бойитиб бориш ва унинг янги қирраларини излаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидир. Шунингдек, мустақиллик шароитида узлуксиз таълим тизимини янада ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш мактабгача таълим педагогикаси фани олди га қатор вазифаларни қўймоқда. Мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш вазифалари эса шахсни тарбиялаш мақсадлари асосида уларнинг ёшига ва хусусиятларига қараб белгиланади. Мактабгача тарбия ёшидаги бола шахсини ҳар томонлама камол топтириш жисмоний, ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тарбия мажмуасидан иборатдир. Бу соҳада Шарқ ва Ғарб халқлари яратган оғзаки ижодиёт, буюк мутафаккир, педагог ва олимларнинг таълим-тарбияга доир илғор фикрларини ўрганиб, таҳлил қилиб, баркамол инсонни тарбиялаш жараёнини ўрганиш биз учун жуда қимматлидир:

-таълим-тарбия тўғрисидаги қонун-қоида тамойил, метод ва усулларни¬ болалар боғчалари амалий ҳаёти билан боғлаб, бўлажак тарбиячи — ўқитувчиларга ўргатиш ҳамда халқ таълимини бошқариш ва раҳбарлик масалаларини чуқур ўрганиб, бўлажак тарбиячиларни қандай тайёрлаш муаммоларини ҳал қилиш;

- мактабгача тарбия муассасаларида оила билан узвий ҳамкорликда¬ болаларни ҳар томонлама ривожлантириш ишини амалга ошириш. Бундай вазифаларда тадқиқ этиш;

- биринчидан, болалар соғлиғини сақлайди ва мустаҳкамлайди, жисмоний¬ ривожланишини таъминлайди;

- иккинчидан, илмга қизиқиш ва қобилиятларини ривожл антиради;

¬ учинчидан, Ватанга, табиатга, жонажон ўлкага муҳаббат, катталарга¬ ҳурматни, ўртоқлик ва жамоатчи- лик, хайрихоҳлик, хулқ маданияти, мустақиллик, уюшқоқлик ва интизом, меҳнатсеварлик каби ижобий фазилатларни тарбиялайди;

- тўртинчидан, эстетик тарбияни амалга оширади.

Кейинги йилларда жисмоний, ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тарбия бўйича олиб борилган илмий- педагогик тадқиқотлар мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш вазифаларини уларнинг психик-физиологик имкониятларини эътиборга олган ҳолда белгилаш зарурлигини кўрсатиб берди. Улар болалар боғчасининг “Учинчи минг йилликнинг боласи” таянч дастурида ўз аксини топган.

### 3. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг илмий тадқиқот методлари.

Илмий тадқиқот ишлари таълим-тарбия самарадорлигини ошириш билан боғлиқ вазифаларни халқ таълимининг ҳамма бўғинларидаги ўқув-тарбиявий ишларни келгусида янада яхшилаш йўлларини топиш учун амалга оширилади. Илмий тадқиқот методлари (метод — лотинча йўл деган маънони англатади) орқали амалга оширилади. Илмий тадқиқот ишида олимлар педагогика, мактабгача таълим педагогикаси ва психология фанининг вакилла- ри, мактаб ўқитувчилари, болалар боғчалари тарбиячилари ва шунингдек, тарбия бериш амалиёти билан бевосита боғлиқ бўлган кишилар қатнашадилар.

Педагогик воқеа-ҳодисаларнинг қонуниятларини очиш ҳар хил йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Тадқиқотнинг эмпирик даражасида ҳар хил фактик материаллар йиғилади, улар тўлиқ ёритиб борилади, шунингдек воқеалар ўртасидаги объектив боғлиқликлар аниқланади, тадқиқ этилаётган воқеа қар томонлама пухта ўрганилади. Тадқиқотнинг назарий даражаси ўрганилаётган воқеанинг моҳиятини аниқлашга йўналтирилган махсус тизимлаштириш ва таҳлил усулидир. Илмий тадқиқот ишини олиб боришда қўлланиладиган мактабгача таълим педагогикаси фанининг ривожланишини таъминлайдиган илмий тадқиқот методларига қуйидагилар киради.

***Адабиётларни ўрганиш методи.*** Адабиётларни ўрганиш жараёнида миллий ва умуминсоний қадриятларни акс эттирувчи буюк мутафаккир педагогик олимларнинг асарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари таълим - тарбия борасида қабул қилинган қарорлар тадқиқот мавзусига оид дарслик, рисола ва мақолалар, педагогик. психологик тадқиқотлар, диссертациялар ўрганилади.

***Кузатиш методи***. Кузатиш - адабиётларни ўрганишдан кейин бошланадиган жараён. Кузатишда тадқиқотчи маълум педагогик ҳодисани, мақсадни кўзлаб ташкил этади. Тадқиқотчи кузатишга олдиндан пухта тайёрланади, кузатишдан кўзда тутилган мақсадни аниқлайди, унинг дастури режалари тузилади, кузатиш манзили, муддати белгиланади. Кузатиш икки турга ажратилади: қисқа ва узоқ муддатли кузатиш. Қисқа кузатиш деганда — объектнинг кундалик фаолиятидаги ўзгаришлардан маълум хулосага келиш тушунилади. Узоқ муддатли кузатиш эса мақсад — режа ва дастур асосида олиб борилади ва маълум илмий, якуний хулосага келиш тушунилади. Кузатиш якунларини қайд қилишда кино, видео ёзуви, телевидение ва бошқа техникавий воситалардан фойдаланиш мумкин.

***Суҳбат методи.*** Суҳбат аниқланиши керак бўлган масалаларни ойдинлаштириб олиш мақсадида, олдиндан тузилган режа асосида ўтказилади. Суҳбат якка тартибда ҳамда жамоа тарзида олиб борилади. Суҳбат болалар ҳаётининг у ёки бу воқеа- ҳодисалари тўғрисидаги қизиқишлари, тасаввурлари, мулоҳаза ва муҳокамаларни аниқлаб олишга бевосита ёрдам беради. Суҳбатдан метод сифатида фойдаланишда, албатта, унинг мақсади ва режасини аниқлаб олиш керак бўлади. Суҳбат методи жараёнида интервью олиш ҳам муҳим саналади. Ўринли, мантиқан юксак жавоблар ёки ноаниқ жавоблар магнит тасмасига ёзиб олинади ва таҳлил этилади.

**Ҳужжатларни ва болаларнинг ишларини ўрганиш**. Болалар ишларини ўрганиш илмий тадқиқотнинг асосини ташкил этади. Тадқиқотчи педагогик ҳужжатларни ўрганиш орқали ўрганилаётган объект тўғрисидаги ҳар хил маълумотларни билиб олади. Бунга мактабгача тарбия муассасалари мудирлари, тарбиячиларнинг режалари ва ҳисоботлари, болалар боғчаси тарбияланувчиларнинг расмлари, лой ва пластилиндан ясалган буюмлар ва шу кабилар киради. Масалан, болалар анча илгари чизган расмларини қараб чиқиш, таҳлил қилиш, болаларга берилган топшириқларнинг қай даражада мураккаблашиб борганини аниқлаш ҳамда улар билан кейинги олиб бориладиган ишларни белгилашга ёрдам беради.

**Педагогик эксперимент** таълим жараёнига педагогик янгиликларни киритишдир. Педагогик эксперимент ёрдамида илмий фаразларнинг ишончлилиги текширилади. **Табиий эксперимент ва лаборатория эксперименти** педагогик экспериментнинг асосий турлари бўлиб, улар кўпгина ишларни ўз ичига олади. Табиий эксперимент шароитида янги иш режалари, дастурлари, дарсликлар адабиётлар ва одатдаги иш режаларини бузмай туриб текширилади. Педагогик эксперимент — бу ҳам кузатиш, лекин у педагогик жараённинг ўтиш шароитларини мунтазам ўзгартириш муносабати билан махсус ташкил этилади. Лаборатория иши ҳам илмий тадқиқотнинг анча қатъий шакли ҳисобланади. Қуйидагилар педагогик экспериментнинг босқичлари ҳисобланади: Экспериментни режалаштириш — эксперимент ўтказиш ва натижаларни шарҳлаш. Экспериментни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби белгиланган режага қатъий амал қилган ҳолда олиб борилиши керак. Шарҳлаш босқичида маълумотлар йиғилади ва қайта ишланади.

**Тажриба ўрганиш ва умумлаштириш методи**. Педагогик тажриба тушунчаси кўп қирралидир. Педагогик тажрибанинг кенг маъноси таълим ва тарбия амалиётидир. Педагогик тажрибанинг асосий мақсади — мактабгача муассасаларда олиб бориладиган таълим-тарбия ишлари қай даражада амалга оширилаётганини ўрганишдир. Педагогикадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун таълим-тарбия жараёнини ўрганиш, амалий ходимларнинг ижодий нашрларини назарий асосда идрок этиш ва қайта ишлаб чиқиш, яъни илғор тажрибани умумлаштириш, ёйиш катга аҳамиятга эгадир.

4. **Мактабгача таълим педагогикаси фанининг ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашдаги ўрни**.

Мактабгача таълим педагогикаси фанида бир-бири билан узвий боғланган қуйидаги тушунчалар мавжуд: тарбия, таълим, маълумот.Тарбия— кишилик жамиятининг барча босқичларида шаклланиб, ривожланиб, ўсиб, авлодцан-авлодга ворислик вазифасини бажариб келган бўлса-да, аммо ҳар бир жамиятда тарбиянинг мазмуни мақсади, вазифалари, ўзига хослиги билан фарқланади. Тарбия ижтимоий ҳаёт учун зарур ҳодиса бўлиб, ёш авлодга илмий билимлар тизимини, малака ва кўникмаларини махсус метод ва воситалар орқали режали равишда сингдириб бериш ҳамда ёш авлодни ҳар томонлама шаклланган етук инсон қилиб тарбиялашни мақсад қилиб қўяди. Ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялаш муаммолари дастлаб халқ оғзаки ижоди, педагогикаси, ёзма ёдгорликларда, пандномаларда мутафаккир ҳамда маърифатпарварлар асарларининг бош мавзусини ташкил этган. Абдулла Авлоний тарбия ҳақида гапирар экан, ҳақли равишда шундай деган эди: “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё садоқат - ё фалокат масаласидир”. Демак, тарбия ва одоб Ватанга чексиз муҳаббат, имон-эътиқод, меҳр-мурувват, ростгўйлик, адолатгўйлик, самимийлик, меҳнатсеварлик ва билимдонлик каби ғоялар воситасида шаклланиб боради. Таълим - болаларга билимни тартибли баён қилиш жараёни бўлиб, муайян кўникма ва малакаларни сингдириш, уларнинг онги ва хулқига таъсир этиш, ақлини, онгини, идрокини, дунёқаришини, эътиқодини ва билиш фаоллигини ривожлантиришдир. Таълим бериш жараёнида тарбия ва маълумотнинг мақсади амалга оширилади. Таълим икки томонлама жараён бўлиб ва ўқитишни ўз ичига олади. Ўқитиш - педагогик фаолият бўлиб, билим малака, кўникмаларни болаларга сингдириш, уларнинг билиш ва амалий фаолиятига раҳбарлик қилишдир. Ўқиш - ўқувчининг билим, малака кўникмаларини эгаллашдаги амалий фаолиятидир. У ўқувчиларнинг ҳар томонлама ривожланишшш таъминлайди. Маълумот - асосий педагогик тушунча бўлиб, у ижтимоий ҳаёт воқеаларни объектив акс эттиради. Бу жараён кишининг табиат, жамият ва киши тафаккури тўгрисидаги умумлаштирган ижтимоий зарур билим, малака, кўникмалар тизимининг эгаллаб олиниши натижасидир. Маълумот кишининг билишга бўлган талабини таъминлаб, ундаги қобилиятларни маълум даражага кўтаради ва амалий фаолиятга тайёрлайди.

5. **Мактабгача таълим педагогикаси фанининг ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашдаги ўрни.**

Мактабгача таълим турли ёшдаги болаларни мактабга тайёрлаш билан бирга, уларни соғлом, ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш учун зарур ташкилий, услубий психологик, педагогик шарт-шароитлар яратади, болаларни мактабда мунтазам равишда таълим олишга тайёрлашда ота-оналарга ёрдам беради, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади. Мактабгача таълим бола 6-7 ёшга етгунча оилада ҳамда давлат ва давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасатарида амалга оширилади. Мактабгача таълим бола шахсини мактабгача болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ соғлом, етук, мактабда ўқишга тайёр тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди.

**Мактабгача таълимнинг вазифалари:**

Болаларни халқнинг бой миллий маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида ақлий ва маънавий ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш.

-Болаларда миллий ғурур, ватанпарварлик ҳисларини шакллантириш.

-Мактабгача ёшдаги болаларнинг билим олиш эҳтиёжини, ўқишгаϖ интилишини шакллантириш, уларни мунтазам равишдаги таълим жараёнига тайёрлаш.

-Болалар тафаккурини ривожлантириш ўзининг фикрини мустақил ваϖ эркин ифодалаш малакаларини шакллантириш.

-Болаларнинг жисмоний ва руҳий соғлигини таъминлаш.

Мактабгача таълим муассасалари ҳудудларнинг демографик, ижтимоий- иқтисодий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш ва тугатиш қонунга мувофиқ равишда амалга оширилади. Мактабгача таълим муассасалари уларнинг йўналишларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

*болалар яслиси, болалар боғчаси, болалар ясли боғчаси, хонадон болаларϖ боғчаси, (ҳам мустақил муассаса сифатида, ҳам филиал сифатида);

*боғча мактаб мажмуаси;

*тарбияланувчиларни бир ёки бир неча устувор йўналишлардаѿ ривожлантирадиган (тил ўрганиш, бадиий-эстетик, спорт ва бошқа йўналишлар бўйича) мактабгача таълим муассасаси.

Тарбияланувчиларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишидаги камчиликларини бартараф этишни устувор равишда амалга оширувчи махсус мактабгача таълим муассасаси. Санитария-гигиена, профилактика ва соғломлаштириш тадбирлари ва муолажалари устувор равишда амалга ошириладиган соғломлаштирувчи болалар богчаси.

Аралаш турдаги мактабгача таълим муассаси (аралаш турдаги муассаса таркибига соғломлаштирувчи гуруҳлар турлича миқдорда бўлиши мумкин). Мактабгача таълимнинг турлари ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан танланади.

**Назорат саволлари**

1. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг яратилиши?
2. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг мақсад ва вазифаларини изоҳланг.
3. Мактабгача таълим педагогикасининг асосий тушунчалари ва уларнинг моҳияти нимада?
4. Илмий тадқиқот методлари ва уларнинг аҳамияти.
5. Мактабгача таълим педагогикасига доир адабиётлар рўйхатини тузинг

## 2-мавзу: Хозирги жамиятда мураббий ва тарбиячиларга қўйилган талаб ва вазифалар

**Режа:**

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад ва вазифалари.
2. Тарбиячи ва унинг жамиятда тутган ўрни.
3. Педагог-тарбиячи шахсига қўйилган талаблар. Унинг шахсини шакллантириш. Педагог-тарбиячининг нутқ маданияти.

**Таянч тушунчалар:**

**Миллий модел** – Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели (КТММ)нинг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат: шахс; давлат ва жамият; узлуксиз таълим; фан; ишлаб чиқариш; таълим-тарбиянинг узвий боғлиқлигини таъминлаш ва бу жараён ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлигидадир.

**Узлуксиз таълим** – Миллий моделнинг таркибий қисми бўлиб, қуйидаги таълим турларини ўз ичига олади: мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус касб-ҳунар таълими; олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълим. Узлуксиз таълим – малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турлари, ДТСни ўз ичига олади.

**Истеъдод –** ҳар томонлама ривожланган ва такрорланмас қобилият

**Иқтидор –** инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларига нисбатан субъектив муносабати

**Тарбиячи –** «эскини ўзлаштирган ва янгини тушунишга қодир инсонгина тарбиячи бўла олади» (Конфуций)

**Нутқ фаолияти** – бу инсон томонидан ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштириш ва авлодларга етказиш, коммуникация (алоқа) ўрнатиш мақсадида тилдан фойдаланиш жараёни.

**Нутқ техникаси** – сўзлаётганда тўғри нафас олиш, овозни йўлга қўйиш, сўзларни хатосиз талаффуз қилиш, овоз ўзгариши, дикция, ритмика.

***1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад ва вазифалари***

Биринчи Президентимиз ўзларининг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарларида ҳақли равишда таъкидлаганларидек ”Агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир, десак ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламизъ[1].

Чинданда ўз эртанги келажагига бефарқ бўлмаган миллат, ёруғ ва фаровон кунларини унинг эгалари бўлмиш ёш авлод истиқболида кўрган миллат таълим-тарбияга алоҳида эътибор қаратади.

Истиқлол йилларида биринчи Президентимиз ташаббуси билан аввало эртанги кун эгалари бўлган ёш авлод истиқболи, таълим-тарбиясига масъул бўлган устоз ва мураббийлар касбига бўлган муносабат ўзгарди. Жамиятда бу шарафли ва ўз навбатида ўта масъулиятли касб эгаларига нисбатан юксак ҳурмат ва эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Мамлакатимиз таълим тизимида узоқни кўзлаб олиб борилаётган ислоҳотлар бугун нафақат жамоатчилигимиз, балки бутун жаҳонда ҳам катта эътибор билан эътироф этилмоқда.

Бугун янгича қиёфа касб этган, замон талаблари даражасида таъмирланган, энг сўнгги русумдаги ўқув жиҳозлари билан жиҳозланган мактаблар орзу эмас айни ҳақиқатдир.

[1] **И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.**

Мамлакатимиз равнақи ва ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг билим даражаси ва дунёқарашига боғлиқ. Шахснинг таълим-тарбия соҳасидаги фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислоқотларга интилувчанлиги белгиланган мақсадларга тезроқ эришишнинг муҳим омилидир. Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек, "Таълим-тарбия - онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад - озод ва обод жамиятни барпо етиб бўлмайди".

Бугунги кунда янги таълим тизими фаолиятини такомиллаштириш ва барқарорлашатириш ҳамда фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқларини таъминлашда ривожланган хориж давлатларининг тажрибаси билан бир вақтда Шарқдаги мутафаккир аждодларимизнинг бебаҳо меросларидан ҳам фойдаланиш тақозо етилади.




2009 йилда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган чора тадбирлар самарадорлиги ҳақида гапирганда, уларнинг аввало энг муҳим масалаларга - янги иш ўринларини яратиш ва аҳолимизнинг турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилганиш алохида қайд етиш зарур.

”Ўрни келганда айтиш керакки, янги 2010 йилда давлат бюджетининг 50 фоиздан кўпроғи мамлакатимизда фақат таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилади.

Баркамол авлод ҳақида сўз борганда, ўтган йиллар давомида катта куч ва маблағ ҳисобидан таълим соҳасида барпо етилган моддий-техник базадан оқилона ва самарали фойдаланиш масаласи қанчалик муҳим экани барчамизга аён бўлиши керак, деб ўйлайман”[i].

Масъулиятли ва мураккаб бу вазифа, давлатнинг бошқа тадбирлари қаторида, Республика Олий Мажлисининг IX-сессиясида қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонун "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни (1997 йил 29 август) рўёбга чиқариш орқали бажарилади. Бу дастурни таркибий қисми сифатида таълимнинг янги модели яратилади. Бундан кўзланган мақсад таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос етиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг миллий тизимини яратиш эди.

Президент томонидан илмий асослаб берилган таълим-тарбия моделини амалиётга тадбиқ етиш ўқув жараёнини технологиялаш билан узвий боғлиқдир.

Ушбу дастур мазмунида баркамол шахс ва малакали мутахасисни тарбиялаб вояга етказиш жараёнининг моҳияти тўлақонли очиб берилгандир. Малакали кадрлар тайёрлаш жараёнининг ҳар бир босқичи ўзида таълим жараёнини самарали ташкил етиш, уни юқори босқичларга кўтариш, шу билан бирга жаҳон таълими даражасига етказиш борасида муайян вазифаларни амалга ошириши лозим.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборатдир:

**Таълим моделининг таркибий қисмлари**

Шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи

Давлат ва жамият – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари

Узлуксиз таълим – малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси. Таълимнинг барча турлари ва стандартларини ўз ичига олади.

Фан – юқори малакали мутахассислар тайёр-ловчи ва улардан фойда-ланувчи, илғор педагогик ахборот технологияла-рини ишлаб чиқувчи

Ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган эҳтиёжни, улар сифатига қўйилган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, тизимни молия ва моддий техник база билан таъминлаш қатнашчиси.

**Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутади:**

«Таълим тўғрисидаги қонунга мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш.

Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш.

Кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг кундузги ва ижтимоий мақомини кўтариш.

Кадрлар тайёрлаш тизимини ҳозирги талаблар доирасида қайта қуриш.

Таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали услубларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш

Тизимни аттестация ва аккредитация қилишнинг ягона тизимини жорий қилиш

Норматив моддий-техника ахборот базасини яратиш

Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини таъминлаш

Тизимга бюджетдан ташқари инвестицияларни жалб қилиш

Кадрлар тайёрлаш соҳасини ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш

– шахс - кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчиси;

– давлат ва жамият - таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

– узлуксиз таълим малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

– фан юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

– ишлаб чиқариш кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Давлат ва жамият узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча учун очиқ бўлишини ва ҳаёт ўзгаришларига мослашувчанлигини таъминлайди.

Ана шундай буюк вазифалар ва уларни амалга ошириш учун ажратилаётган маблағлар ҳақида гапирар еканмиз, ертанги кунимиз учун, болаларимиз, фарзандларимизнинг бахти учун меҳнат қилиш, фидоийлик кўрсатиш - бу барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

***2. Тарбиячи ва унинг жамиятда тутган ўрни***

Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган улкан ислоҳатларнинг муваффақиятга энг аввало одамларнинг ўз ишларига маъсулият билан қарашларига, кундалик меҳнат фаолиятида мамалакат тараққиётига ҳисса бўлиб қўшиладиган савобли ишларни қила олишларига боғлик. Жамиятда педагог (ўқитувчи, тарбиячи) биринчидан, ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш, иккинчидан меҳнаткаш халқимизга ҳар томонлама билим беришдек савобли ва маъсулиятли вазифаларни бажаради.

Мактабгача педагогика фани – бу келажак, истиқбол учун мерос қилиб қолдириладиган бойликдир. Бу бойликнинг қадр-қиммати шу қадар буюкки, у одамни маънавий жиҳатдан бой қилиб, қалбини бахтга, илоҳий нурга тўлдиради. Дунёда бирор кимса йуқки, унинг устози бўлмаса. У хукумат раҳбарими, буюк алломами, шифокорми, халқ мехрини қозонган ёзувчими ёки қўли гул косибми, қўйингки, барча-барчанинг ўз устози ва ҳаёт йўлини чароғон этиб турувчи йулбошчиси бўлади.

Устознинг энг буюк бурчи – унинг халққа нафи тегадиган, ақл-идрокли, қобилиятли, укувли шогирдлар тайёрлашдир.

Тарбиячи ёш авлодни ҳалкимизнинг муносиб фарзандлари қилиб тарбиялашдек муҳим ва фаҳрли шу билан бирга маъсулиятли вазифани бажаради. Тарбиячининг сиёсий етуклиги болаларнинг тарбиялаш сифати учун ҳалқ ва жамият олдидаги ўз маъсулиятини англашга таълим - тарбия ишларини ҳал этишга ижодий ёндошишга ўз маҳоратини доимо фаоллаштириб бориш ва ҳамкасбларнинг ишдаги ўсишга кўмаклашувига ёрдам беради. Тарбиячи ўзи яшаб турган ўлка ҳаётини билиши табиат ва жамият омилларини тушуниши ижтимоий фаол бўлиши керак.

Республикамиз раҳбарияти педагоглар фаолиятини юқори баҳоламокда. Маълумки Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти (1996-йил 9-январдаги) Фармонига биноан «1 октябрь Ҳалқ таълими ҳодимлари – ўқитувчи мураббийлар куни» деб эълон қилинди. Бу воқеа давлатимизни ўқитувчиларни жамиятда тутган ўрни нақадар юксаклигидан далолат беради. Ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашда эришган ютуқлари учун, педагог ишидаги ижодий меҳнатлари учун, илғор тажрибаларни умумлаштиришда эришган ютуқлари учун ўқитувчи, тарбиячилар «Методист ўқитувчи», «катта ўқитувчи», «Методист - тарбиячи», «Халқ маорифи аълочиси» ва шу каби шарафли унвонлар билан тақдирланадилар. Халк таълими ходимлари орасидан республика буйича депутатлар сайланиши ҳам уларга бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиромни билдиради.

Жумҳуриятимизда педагог ходимларнинг ойлик маошлари йилдан-йилга оширилиб, турмуш шароитлари яхшиланиб келинмокда. Педагог ходимларни малакасини ошириш илмий-методик марказлари кенгайтирилмокда, уларнинг сиёсий тайёргарлигига талаб кучайтирилмокда, ҳар 4-5 йилда қайта тайёрлашдан ўтишлари учун шарт-шароит яратилмокда.

***3. Педагог-тарбиячи шахсига қўйилган талаблар. Унинг шахсини шакллантириш. Педагог-тарбиячининг нутқ маданияти.***

Ҳар қандай жамиятда баркамол авлодни тарбиялаш, вояга етказиш ва уни маълум бир касбга йўналтириш оғир ва машаққатли меҳнат эвазига амалга оширилади. Бу машаққатли меҳнат узлуксиз таълим ва тарбиявий фаолиятнинг маҳсулидир.

И.А.Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида ўқитувчининг касбий фаолиятига шундай таъриф беради: *"Барчамизга аёнки, инсон қалбига йўл, аввало таълим-тарбиядан бошланади. Шунинг учун қачонки бу ҳақда гап кетса, аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросни эслаш билан бирга, ота-оналаримиз қатори биз учун энг яқин бўлган яна бир буюк зот – ўқитувчи ва мураббийларнинг олижаноб меҳнатини ҳурмат билан тилга оламиз... Мухтасар қилиб айтганда, мактаб деган улуғ даргоҳнинг инсон ва жамият тараққиётидаги ҳиссаси ва таъсирини, нафақат ёшларимиз, балки бутун халқимиз келажагини ҳал қиладиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди".*

Мамлакатимизнинг келажаги, мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи, таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан тарбиячи-ўқитувчига, унинг савиясига, тайёргарлигига, фидойилигига, ёш авлодга таълим бериш ва баркамол инсон даражасида тарбиялаб, вояга етказишга нисбатан шижоатига боғлиқ.

Маълумки, таълим муассасаларида тарбиявий жараён бевосита ўқитувчи томонидан ташкил қилинади ва олиб борилади. Янгича ижтимоий шароитда таълим-тарбиядан кўзда тутилаётган мақсадларга эришиш, ўқувчиларнинг дарс ва дарсдан ташқари хилма-хил тарбиявий фаолиятларини уюштириш, уларни билимли, одобли, эътиқодли, ватанпарвар, меҳнатсевар, баркамол инсон қилиб ўстириш ва касбга йўналтириш ўқитувчилар зиммасига юклатилган.

***Тарбия*** *– ўқитувчи ва ўқувчи (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар ўртасида ташкил этилувчи педагогик фаолият бўлиб, тарбияланувчини маълум бир мақсадга мувофиқ такомиллаштириш учун шахсга мунтазам ва тизимли таъсир этиш, жамиятнинг ижтимоий-тарихий тажрибаларига ёндашиб шахсни ҳар томонлама шакллантириш, унинг хулқ-атвори ва дунёқарашини, ижтимоий онгини таркиб топтиришда халқнинг бой мафкураларига йўналтирилган қизғин фаолият жараёнидир.* Тарбия асосида тарбияланувчининг онги шаклланади, маънавий бойлиги ва ҳис-туйғулари ривожланади, ўзида ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топиш учун зарур бўлган, кишилар билан ўзаро муносабатни тўғри ташкил этишга хизмат қиладиган ахлоқий одатлар ҳосил бўлади Тарбия хусусида таниқли ўзбек адиби Абдулла Авлонийнинг *"Ал-ҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот – ё фалокат, ё саодат – ё разолат масаласидур"*[2] – деб айтган фикрлари барча миллат вакилларининг тарбиясига мос келувчи ҳақиқатдир. Ушбу фикрлардан англаниладики, шахс тарбияси хусусий иш эмас, балки ижтимоий, миллий ва давлат ишидир.

И.А.Каримов ўқитувчидаги тарбиячилик қобилиятининг асосий моҳиятини шундай таърифлайди: *«Тарбиячи – устоз бўлиш учун, бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун, энг аввало, тарбиячининг ўзи ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак».* Демак, ўз фаолиятини эндигина бошлаётган ўқитувчилар ва доимий изланишда бўлган тажрибали ўқитувчилар ҳам тарбиячилик маҳоратига замин яратувчи қуйидаги жараёнларни билиши керак:

- ҳар қандай педагогик вазиятларда ўқувчининг ички ва ташқи дунёсини тўғри тушуниш малакаси;
- педагогик вазиятларни тўғри идрок қилиш учун диққатни жамлаш;
- тарбияланувчиларга ишонч ва талабчанлик;
- тарбиявий вазиятни ҳар томонлама пухта баҳолай олиш қобилияти;
- хилма-хил педагогик тактлардан ўзи учун энг муҳимини ажрата олиш қобилияти;
- зиддиятли тасодифий ҳолатларда иккиланмасдан тўғри қарор қабул қилиш;
- тарбияда таъсир этишнинг турли усулларидан фойдалана олиш қобилияти;
- фикр ва мулоҳазаларини сўз билан, мимика ва пантомимик ҳаракатлар билан ўқувчи онгига аниқ етказа олиш;
- дарс ва дарсдан ташқари фаолиятда ўқувчилар билан коммуникатив алоқа ўрната олиш қобилияти;
- ўқувчилар онгида эркинлик ва ташаббускорликни, ўз фикр мулоҳазаларини қўрқмасдан баён қилиш кўникмаларини тарбиялаш;
- қийин ҳолатларда ўқувчиларга ёрдам бера олиш;
- тарбиявий тадбирларни ўтказишда ўқувчилар жамоаси билан доимо маслаҳатлашиш;
- ўтказилаётган тарбиявий тадбирлар юзасидан ўқувчиларнинг фикрларини ўрганиш;
- ўз-ўзини бошқаришнинг турли шаклларидан унумли фойдаланиш;
- ҳар бир ўқувчининг яширин ижобий фазилатларни кўра олиш ва такомиллаштириш;

---

[2] Авлоний Абдулла. "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ". – Тошкент, Ўқитувчи, 1992й.

- ўқувчиларнинг ижтимоий келиб чиқишига қараб тоифаларга ажратмаслик, бир хил муносабатда бўлиш.

Тегишли маълумотли, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагоглик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга дейилади «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида.

Педагог-тарбиячи болаларга кундалик ҳаётда, ўйинларда, машғулотларда, биргаликдаги меҳнат фаолиятида ва улар билан бўладиган муомалада таъсир кўрсатади. У ҳар бир болани диққат билан ўрганиши, унинг шахсий хусусиятларини, қобилиятларини билиши, педагогик назокатини намоён қилиши, болаларнинг хулқ-атворини, иш натижаларини ҳаққоний баҳолаши керак, уларга ўз вақтида ёрдам кўрсата олиши, оиладаги аҳволи билан қизиқиши зарур. Ҳозирги замон тарбиячисининг асосий фазилатларидан бири ўз касбига садоқатлилиги, ғоявий эътиқодлилиги ўз касбини севиши ва бу касбга бўлган чексиз садоқати ўқитувчи – тарбиячи бошқа касб эгаларидан ажратиб туради. Педагог-тарбиячи шахсига қўйиладиган муҳим талабларидан бири шуки, у ўз предметини, унинг методикасини чуқур ўзлаштирган бўлиши зарур. Бу педагог-тарбиячининг обрўсини кўтаради. Тарбиячи касбига хос бўлган муҳим фазилатларидан, талабларидан бири болаларни севиш уларнинг ҳаёти билан қизиқиш ҳар бир шахсни хурмат килишдан иборат. Болани севган бутун куч ва билимини болаларни келажаги буюк ватанга содиқ фуқаро қилиб тарбиялашга сафарбар қила оладиган одамгина ҳақиқий тарбиячи-педагог бўла олади. Болаларни севиш – педагогнинг мураккаб меҳнатини жозибали ва енгил қилади. Тарбиячининг болаларга муносабати педагогикада тарбияланувчи шахсга ҳурмат, унга талабчанлик билан бир қаторда туради. Бу муносабат болада педагогга нисбатан ишончни уйғотади, ўқитувчига болаларни чинакам маънавий мураббийси бўлишга имкон беради.

Педагог фаолиятининг муваффақияти педагогик қобилиятларининг мавжудлигига ҳам боғликдир. Педагогик қобилият - педагогик маҳоратга эришишнинг заминидир. Педагогик қобилият таркибига: педагогик кузатувчанлик, педагогик тасаввур, диққатни тақсимлаш, ташкилотчилик қобилияти ва педагогик муомала киради. Педагогик қобилиятлар педагогик фаолиятЎ жараёнида, шунингдек уни бу фаолиятга тайёрлаш жараёнида шаклланади. Педагогик маҳорат – бу ёш авлодга таълим-тарбия беришни юксак даражада ва доимий равишда такомиллаштириб бориш санъатидир.

***Педагог – тарбиячи шахсини шакллантириш***

Тарбиячи мактабгача ёшидаги болаларга табиат, жамият ҳодисалари, катталарнинг меҳнати ҳақида бошланғич билим ва тушунчалар беради, уларга маданий аҳлок, ўз тенгдошлари ва катталар билан маданиятли маносабатда бўлиш одатларини сингдиради, яхшилик, ҳақиқатгўйлик, адолат, жасурлик, камтаринлик, катталарга ҳурмат билан қараш, табиатга қизиқиш, кузатувчанлик, ўсимлик ва ҳайвонларга ғамхурлик билан қараш, меҳнатсеварлик, катталарни меҳнати натижаларини асраб-авайлаш каби аҳлоқий сифатларни тарбиялайди.

Халқ санъати, мусиқа, ашула, адабиёт, тасвирий санъатни билиш, санъатга муҳаббат тарбиячини маданиятли қилади, болалар билан олиб борадиган ишида ёрдам беради. Педагог керакли билим, малака ва кўникмаларни маълум бир изчиллик билан эгаллаб борсагина болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш ишида яхши натижаларга эришади. Тарбиячи ўз касбининг моҳир устаси бўлиш учун махсус тайёргарлик кўриши керак. У қуйидаги шартларга амал килиши керак:

1. Педагог ёш авлодни тарбиялаш учун юқори маълумотли, керакли билимларни эгаллаб, керакли адабиётларни танлай оладиган, илмий адабиётлар билан ишлай оладиган, илғор тажрибали педагогларнинг тажрибасини ўрганиб, ўз ишига тадбиқ эта оладиган бўлиши;
2. Педагог болаларни кузата оладиган, уларнинг хулқи, хатти-ҳаракати сабабларини тўғри таҳлил қилиб, унга ижобий таъсир этувчи воситаларни топа олиши;
3. Ёш авлодни керакли билим, малака, кўникмалардан хабардор қилиш учун педагогнинг нутқи равон, аниқ, мантиқий, ихчам бўлиши лозим. Таълим беришда техникавий воситалардан самарали фойдалана олиши керак. Болалар билим, малака, кўникмаларни яхши ўзлаштириб олишлари учун уларни фаоллаштириб саволлардан фойдаланиши;
4. Тарбиячи ўзига юкланган вазифани бажариш учун болаларда ўша фаолиятига нисбатан қизиқиш уйғота олиш, уларнинг диққатини жалб килиб, фаоллигини ўстириш, болаларнинг хулқини, хатти-ҳаракатини ҳаққоний баҳолай олиши;
5. Ҳар бир фаолият учун керакли материалларни олдиндан тайёрлаб қўйиши;
6. Кун тартибини тўғри ташкил эта билиши, болалар жамоасига ундаги ҳар бир аъзони эътиборга олган ҳолда раҳбарлик қила билиш;
7. Болаларнинг руҳий ва жисмоний ҳолатини аниқлай билиши ва буни болалар билан амалга ошириладиган таълим-тарбиявий ишларида эътиборга олиши;

8. Тарбиячи ота-оналар билан мунтазам равишда суҳбатлар, учрашувлар ўтказиб, ахборот алмаштириб туриши;

9. Педагог болаларга нисбатан ҳайриҳохлик муносабатда бўлиши, ҳар бир бола учун қулай шароит яратиши, ҳафа бўлса овунтара олиши;

10. Кун тартибида олиб борган таълим-тарбия ишини таҳлил қила билиши ва уни янада яхшилаш йўлларини топа олиши керак.

Энг муҳими – тарбиячи болаларга ишонч билан қараши, уларнинг меҳнатсеварлиги, мустақиллиги, ташаббускорлигини тўғри тақдирлаши ва мустақил фаолият қилишлари учун имконият яратиши керак. Буни болалар юқори баҳолайдилар.

***Педагог – тарбиячининг нутқ маданияти***

Нутқ маданияти ─ ижтимоий маданиятни, кишилик жамияти маданиятини акс эттирувчи бир кўзгудир. Нутқ маданияти адабий тилнинг ҳар икки шакли ─ ёзма ва оғзаки шакли учун зарурдир. Нутқ маданиятига эътибор ёлғиз ўқитувчилардан эмас, балки ҳар бир фуқародан онгли равишда ўзлаштириш талаб қилинадиган инсоний фазилатлардан биридир. Уни эгаллаш ҳар бир ўқитувчининг ва шахснинг маданий савияси ва билимига боғлиқ. Ўқитувчи педагогик маҳоратида нутқ маданияти, унинг нафақат маънавий ва ахлоқий жиҳатдан бойлигини, балки билимини, тафаккурини, илмий дунёқарашини, фикр ва мушоҳада юритишини белгиловчи меъёрдир. Ўқитувчининг нутқ маданияти бирданига шаклланиб маромига етадиган жараён эмас, у педагогик маҳорат билан, касб фаолияти давомида, тажрибали устозлар ўгити натижасида йиллар давомида такомиллашиб, сайқалланиб бораверади. Ўқитувчининг нутқий қобилияти маданий, касбий, педагогик талаблар асосида шаклланиб боради. Уни ривожлантириш фақат ўқитувчининг шижоатига боғлиқ. Шу қобилият туфайли ўқитувчининг нутқ маданияти ҳам шаклланиб боради. Қуйидаги ўқитувчининг нутқ маданиятига хос бўлган воситаларни педагог-тарбиячи унутмаслиги керак:

1. Нутқ маданияти ўқитувчининг маънавий-ахлоқий камолоти таркибий қисмидир. Зеро нутқ, миллатимиз эришган маданият даражасини кўрсатувчи, ўз она тилимизга эътиқодни намойиш этувчи ёрқин ва ишончли далилдир.

2. Нутқ маданияти ўқитувчиларни маънавий ва маданий савияси билан, ҳамда адабий тилни мукаммал билиши билан бошқа касб эгаларидан маълум маънода ажратиб туради.

3. Нутқ маданиятининг пировард мақсади эркин фикр эгаси бўлган баркамол авлодни қандай касб эгаси бўлиб етишишидан қатъий назар маънавий жиҳатдан тарбиялаш.

4. Нутқ маданияти ─ бу аввало, ўқитувчиларда нутқий кўникма ва нутқий малакаларни ҳосил қилади. Бу кўникма педагогик фаолиятда такомиллашиб боради, махсус меҳнат ва машқлар эвазига малака оширилади ҳамда эришилган муваффақиятлар туфайли қобилият ва маҳорат шаклланади.

5. Нутқ маданиятига ўзбек адабий тилини мукаммал эгаллаш асосида эришилади. Бунинг учун ўқитувчи адабий тил қонуниятларини билиши, бадиий адабиёт асарларини доимий ўқиб бориши, шеърлар ёд олиши ва уни ифодали ўқий олиши, радио ва телевидение эшиттиришларини кузатиб бориши лозим.

6. Нутқ маданиятини эгаллашнинг яна бир кўриниши нутқий тақлид бўлиб, ёш ўқитувчилар ўзидан яхшироқ, чиройлироқ, маъноли ва таъсирчан нутқ сўзлайдиган устоз мураббийларнинг нутқий санъатига ҳавас билан қараши ва тақлид қилиши асосида ўрганиши мумкин.

Ўқитувчининг педагогик фаолиятида нутқ техникасини мукаммал эгаллаш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, нутқ воситасида ўқитувчи боланинг ҳис-туйғуларини уйғотади, ўқувчилар билан онгли мулоқотни таъминлайди, таълим-тарбияга оид маълумотларни таҳлилий идрок этади. Бунинг учун бўлажак ўқитувчи аввало нутқ сирларини, унинг ўқувчилар билан бўладиган мулоқотда таъсир кучини пухта билиши керак.

**Назорат учун саволлар:**

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади ва вазифасини тушунтиринг.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури нечта босқични ўз ичига олади.
3. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ва унинг асосий компонентлари
4. Тарбиячи – педагоглик касби қандай касб ва бунга сизнинг муносабатингиз?
5. Тарбиячининг шахсий сифатлари ва педагогнинг одоби қандай бўлиши керак?
6. Ҳозирги давр ўқитувчисига қўйилган педагогик талаб нималардан иборат ?
7. Касбий лаёқат деганда нимани тушунасиз?

## 3-маъруза: Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари

**Режа:**

1.Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талабларининг мазмун- моҳияти, асосий соҳа ва йўналишлари.

2. Давлат талаблари соҳа йўналишлари индикаторлари ҳақида тушунча.

**Таянч тушунчалар:** *талаблар, соҳалар, йўналишлар, индикаторлар, интеллектуал, интеграл таълим, концепция, ижтимоий-коммуникатив, ижтимоийлашув, коррекцион-педагогик, предметли-ривожлантирувчи.*

### "Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари"нинг мазмун-моҳияти, асосий соҳа ва йўналишлари

Бугунги кунда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама ривожланган, жисмонан соғлом, ақлан етук ва маънавий жиҳатдан шаклланган этиб вояга етказиш долзарб вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Бу каби вазифаларни амалга оширишда албатта замон талабига мос келадиган Давлат талабларини янги, қўшимчалар киритилган вариантини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Шулардан келиб чиққан холда, бир қатор олим ва тажрибали амалиётчилар иштирокида ушбу Давлат талаблари яратилди. Мазкур Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари (бундан буён матнда Давлат талаблари деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сонли «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 372-сон «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан мактабгача ёшдаги болаларни (бундан буён матнда болалар деб юритилади) мактабгача таълим муассасаларида ҳар томонлама ривожлантириш, таълим-тарбия бериш, кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда мактаб таълимига тайёрлаш бўйича давлат талабларини белгилайди.

Яратилган Давлат талаблари кўп жиҳатдан мавжуд бўлган Давлат талабларидан кескин фарқ қилади. Биринчидан, янги турдаги Давлат талабларининг вазифалари такомиллаштирилган. Иккинчидан, соҳа ва йўналишларида фарқ бор. Учинчидан, Давлат талаблари соҳа йўналишларининг турли ёш гуруҳлари индикаторларига ўзгартиришлар киритилган. Мактабгача таълимига қўйиладиган Давлат талаблари болаларнинг психологик хусусиятларига асосланган ҳолда таълим-тарбия жараёнини белгилаб беради. Шунинг учун мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларидан психологияга оид билимларини янада чуқурлаштириш талаб этилади.

Бугунги мактаб боласидан аниқ билимларгина эмас, фикрлаш кўникмаси, катталар ва тенгдош ўртоқларини тушуниш, улар билан ҳамкорлик қилиш ҳам талаб этилади. Шунинг учун бола мактабга қадам қўяётганида қанчалик билимга эга эканлиги эмас, балки унинг янги билимларни эгаллашга тайёрлиги, атроф-оламга мослашиши кўникмаси, воқеа-ҳодисани мустақил равишда таҳлил этиши ва мустақил ҳаракат қилиши муҳимроқ ҳисобланади.

Болани бирор нарсага ўргатишгина эмас, унда ўз кучига ишончни орттириш, ўз ғоясини ҳимоя қилиш, мустақил равишда бир қарорга келиш ҳамда унда ―Мен концепциясини шакллантириш ҳам муҳимдир.

Мактабгача ёшдаги боланинг мактаб таълимига ўтиши ҳамиша унинг ҳаёти, аҳлоқи, қизиқиш ва муносабатларида жиддий туб ўзгаришларни юзага чиқаради. Шунинг учун мактабгача ёшдаги болани мактабгача таълим муассасасида ёки уйдаёқ мактаб таълимига тайёрлаш, боланинг ёш хусусиятига доир билим, кўникма ва малакалар билан таништириш керак бўлади. Бундай таништирув мослашув даврининг жиддий қийинчиликларидан халос бўлишга ёрдам беради.

**Мазкур Давлат талаблари қуйидаги таълим муассасаларида татбиқ этилади:**

- давлат мактабгача таълим муассасаларида;
- нодавлат мактабгача таълим муассасаларида;
- қисқа муддатли гуруҳларида;
- 7 ёшгача болалар мавжуд бўлган меҳрибонлик уйлари ва болалар шаҳарчаларида.

**Мазкур Давлат талаблари асосида:**

болаларнинг билим, кўникма ва малакалари, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши ҳамда мактаб таълимига тайёргарлик даражалари аниқланади;

таълим-тарбия дастурларининг тузилиши белгиланади;

таълим-тарбия, вариатив, коррекцион-педагогик ҳамда муаллифлик дастурлари ишлаб чиқилади;

мактабгача таълим тизимининг ресурс базаси яратилади;

замонавий ўқув-услубий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар ва ўйинларнинг методик талабларга мослиги белгиланади;

таълим-тарбия дастурларини амалга оширишда предметли-ривожлантирувчи муҳитга талаб қўйилади;
моддий-техника базасининг таъминот меъёрлари ишлаб чиқилади;
болаларни оилада тарбиялашнинг ташкилий-педагогик-психологик ва услубий манбаалари яратилади.

**Қуйидагилар Давлат талабларининг вазифалари ҳисобланади:**

болаларни мактабда ўқишга тайёрлаш;

болаларнинг соғлом ва ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлаш ҳамда унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотиш;

болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун интеграл таълимни ташкил этиш; шахсга йўналтирилган таълим-тарбияни амалга ошириш;

болаларни халқимизнинг бой маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш; болаларни мактабда ўқишга тайёрлашда уларнинг ота-оналари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳамда ота-оналарга амалий жиҳатдан кўмаклашиш; болаларда ижтимоий-коммуникатив, ахлоқий, эстетик, интеллектуал, жисмоний сифат ва салоҳиятларни уйғотиш ҳамда ривожлантириш;

болаларни соғлом турмуш тарзи билан таништириш;

болаларда мустақиллик, масъулиятлилик, ташаббускорлик хислатларини шакллантириш; болаларга дунё ҳақида тушунчалар бериш ва тасаввурларини кенгайтириш;

болаларнинг ёши, индивидуал, психологик ва жисмоний хусусиятлари ҳамда қобилиятини инобатга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш.

**Давлат талаблари қуйидаги соҳалар бўйича белгиланади:**

- жисмоний ривожлантириш ва маданий-гигиеник кўникмаларни шакллантириш;
- ижтимоий-коммуникатив ривожлантириш;
- нутк, савод, укиш ва чет тилларининг ургатилишига тайёрлаш;
- билиш жараёнини ривожлантириш;
- бадиий адабиётлар билан таништириш ва бадиий эстетик ривожлантириш.

***Жисмоний ривожлантириш ва маданий-гигиеник куникмаларни шакллантириш сохаси куйидаги йуналишларга* булинади:**

- йирик моторикани ривожлантириш
- майда моторикани ривожлантириш
- сенсомоторикани ривожлантириш
- маданий-гигиеник куникмаларни шакллантириш.

***Ижтимоий-коммуникатив ривожлантириш сохаси куйидаги йуналишларга* булинади**:

- ижтимоийлашув, мулокот ва одоб-ахлок коидаларини шакллантириш;
- боланинг оила ва жамиятда узини тутиши
- болада мехнат тарбиясини шакллантириш
- хавфсизлик асосларини шакллантириш.

***Нутк, савод, укиш ва чет тилларининг ургатилишига тайёрлаш сохаси куйидаги йуналишларга* булинади:**

- нуткни ривожлантириш
- савод ва укишга тайёрлаш
- чет тилларининг ургатилишига тайёрлаш.

***Билиш жараёнини ривожлантириш сохаси куйидаги йуналишларга* булинади:**

- дунё хакида билим ва тушунча бериш
- элементар математик тасаввурларини шакллантириш.

***Бадиий адабиётлар билан таништириш ва бадиий эстетик ривожлантириш сохаси куйидаги йуналишларга* булинади**

- бадиий адабиётлар билан таништириш
- бадиий эстетик кобилиятларини ривожлантириш
- мусикий кобилиятларини ривожлантириш.

**Давлат талаблари соха йуналишлари индикаторлари хакида тушунча.**

Мактабгача таълимга куйиладиган Давлат талаблари (илк таълим бериш ва ривожланиш курсаткичлари) бу-кичик ёшдаги болалар ривожланишининг миллий тамойилларини, 2 ёшдан 7 ёшгача булган болаларнинг билим, куникма ва малакалари мезонларини акс эттирувчи, катталарга уларнинг усишлари динамикасини, ривожланишлари холатини аниклашда ёрдам берувчи хужжатдир.

Мактабгача таълимга куйиладиган Давлат талаблари аник бир ёшдаги боланинг ривожланиш стандартларини, боланинг ютуклари ва ривожланиш даражасини бахолаш имкониятини берувчи индикаторларни белгилайди. **Давлат талабларини ишлаб чикишда бола шахси ривожланишининг**

**бешта сохаси асос килиб олинган.**

Бу бешта соха йуналишларга булиниб, биргаликда бола ривожланишининг баркамоллиги ва яхлитлигини таъминлайди. Давлат талаблари жамиятнинг мактабгача ёшдаги болалар ривожланиши хакидаги билимларини яхшилашга, тарбия сохасида ота-оналарнинг куникмаларини мустахкамлашга, шунингдек, муассасаларда таълим дастурлари ва методикаларини бахолаш максадини хам кузда тутади. Сохалар асосий йуналишларга булинган ва шу билан биргаликда, улар боланинг меъёрда ривожланиш курсаткичларини акс эттиради.

Мактабгача таълимга куйиладиган давлат талабларида "талаб" сузининг маъноси куйидагича таърифланади: бирор-бир аник ёшдаги болалар билиши ва бажара олиши шарт булган талаблар мажмуидир.Давлат талаблари соха йуналишларининг индикаторлариэса боланинг куз билан куриши ва улчаши мумкин буладиган куникма ва малакалари курсаткичидир, деб таърифланади. Демак, хар бир соха, соха йуналишлари таркибига кирувчи фаолият турларининг талаб ва индикаторлари мавжуд.

***Давлат талаблари сохаларининг йуналишлари* буйича:**

2 ёшгача булган болалар учун Давлат талаблари сохаларининг йуналишлари буйича бажарилиш индикаторлари мазкур Давлат талабларининг 1-иловасига мувофик;

1-ёшдан 3 ёшгача булган болалар учун Давлат талаблари сохаларининг йуналишлари буйича бажарилиш индикаторлари мазкур Давлат талабларининг2-иловасига мувофик;

2ёшдан 4 ёшгача булган болалар учун Давлат талаблари сохаларининг йуналишлари буйича бажарилиш индикаторлари мазкур Давлат талабларининг 3-иловасига мувофик;

3ёшдан 5 ёшгача булган болалар учун Давлат талаблари сохаларининг йуналишлари буйича бажарилиш индикаторлари мазкур Давлат талабларининг 4-иловасига мувофик;

2- ёшдан 6 ёшгача булган болалар учун Давлат талаблари сохаларининг йуналишлари буйича бажарилиш индикаторлари мазкур Давлат талабларининг 5-иловасига мувофик;

3- ёшдан 7 ёшгача булган болалар учун Давлат талаблари сохаларининг йуналишлари буйича бажарилиш индикаторлари мазкур Давлат талабларининг 6-иловасига мувофик белгиланади.

Давлат талаблари сохалари йуналишларининг бажарилиш индикаторлари ёш даври буйича усиб борувчи тартибда курсатилади.

Болаларнинг билим, куникма ва малакалари, уларнинг хар томонлама ривожланиши хамда мактаб таълимига тайёргарлик даражалари мазкур Давлат талабларининг 7-иловасида назарда тутилган машгулот ва фаолиятларни утказиш жараёнида мазкур Давлат талабларининг 1-6-иловаларида курсатилган индикаторларнинг бажарилишини кузатиш, урганиш, тахлил килиш ва бахолаш оркали аникланади.

Машгулотлар укув йили хамда согломлаштириш даврида ой ва хафта кесимида мазкур Давлат талабларининг 8-иловасида курсатилган даврийликда утказилади. Бунда машгулотлар киска муддатли гурухларда мазкур Давлат талабларининг 9-иловасида курсатилган даврийликда утказилади.

**Назорат учун саволлар:**

1. Давлат талабларининг мазмун-мохиятихакида гапириб беринг.
2. Давлат талабларининг соха ва йуналишлари хакида сузлаб беринг.
3. Давлат талабларининг вазифалари хакида гапириб беринг.
4. Давлат талабларида берилган индикаторлар хакида маълумот беринг.

## 4-мавзу: Жаҳон мамлакатлари таълим тизимида мактабгача таълимнинг тутган ўрни

**Режа:**

1.Хорижда мактабгача та`лимнинг тузилиши.

2. Хорижий давлатларда мактабгача та`лим муассасаларининг турлари.

3. Мактабгача та`лим муассасаларига болаларни қабул қилиш шакллари.

**Таянч атама ва иборалар:** мактабгача та`лим, та`лим-тарбия, Германия та`лим тизими, Япония та`лими, АҚСҲ та`лим тизими.

**Хорижда мактабгача та`лимнинг тузилиши**

Хорижда мактабгача таълим тизими о`зига хос шаклларда ташкил етилган.У йерда таълим-тарбия жараёнининг олиб борилиши ҳам, мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш шакллари ҳам турлича. Германия – жаҳон илм-фани ва маданияти о`чоқларидан бири. Бу мамлакат илдизи асрларга бориб тақалувчи илмий мактабларни, Гёте, Гегел, Бетховен, Нитше, Ейнштейн сингари олим ва ижодкорлари билан дунёга машҳур. Халқаро доирада еҳтироф етилган олмон та`лим даргоҳларида мустақил фикр ҳамда кенг дунёқараш шаклланишига алоҳида еҳтибор берилади. Та`лим

тизимига татбиқ етилаётган янги усуллар, со`нгги ахборот технологияларидан унумли фойдаланмаганларга еса жуда қийин. Тараққиёт манзили сари ошиқаётган жамиятда билимсиз о`з о`рнига ега бо`лиш амри маҳол

Тафаккур устахонаси**.** Германияда мактабгача та`лим муассасалари давлат тизимига кирмайди. Болалар бог`часи хайрия жамг`армалари, маҳаллий ҳокимият ҳамда черков васийлигида фаолият юритади. СҲу билан бирга корхона ва ташкилотлар ҳам о`з бог`часига ега бо`лиши мумкин. Мактабгача та`лим тизими 3 ёшдан 6 ёшгача бо`лган болаларни қамраб олади. Ҳали ақлини таниб улгурмаган болаларда о`з фикрини ифодалаш, тенгдошлари ва катталар билан мулоқот қилиш қобилиятини шакллантириш, уларни бошланг`ич та`лимга тайёрлашда бог`чаларнинг о`рни катта. СҲу боис ҳам олмонлар бог`чаларни "тафаккур устахонаси" деб аташади.

Бепул ва мажбурий таг`лим.Германия Конституциясига мувофиқ, мактаб та`лими давлат назоратидадир. Мамлакатда 16 та федерал ҳудудлар мавжуд бо`лса, уларнинг ҳар бири о`зининг та`лим то`г`рисидаги қонунига ега. СҲу сабабли федерал ҳудудларнинг мактаб та`лим тизимида айрим фарқлар бор. Масалан, аксарият ҳудудларда бошланг`ич та`лим 4 йил (биринчи синфдан то`ртинчига қадар), пойтахт Берлинда еса – 6 йил. Аммо бу каби фарқларга қарамасдан, барча ҳудудлар учун умумий тартиб-қоидалар амал қилади. Германияда мактаб та`лими мажбурий ва беъул. 6 ёшдан 18 ёшгача фуқаролар мажбурий тартибда та`лим олиши шарт қилиб белгиланган.

Мактаб та`лим тизими еса бошланг`ич, о`рта ва юқори босқичларга бо`линади.Болалар 5-6 ёшдан бошланг`ич мактабга қатнайди. Бошланг`ич мактабда о`қиш даври то`рт йилдан олти йилгача. Мактабларда биринчи, иккинчи синф давомида о`қувчиларга баҳо қо`йилмайди. О`қитувчилар баҳо о`рнига боланинг индивидуал, ъсихологик ривожланиш ҳолати хусусида ҳисобот тайёрлайди. О`қувчиларга 3-синфдан баҳо қо`йила бошлайди. Германияда 6 баллик баҳолаш тизими қабул қилинган. Бунга ко`ра, **1** – аъло **2** – яхши **3** – қониқарли **4** – йетарли , **5** – йетарли емас , **6** – қониқарсиз. О`қувчилар фанларни енг камида "**4**"га о`злаштириши керак. Бошланг`ич босқичда болаларга математика, немис тили, табиатшунослик, мусиқа, естетика фанлари о`тилади.

Танлаш имконияти**.**Олмон та`лим тизимининг о`зига хос хусусияти шундаки, о`қувчилар бошланг`ични тугатгандаёқ келажак ё`лини аниқлаб олиши зарур. Ана шунга асосланиб, у бир неча турдаги мактабдан бирида о`қишни давом еттиради.

**Хорижий давлатларда мактабгача та`лим муассасаларининг турлари.**

Японияда та`лим тизими ва хусусиятлари**.** Япония та`лимининг шаклланиши 1867-1868 йилларда бошланган. Япония уз олдига икки вазифани: 1 - бойиш, 2-гарб технологияларини Япония ишлаб чикаришига киритиш масаласини куйди ва бу ишни амалга ошириш учун биринчи галда та`лим тизимини тубдан узгартириш кераклигини англади.1872 йили «Та`лим ҳақида» Қонун кабул қилинди. Бунда Япон та`лими гарб та`лими билан уйгунлаштирилган .1893 йилда касб та`лими юналишидаги биринчи коллеж ъайдо булган. 1908 йилда Япония бошлангич та`лимни мажбурий 6-йиллик килиб белгилади.1946 йили кабул килинган конституция фукороларнинг та`лим сохасидаги хукук ва бурчларини белгилаб берди. Унда барча болалар беъул умумий та`лим олиши шарт еканлиги кайд етилган. Хозирги замон Япон та`лим тизимининг таркиби куйидагича: богчалар, бошлангич мактаб, кичик урта мактаб, юкори урта мактаб, олий та`лим тизимларига кирувчи олий укув юртлари. Болалар ёшларига караб 3,2,1,йиллик та`лим курсларига жалб килинади.

Японияда мактабгача та`лим муассасаларининг 59,9 фоизи хусусий, 40,8 фоизи давлатникидир.Мактабгача та`лимга Японияда катта еҳтибор берилади, чунки ъсихологларнинг таҳкидлашича 7 ёшгача инсон билимларни 70 фоизини, колган 30 фоизини бутун колган умри давомида узлаштирар екан. Мактабгача та`лим одатда оиладан бошланади. Япон аёллари учун оналик хар доимгидек биринчи уринда туради. Кичгина Японкаларнинг айтишларича, бола тарбияси-уларнинг хаётларининг максадидир.Япон тарбиячиларини болаларни кичик гурух (хан) ларга булиб укитишлари мактабгача тарбиянинг асосий хусусиятларидан бири булиб хисобланади. Бу гурухлар узларининг столларига,болаларнинг узлари танлаган шахсий номларига, (бу болаларда карорлар кабул килишда, узгалар фикрини хурмат килиш, гурух аҳзоларини барчасини ташаббускор булишга) ургатади. Бундай усул кичик мактабларда хам, урта мактабларда хам давом етади. Бу гурухлар уртача хар 5 ойда шаклланиб туради. Япон болаларига синфни бошкариш жуда ёкади .

СҲунинг учун хар куни болаларнинг узлари (тобан) бошкарувчи танлайдилар. Хар бир бола бу вазифани бажариб куради.Бошлангич мактабда укитувчилар болаларни танкидга, яҳни уз хулкларини ёмон томонларини, мактабдаги камчиликларни танкид килишни ургатадилар. Бундан куриниб турибдики, укитувчи факат та`лим бериш билан чекланиб колмай, боланинг хар томонлама ривожланишига таҳсир етади. СҲунинг учун хам Японияда укитувчи касбига катта еҳтибор берилади.

Япония-ривожланган давлатлар ичида укитувчининг маоши давлат рахбарлари маошидан хам юкори булган ягона давлатдир.Мажбурий та`лим.Та`лимнинг бу погонаси 6 ёшдан 15 ёшгача булган болаларни уз ичига олади. 6 йиллик бошлангич та`лим ва 3 йиллик урта мактаб 9 йиллик мажбурий та`лимни ташкил етади ва у беъулдир. Мухтож оилаларнинг болалари беъул нонушта, укув куроллари, тиббий хизмат билан таҳминланади. Зарур булган холларда уларнинг оилаларига моддий ёрдам курсатилади. Шу билан бирга Японияда хусусий мактаблар хам мавжуд.

АҚСҲ та`лим тизими. Мамлакат та`лим тизимининг тузилиши қуйидагича:

-болалар 3 ёшдан 5 ёшгача тарбияланадиган мактабгача тарбия муассасалари;

- 1-8-синфларгача бо`лган бошланг`ич мактаблар (бундай мактабларда болалар 6 ёшдан 13 ёшгача о`қийдилар);

- 9-12-синфлардан иборат о`рта мактаблар (бу мактабларда 14-17 ёшгача бо`лган болалар та`лим оладилар). У қуйи ва юқори босқичдан иборат.

Америка Қо`шма СҲтатларида навбатдаги та`лим босқичи олий та`лим бо`либ, у 2 ёки 4 йил о`қитиладиган коллежлар ҳамда дорилфунунларда амалга оширилади. Со`нгги босқич, дорилфунунлар ва бошқа олий о`қув юртлари таркибида ташкил етилган асъирантура ёки докторантуралардир.

АҚСҲда мажбурий та`лим 16 ёшгача амал қилади. Бу мамлакатдаги о`қув юртларида давлат жамоа, хусусий тасарруфларда ва диний муассасалар ихтиёрида бо`лиши мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, АҚСҲ мактабларининг битирувчи синф о`қувчиларидан ташқари барча о`қувчилар таотиллар ъайтида асосан иш билан банд бо`ладилар. АҚСҲ мактабларида о`қув йили 180 кун. Бир соат дарс 45-50 минут. Америка конститустиясига мувофиқ та`лим тизими тасарруфидаги штатлар бошқарув муассасалари ихтиёридадир. 1979 йилгача та`лимни маблаг` билан таоминлаш, та`лимда давлат сиёсатини амалга ошириш, о`қув юртларида фаолиятни мувофиқлаштириб боришни Сог`лиқни сақлаш, Ижтимоий таоминот ва та`лим ишлари вазирлиги олиб борар еди. 1979 йилда Та`лим вазирлиги мустақил бо`либ ажралиб чиқди. Та`лим тизимларига маблаг` ажратиш бо`йича АҚСҲ дунё мамлакатлари о`ртасида йетакчи о`ринлардан бирини егаллайди. АҚСҲ та`лим тизимининг ривожланиш суроати анча юқори бо`либ, унинг бошланг`ич та`лим босқичида о`қиши лозим бо`лган болаларнинг 99,9 фоизи о`рта бо`г`ини 94,5 фоизи та`лим олади. О`қувчилар умумий сонининг 46 фоизи о`рта мактабни тамомлагач, коллеж ва университетларга кирадилар. Барча тоифадаги та`лим масканларида 58 миллион ёш, шу жумладан, таотилнинг олий босқичида 12 миллион йигит-қиз таҳсил олади. АҚСҲда ҳар 10 минг аҳолига 307 талаба то`г`ри келади. Бу жаҳонда юксак ко`рсаткичлардан биридир. Булардан ташқари АҚСҲда ҳар йили 33 миллион киши узлуксиз та`лим ва малака ошириш тизимларида билим оладилар. Мамлакатда 3 миллион о`қитувчи меҳнат қилади. Ҳаъ йили о`рта мактабни 3 миллион о`қувчи, бакалавр даражасидаги олий та`лим босқичини 932 минг киши, магистр даражасида еса 300 минг киши тугаллайди, йилига 30 минг киши докторлик илмий даражасини олади Мактабгача тарбия Америка бой мамлакат. Лекин бу мамлакатда болалар уч ёшга то`лгунларича оналарга турли моддий имтиёзлар бериш ко`зда тутилмаган. Фарзандларга қараб уйда о`тирадими ёки енага ёллаб ишга тушадиларми, бу оналарнинг иши.

**Мактабгача та`лим муассасаларига болаларни қабул қилиш шакллари.**

О`збекистондаги каби кенг ва шинам, икки қаватли, о`йнайдиган, ухлайдиган, овқатланадиган алоҳида хоналари бо`лган бог`ча ва яслилар Америкада одоб тусига кирган емас. Енага ёллаш оила учун ҳафтасига 200 доллардан камга тушмайди. Бу мамлакатда 30-40 болага мо`лжалланган хусусий ва давлат тасарруфидаги бог`чалар мавжуд. Улар енага ёллашдан бир оз арзонроққа тушади. Лекин ҳар икки ҳолда ҳам, уйдан олиб борган овқатларни йедиришади, кроватчалар, ко`ръа, то`шак, ёстиқни ота-оналар олиб боришади. Америкада биздагидек таомномалар, о`қув дастурлари ё`қ. Болалар ёзда атрофдаги ко`каламзорларда о`йнаб дам оладилар.

Бу бог`чаларда ҳам болалар ёшларига қараб турли гуруҳларда тарбияланадилар, уларга тарбиячи-мутахассис қарайди, улар овқатни тайёрлаб беради, турли қо`шиқлар, шеорлар о`ргатади, қувноқ о`йинлар уюштиради. Аммо ҳар ким о`з услубига мувофиқ ишлайди, умумий қоидалар, о`қув дастурлари жорий қилинмаган.

Лекин болалар учун ҳақиқий та`лим-тарбия жараёни улар 5 ёшга то`лганларидан кейин бошланади. Ана шу ёшда улар **«Киндер гарден»** деб аталувчи тайёрлов бог`чаларига жалб етиладилар. Улар ҳукумат тасарруфида бо`либ, бог`чалар ёки мактаблар таркибида ташкил етилади. Болаларни махсус «мактаб автобусида» уйга олиб келадилар ва мактабга олиб борадилар. Бундай автобуслар ё`л-трансъорт ҳодисаларидан то`ла муҳофаза етилган: сариқ рангга бо`ялган, унинг сигналларига барча трансъорт воситалари итоат етишга мажбурдирлар. Мактаб автобусларини бошқа трансъорт

воситалари қувиб о`тиши мумкин емас, тартибни бузганлар қаттиқ жазоланадилар. Ко`чаларда, мактабга кетаётганда ёки қайтаётганда аланглаб юрган, о`йнаб футбол теъиб юрган бекорчи болани учратиш амримаҳол. Болаларни мактабда ҳам, уйда ҳам шахсига тегилмайди, до`ъосланмайди, у еркин о`смог`и керак. Агар бирор бола «мени урди» деб ота-онасидан шикоят қилса, маолум муддатга ана шу ота-оналар айрим ҳолларда ота- оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинадилар. Мактабга болалар о`злари хоҳлаган кийимларда борадилар. 5 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш ота-оналарнинг, бог`ча ва мактабнинг, оммавий ахборот воситаларининг иши АҚСҲ телевидениясининг алоҳида каналида " Сезам ко`часи" деб номланувчи ко`рсатувлар дастури мавжуд, у о`қувчиларга инглиз тили, алифбо, арифметик амалларни бажариш, санаш, о`қиш, коинот, табиат, жуг`рофия, тарих бо`йича билимларни о`та қизиқарли тарзда сингдиришга ҳаракат қилади.

Америка ко`ъ миллатли мамлакат. Лекин ҳар бир миллат о`з фарзандига миллий урф-одатларини, тилини о`ргатишга жиддий аҳамият беради. Ко`ъинча бу вазифаларни катта авлод амалга оширади. О`збеклар ҳам о`з она тилини, урф-одатларини, динини о`з фарзандларига сингдиришга астойдил интиладилар О`збек болалари ҳам Марказий Осиёда о`з мамлакатлари борлигини биладилар, г`ойибона интиладилар, у ҳақда ко`ъ нарсаларни ко`риш, ешитиш, о`қишни истайдилар О`збекистонга келиш ҳар бир америкалик о`збекларнинг муқаддас орзусидир.

Беш ёшли болалар билан олиб бориладиган машг`улотларнинг асосини уларни мактабга тайёрлаш ташкил етади. Олти ёшлилар бог`ча гуруҳларида бо`лсаларда, лекин бу гуруҳлардаги та`лим бошланг`ич синфдаги та`лимга яқин туриб, амалда унинг дастлабки босқичи ҳисобланади. Мактабгача тарбия муассасаларининг та`лим дастури ко`ъ жиҳатдан ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб боришга мо`лжалланган, у ъировард натижада болаларни бошланг`ич мактабларга ъухта тайёрлаб беришга хизмат қилиши керак. СҲунингдек мактабгача тарбия муассасалари болаларнинг ақлий ва жисмоний, умуминсоний ҳислатларни, болалар жамоаси ичида о`зини тутиш, самимийлик, меҳнацеварлик, фойдали хатти-ҳаракатларнинг илк шаклланишига еришмоқларини, тозалик, озодалик ва ъокизаликка о`рганишларини таҳминлаб бериши лозим.

Юқорида айтганимиздек, мактабгача тарбия муассасаларининг хусусийлари ҳам бор. Лекин у Япониядагидек ривожланган емас. Америкада хусусий бог`чалар давлат дастурига киритилган.Америкада о`қувчиларнинг о`з фикрини со`зда мукаммал, аниқ ифодалаб бера олишига, о`злигини англаш, о`зининг қадр-қимматини еҳзозлаш, шахсий қобилиятини ро`ёбга чиқариш туйг`уларини тарбиялашга катта еҳтибор берилади. Болаларда ана шу ҳис-туйг`уларини шакллантира бориш илк ёшданоқ бошланади.

**Назорат саволлар:**

1. Япония мактабгача та`лим тизимининг о`зига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. АҚСҲда мактабгача тарбия қандай хусусиятларга ега?

## 5-мавзу: Мактабгача ѐшидаги болаларнинг ривожланиши ва тарбияси

**Режа:**

1. Мактабгача ѐшдаги бола шахсининг ривожланиши.
2. Мактабгача ѐшдаги бола шахси ривожланишига таъсир этувчи омиллар.
3. Ривожланишнинг ѐш ва узига хос хусусиятлари.

**Таянч тушунчалар:** *бола, мактабгача ёшдаги бола, ривожланиш, мактабгача ёшдаги боланинг ривожланиши, омиллар, мактабгача ёшдаги боланинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар, ёш, хусусиятлари.*

"Шахс" тушунчаси инсонга тааллуқли бўлиб, психологик жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусиятлари ва хатти- ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи, муайян хулқ-атвор ва дунѐқарашга эга бўлган жамиятнинг аъзосини ифодалашга хизмат қилади. Индивид шахс бўлиши учун психик жиҳатдан ривожланиши, ўзини яхлит инсон сифатида хис этиши, ўз хусусиятлари ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қилмоғи керак. Кадрлар тайѐрлаш миллий моделида шахс кадрлар тайѐрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларининг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи сифатида таърифланади.

**Мактабгача ѐшдаги бола шахсининг ривожланиши**

Малакали кадрлар тайѐрлаш соҳасидаги давлат сиѐсати шахсни интеллектуал ва маънавий-ахлохий жиҳатдан тарбиялаш, унинг ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида намоѐн бўлишига эришишни назарда тутади. Мазкур ижтимоий талабнинг амалга оширилиши ҳар бир фуқаронинг билим олиш, ижодий қобилиятини намоѐн этиш,

интеллектуал жиҳатдан ривожланиши ҳамда муайян касб йўналиши бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Индивиднинг ижтимоий мавжудот сифатида шахсга айланиши учун ижтимоий муҳит шароитлари ва тарбия керак бўлади. Ана шулар таъсирида индивид инсон сифатида ривожланиб боради ва шахсга айланади.

Ривожланиш шахснинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоѐн бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараѐндир. Моҳиятан ривожланиш оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига, эски сифатлардан янги ҳолатларга ўтиш, янгиланиш, янгининг пайдо бўлиши, эскининг йўқолиб бориши, микдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига ўтишини ифодалайди. Ривожланишининг манбаи қарама-қаршиликларни ўртасидаги курашдан иборатдир.

Бола шахсининг ривожланиши инсон ижтимоий мавжудотдир, деган фалсафий таълимотга асосланади. Айни вақтда инсон тирик, биологик мавжудот ҳамдир. Демак, унинг ривожланишида табиат ривожланишининг қонуниятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, шахс бир бутун мавжудот сифатида баҳоланар экан, унинг ривожланишига биологик ва ижтимоий қонуниятлар биргаликда таъсир этади, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Чунки шахснинг фаолияти, ҳаѐт тарзига ѐши, билими, турмуш тажрибаси билан бирга бошқа фожиали ҳолатлар, касалликлар ҳам таъсир этади. Инсон бутун умри давомида ўзгариб боради. У ҳам ижтимоий, ҳам психик жиҳатдан камолга етади, бунда болага берилаѐтган тарбия мақсадга мувофиқ бўлса, у жамият аъзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар тизимида узига муносиб ўрин эгаллайди. Чунки ривожланиш тарбия таъсири остида боради. Шахснинг фазилатларини тўғри кўриш ва бехато баҳолаш учун уни турли муносабатлар жараѐнида кузатиш лозим. Демак, шахсни ривожлантириш вазифасини тўғри хал этиш учун унинг хулқига таъсир этувчи омиллар, шахс хусусиятларини яхши билиш зарур. Тарбия болага самарали таъсир этиши учун ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини билиш ҳамда ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Шундай қилиб, ривожланиш ва тарбия ўртасида икки томонлама алоқа мавжуд.

**Мактабгача ѐшдаги бола шахси ривожланишига таъсир этувчи омиллар.**

Фанда, индивиднинг шахс сифатида ривожланишига биологик ва ижтимоий омилларнинг таъсири ўртасидаги муносабатни белгилашга оид мунозара кўпдан буѐн давом этмоқда: инсоннинг шахс сифатида, ривожланишида ижтимоий ходисаларнинг таъсири кучли бўладими, ѐки табиий омиллар етакчи ўрин тутадими? Балки тарбиянинг таъсири юқоридир? Улар ўртасидаги ўзаро муносабат қандай? Фанда биологик йўналиш деб номланган нуқтаи назар етакчи ўринлардан бирини эгаллаб, унинг вакиллари Аристотель, Платонлар табиий-биологик омилларни юқори қўяди. Улар туғма имкониятлар, тақдир, толе ҳар кимнинг ҳаѐтдаги ўрнини белгилаб берган, деган ғояни илтари суради. ХВИ аср фалсафасида вужудга келган преформизм оқими намоѐндалари эса шахс ривожланишидаги наслнинг ролига катта баҳо бериб, ижтимоий муҳит ва тарбиянинг ролини инкор этади. Хориж психологиясидаги яна бир оқим - бихевиоризм XX аср бошларида юзага келган бўлиб, унинг намоѐндалари, онг ва ақлий қобилият наслдан-наслга ўтиб, инсонга у табиатан берилган, дейилади.

Мазкур таълимот вакили америкалик олим Э.Торндайкдир. Прагматизм оқими ва унинг вакиллари Д.Дьюи, А.Комбелар ҳам шахс ривожланишини биологик нуқтаи назардан асослайди. Улар ривожланишни фақат миқдорий ўзгаришдан иборат, деб қарайди. Наслнинг ролини абсолютлаштириб, уни инсон тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб билади. Демак, бир гуруҳ хорижий олимлар ривожланишни биологик (наслий) омилга боғлайди. Биологик оқимга қарши фалсафий оқим вакиллари ривожланиши ижтимоий омил билан белгилайди. Бу оқим вакиллари бола шахсининг жисмоний, психик ривожланиши у яшайдиган муҳитта боғлик деб кўрсатади. Муҳит деганда инсон яшайдиган шароитдаги барча ташки таъсир тушунилади. Шу нуқтаи назардан тарбия туфайли болани ўзи яшайдиган ижтимоий шароитга мослаштириш мумкин, деган хулоса келиб чикади. Улар ижтимоий муҳитнинг ролини ҳал қилувчи омил деб ҳисоблайди. Демак, одам боласининг шахс сифатида ривожланиб, тараккий этиб бориши, унинг шахс бўлиб камолга етишида ирсият (биологик омил), ижтимоий муҳит (бола яшайдиган шароит), шунингдек, мақсадга мувофиқ амалга ошадиган тарбия ҳам бирдек аҳамиятга эга. Бу омилларнинг таъсирини аниқлашда илғор педагогик олимлар, психолог ва файласуфлар таълимотига суянилади. Фалсафада шахсни жамият билан боғлиқ бўлган ижтимоий ҳаѐтдаги мураккаб воқелик деб

қаралади. Улар индивиднинг маънавий бойлиги унинг муносабатларига боғлиқ, деб хисоблайди. Хакикатдан ҳам, шахс меҳнат фаолияти таъсирида ривожланади, камолга етади. Инсон шароитни, шароит эса одамни яратади. Бу эса ўз навбатида инсон фаоллигини намоѐн этади. Зеро, шахс маълум ижтимоий ҳаѐт маҳсулидир.

Жамият шахс камолотининг муайян имкониятларини руѐбга чиқариши ѐки йўқ қилиши мумкин. Шахснинг шаклланишига ижтимоий муҳит ҳам таъсир кўрсатади. Ижтимоий муҳитнинг шахснинг шаклланишига таъсири тарбия асосида кечади. Зеро, биринчидан, тарбия таъсирида муҳит бера олмаган билим, маълумот эгалланади, меҳнат ва техник фаолият билан боғлик кўникма ва малакалар ҳосил бўлади. Иккинчидан, тарбия туфайли туғма камчиликлар ҳам бартараф этилиб, шахс камолга етади. Учинчидан, тарбия ѐрдамида муҳитнинг салбий таъсирини ҳам йўқотиш мумкин. Тўртинчидан, тарбия келажакка қаратилган мақсадни белгилайди. Демак, тарбия билан ривожланиш бир-бирига таъсир этади, бундай тарбия доимий ва узлуксиздир. Шундай қилиб, бола шахсининг ривожланишида тарбия ҳам етакчи ўринга эга бўлиб, тарбия туфайли насл-насаби, оила муҳити, ижтимоий муҳит таъсирида ҳар томонлама ривожланишга қодир, деган хулосани чиқариш мумкин. Замонавий педагогикада шахс шаклланишига доир тўрт ѐндашув қарор топган:

***1. Биологик ѐндашув*** - инсон табиий мавжудот бўлиб, унинг бутун хатти-ҳаракатлари туғма инстинкт ва эҳтиѐжлар натижасидир. Инсон жамият талабларига бўйсунишга мажбур, шу билан бирга табиий эҳтиѐжларини ҳам намоѐн қилиб боради.

***2. Ижтимоий ѐндашув*** - инсон биологик мавжудот сифатида туғилади, фақат ҳаѐтий фаолияти давомида бошкалар билан доимий мулоқот ва ижтимоий гуруҳларнинг таъсири остида ижтимоийлашади

***3. Психологик ѐндашув*** - инсондаги психик жараѐнлар (сезги, идрок, фикрлаш кабилар) табиий тавсифга эга, инсоннинг йўналганлиги - кизикишлари, қобилиятлари ижтимоий ҳодиса саналади.

***4. Яхлит ѐндашув*** - шахс яхлит тавсифга эга бўлиб, унинг ривожига нафақат унинг фаолиятидаги ўзига хосликлар, балки турмуш тарзи ҳам таъсир кўрсатади. Шу билан бирга ижтимоий ҳаѐт натижалари - мотив, мақсад, қизиқиш кабилар ҳам унинг ривожланишида муҳим роль уйнайди.

**Ривожланишнинг ѐш ва ўзига хос хусусиятлари**

Муайян бир ѐш даврига хос бўлган анатомик, физиологик (жисмоний) ва психологик хусусиятлар ѐш хусусиятлари деб аталади. Ана шу ѐш хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда таълим ва тарбия иши ташкил этилади. Шунда бола ривожланишига тарбия таъсири кучли бўлади. Болаларнинг тарбиясига тўғри ѐндашиш, уни муваффақиятли ўқитиш учун бола ривожланишидаги турли ѐшдаги даврларига хос хусусиятларни билиш ва уни ҳисобга олиш муҳимдир. Чунки бола организмининг ўсиши ҳам, ривожланиши ҳам, психик тараққий этиши ҳам турли ѐш даврларида хилма-хил бўлади. Абу Али ибн Сино, Ян Амос Коменский, К. Д. Ушинский, Абдулла Авлонийлар ҳам болани тарбиялаш зарурлигини уқтириб ўтган. Боланинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиш жуда мураккаб. Чунки бир хил ѐшдаги болалар ҳам психик жиҳатдан турлича бўлиши мумкин.

Маслан: кўриш ва эшитиш қобилияти, фаоллиги, тез англаш, суст фикр юритиши, ховлиқма ѐки вазминлиги, сергап ѐки камгаплиги, серғайрат ѐки ғайратсизлиги, ялқов ѐки тиришқоқлиги, пала-партиш ва чала ишлайдиган, эринчоқлиги ѐки ишга тез киришиб кетиши кабилар нерв фаолияти тизимининг таъсири бўлиб, тарбиячи уларни билиши зарур.

Боланинг индивидуал, ўзига хос хусусиятини билиш учун темпераментнинг умумий типлари ва боланинг ўзига хос хусусиятини ўрганиш методикасини билиш муҳим. Темперамент (лот. ―темпераментумъ - қисмларнинг бир-бирига муносабати) шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари мажмуидир.

Мактабгача ѐшдаги боланинг жисмоний ва психик камолоти шартли равишда қуйидаги даврларга бўлинади:

гўдаклик (1 ѐшгача);¬ болалик ѐши (1-2 ѐш);

¬ илк ѐш гуруҳи (2-3 ѐш);¬ кичик ѐш (3-4 ѐш);

¬ ўрта ѐш (4-5 ѐш) ;¬ катта ѐш (5-6 ѐш);

¬ мактабга тайѐрлов даври (6-7 ѐш)

**Гўдаклик даври болаларининг ривожланишидаги узига хосликлар**. Инсоннинг ривожланиш даври она қорнидан бошланади. Бола она қорнида тўққиз ой мобайнида жуда тез ривожланиш жараёнини ва мураккаб тараққиёт даврини ўтайди. Бу даврда ҳам бола маълум даражада ташқи муҳит таъсирида бўлади. Шунинг учун ҳам бу таъсирнинг ижобий бўлишини таъминлаш лозим. Бир ёшгача бўлган даврда боланинг ривожланиши асосан оила муҳити таъсирида бўлиб, у она сути билан озикданиши лозим. Бола бу даврда нутққа эга бўлмаса ҳам нутқни тушуниш, англаш, ҳаракатларни идрок этиш, оила аъзоларини таниш қобилиятига эга бўлади. Шунинг учун ҳам гўдаклик давридан бошлаб уч ёшгача бўлган даврда боланинг нутқи ва тафаккури жадал ривожланади. Бола бир ёшгача бўлган даврда дастлабки сўзларни айта бошлайди. Бу даврда катталар, асосан, оила аъзолари гўдакни тўғри парвариш қилишни йўлга қўйишлари лозим. Оилада болани тарбиялашда ота-она билан бола ўртасида қалбан яқинликка эришиш лозим. Ота-оналар ҳеч қачон тарбияни ўз ҳолига ташлаб қўймаслиги, яъни боланинг илк ёшлигидан бу жараёнга киришиш талаб этилади. Чунки, бола оилада биринчи ҳаётий тажрибани ўрганади, кузатади ва ўзини турли хил вазиятларда қандай тутиш кераклигини ўрганади. Бола нимага ўргатилса, уни аниқ, ҳаётий мисоллар билан мустахкамлаш зарур, яъни бола катталар айтган гапларига амал қилишлари, шахсан тарбиянинг самарадорлигини таъминлайди.

**Илк ёш гуруҳ (2-3 ёшли (болалар)нинг ривожланиш хусусиятлари).** Бу давр ўзига хос хусусиятларга эга. Бир ёшдан икки ёшгача бўлган давр мобайнида боланинг нутқи ва ўзгалар томонидан айтилган сўзларни тушуниш қобилиятлари жадал ривожланган бўлса, 2-3 ёшга келиб, ўзгалар нутқига тақлид қилиш жараёни бошланади, бола мусиқа, бадиий сўз таъсирига тез берилади. Шунинг учун ҳам унга худди шу даврдан бошлаб шеърлар айтиш ҳамда рақсга тушишни ўргатиш лозим. Уларда катталарга жўр бўлиб қўшиқ айтиш, мусиқага мувофиқ ҳаракат қилиш, оҳангни ҳис этиш кўникмаси шаклланади. Бу ёшдаги болаларни бир жойга жамлаганда улар орасида ўзаро мулоқотга киришиш кўникмалари шакллана бошлайди. Таълим-тарбиявий ишлар болаларда шакллана бошлаган худди ана шу кўникмаларни ривожлантиришга ва уларни малакаларга айлантиришга йўналтирилмоғи лозим.

**Кичик гурух; (3-4 ёшли болалар)нинг ривожланиш хусусиятлари.** Бола 3 ёшга қадам қўйганда жисмоний ўсиши бир қадар секинлашади. Улардаги мустақиллик ортиб боради, хиссиёт ҳамда сенсор идроки ривожланиб боради. Жамоа бўлиб уйнаш кўникмалари шаклланади. Ўйин асосида амалга ошириладиган меҳнат фаолиятини фарқлаш имконияти кенгаяди. Тасвирий фаолият ҳамда куриш-ясаш фаолиятининг дастлабки кўринишлари намоён бўлади. Уч ёшли болаларнинг диққати қисман марказлашади, хотираси мустаҳкамланиб боради, моддий борлиқни идрок этиш жараёни бошланади, фараз қилиш имкониятлари вужудга келади. Бунда ўйин фаолияти етакчи роль уйнайди. Мазкур дастур худди мана шу фаолиятни кенгайтиришга ва ривожлантиришга кенг йўл очадиган таълимий машғулотлар тизимини белгилаб беришга йуналтирилган.

**Ўрта гуруҳ (4-5 ёш болалар)нинг ривожланиш хусусиятлари.** Бола тўрт ёшга еттач, унинг жисмоний ўсиши бир мунча жадаллашади. Бу даврда боланинг мияси тез ривожланади. Катта ярим шарлар пустлоғининг фаолияти такомиллашиб боради. Боладаги асосий ҳаракатларнинг ривожланишида жиддий-сифат ўзгаришлар содир бўлади, уларни бажаришда табиийлик ортиб боради, болаларда қиёслаш кўникмаси шаклланади. Бу ёшдаги болаларнинг нутқи равон, хотираси анча теран, мустақил фикрлаш даражаси бир қадар ривожланган бўлади. Барча ҳаракат ва фаолиятларни узи мустақил бажаришга интилади. Бу ёшда бола нихоятда серҳаракат, ўйинқарок, ўта қизиқувчан бўлади. У ҳар қандай тадбирга бажонидил қатнашади. Шунинг учун ҳам уларни тўғри овқатлантириш, ўз вақтида ухлатиш, саломатлигини мухофаза қилиш, руҳий ҳолатини назорат қилиб бориш, қувноқ кайфиятда бўлишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Улар билан олиб бориладиган машғулотларнинг мазмунини худди мана шунга йўналтириш мақсадга мувофиқдир.

**Катта гуруҳ (5-6 ёш болалар)нинг ривожланиш хусусиятлари.** Болаларнинг умуртқа суяклари қотмаганлиги туфайли тез қийшайиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам суякларнинг тўғри усишини таъминлашга алоҳида эътибор бериш керак. Уларнинг юраги чакалок юрагига нисбатан 4-5 баробар катталашган, бироқ мускуллари хали етарли даражада мустаҳкамланмаган бўлади. Олти ёшга етганда мия пустлогининг асаб катакчалари ривожланиб, оғирлиги ва ташки кўринишидан катталарникига яқинлашади. Шунинг учун ҳам боланинг асабларига жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш талаб

этилади. Унинг талаффузи аниқ нутқи равон бўлишини таъминлаш керак. Боланинг бу фаолиятида нуқсон бўлган такдирда унинг олдини олиш чораларини кўриш лозим. Бу ѐшдаги болаларнинг сўз бойлигининг ривожланишига алоҳида эътибор бериш лозим. Уларнинг нутқидаги сўзлар боланинг фикр ифодалаш эҳтиѐжларини тўла қондириши керак. Бу даврда болаларнинг математик тафаккури, ҳисоблаш кўникмаларини ривожланиши лозим. Дастлабки иқтисодий тушунчаларга эҳтиѐж сезилади. Боланинг фараз қилиш қобилиятини жадал ривожлантиришга алохида эътибор каратиш мақсадга мувофиқдир.

**Мактабга тайѐрлов гуруҳи (6-7 ѐш болалар)нинг ривожланиш хусусиятлари.** Бола ҳаѐтининг еттинчи йилида ундаги ҳаракатлар кўлами кенгаяди ва аниқлашади, унинг жисмида ҳаракатларнинг ўзаро мослашуви бошланади. 6-7 ѐшли болалар узини идора қилиш ва ўз ҳаракатларини назорат қилиш имкониятига эга бўла бошлайди. Бу ѐшдаги ўғил болаларда мустақил фаолият кўрсатиш, ташаббускорлик ривожланади ҳамда катталар фикрини тинглаш иштиѐқи шаклланади Бу ѐшда бола чиниқади. қизиқувчан бўлади, ўз саломатлигини назорат қила олади, Унинг идрок кучи ва тафаккури жадал ривожланади, моддий борлиқни билишга интила бошлайди. Болаларда гигиеник малакалар шаклланa боради. Болани мактабга тайѐрлаш жараѐнида уларда фаолиятнинг янги тури бўлган таълим олишга ўқишга иштиѐқ уйғотиш лозим. Бу ўринда болаларни руҳан таълим жараѐнига киришишга тайѐрлаш мақсадида дастлабки ўқув элементларини ўргатиш лозим. Ҳар қандай олти ѐшли бола мактабга қабул қилиниши мумкин. Бунинг учун у жисмонан, руҳан ҳамда ақлий жиҳатдан таълим олишга тайѐр бўлиши керак.

Болаларнинг мактабга тайѐргарлик даражасини аниқлашда ташхис марказларининг хулосаларига таяниш лозим. Шу билан бир қаторда мактабнинг моддий-техник базаси олти ѐшли болаларга таълим бериш имкониятига эга бўлиши шарт. Тарбиячининг педагогик-психологик билим даражаси, ахлок-одоби ва шахсий сифатлари олти ѐшли болаларга таълим ва тарбия бериш учун лойиқ бўлганда, у олти ѐшли болаларни ўқитиш ҳуқуқига эга бўлади. Шунинг учун ҳам 6-7 ѐшли болалар, уларни қабул қиладиган мактаблар ҳамда бу болаларни ўқитадиган тарбиячилар педагогик- психологик нуқтаи назардан алоҳида-алоҳида диагностика қилиниши ва шундан кейингина таълим жараѐнига киритилиши керак. Демак, мактабгача ѐшдаги бола шахсининг ривожланиши ўзига хос, мураккаб жараѐн саналади. Мактабгача таълим ѐши болаларининг ривожланиши инсон ижтимоий мавжудотдир, деган фалсафий таълимотга асосланади.

Бу ѐшдаги болаларнинг тулақонли ривожланишида биологик (ирсият), ижтимоий (ижтимоий муҳит) ва тарбия каби омиллар муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, мактабгача таълим ѐшининг ўзи ҳам еттита ўзига хос, алоҳида даврларга ажратилади. Шу сабабли мактабгача таълим ѐшидаги болаларнинг ўқитиш ва тарбиялаш ишига масъул бўлган шахслар - тарбиячи ва ота-оналар, васийлар болаларнинг ѐш даври хусусиятларидан тўла хабардор бўлишлари зарур.

**Назорат учун савол ва топшириклар:**

1. Ривожланиш ва шахс ривожланишини таърифланг.
2. Қуйидаги фикрларга қўшиласизми? ―Агар болалар мунтазам танқид қилинса, алдашга ўрганади; ―Агар болалар қандай бўлса, шундайлигича қабул қилинса, дунѐни гўзал кўришга ўрганади; ―Агар болаларга хурмат билан муносабатда бўлинса, улар олижаноб ва саҳий бўлишни ўрганишади.
3. Шахс фаолияти ҳақида сўзлаб беринг.
4. Мактабгача ѐшдаги болаларнинг ривожланиш хусусиятларини тавсифланг.
5. Шахснинг ижтимоийлашувини қандай тушунасиз?

## 6-МАВЗУ: Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ёш гуруҳлари

Режа

1. Мактабгача тарбия даврини йош босқичларга бо`лиш ва уларнинг боланинг руҳий тараққийотидаги роли.
2. Илк йошдаги боланинг хусусиятлари.

**Таянч со`злар**. Йош давр, фаолият, тарбия, ривожланиш, болалар, шахс, о`йин, машг`улотлар, жисмоний тарбия, илк йош, хусусият, кун тартиби, анализаторлар.

1-савол баёни

Инсон ҳайотида мактабгача йош,мактаб йоши даври ҳамда ижтимоий етуклик-катта йош даври бо`лади. Бу даврлардан ҳар бири ичида қисқароқ йош босқичлари бо`либ, улар инсон камол топишининг муайян, о`зига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Масалан, илк йошдаги болалар билан олиб бориладиган та`лим-тарбия ишининг вазифаси ва мазмуни, восита ва методлари бу йошдаги болаларнинг нозиклиги, йордамга муҳтожлиги, мустақил ҳайотга мослашмаганлигини етиборга олган ҳолда ишлаб чиқилади.Бог`ча йошига келганда болаларда мустақиллик, ҳайотга мослашувчанлик анча о`сган бо`лади, шунинг учун бу йошдаги болалар билан олиб бориладиган та`лим-тарбия ишларини амалга ошириш усуллари ҳам о`згаради. Бог`ча йошининг охирига келганда болаларнинг ривожланиш даражалари улар билан олиб бориладиган та`лим-тарбия ишларини бирмунча мураккаблаштиришни тақозо етади.

Та`лим-тарбия ишининг вазифаси, мазмуни ва методини белгилаш кишининг йош босқичларига асосланади. Йош даврлари кишининг ривожланишидаги зарур босқичлардир.

Шахснинг ҳар бир йош босқичига хос бо`лган сенсор, ақлий, ҳиссий, иродавий томонлари бо`лади, улар о`ртасидаги о`заро та`сир ҳам о`згаради, бундай о`згариш умумий ривожланишига, хулқни бошқаришга та`сир ко`рсатади. Аммо умр о`тиши билан кишининг руҳий тараққийоти ҳам ривожланиб бораверади дейиш ното`г`ри бо`лур еди. Ҳар бир йошда хам кишининг ривожланишида, айниқса болаликда та`лим ва тарбия системаси, шахснинг фаоллиги ҳал етувчи ролни о`йнайди.Илк йошдаги болалар о`зининг тез жароҳатланиши, ночорлиги, касалга тез чалиниши, йордамга муҳтожлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, бу йошда ривожланиш енг тез суратлар билан боради. Боланинг ҳар томонлама ривожланишини та`минлаш, уларнинг сог`лиг`ини сақлаш ва мустаҳкамлаш, ҳайотини то`г`ри ташкил етиш то`г`рисида г`амхо`рлик қилишни тақозо етади.Бола илк йош даврида емаклаш, сирпаниш, тортилиш, юриш ва шу ка`би ҳаракатларни егаллаб олади. Ҳар бир ҳаракат, малака, ко`никмаларни о`з вақтида егаллаб олиш боланинг о`зига хос хусусиятлари ва тарбия системасига боқлиқ. Масалан, яхши парвариш қилинган болалар шу йошдаги йомон парвариш қилинган болаларга нисбатан бирмунча ерта юра бошлайдилар.Бу йошдаги болаларда ақлий тарбиянинг асоси бо`лган сенсор тарбия, сезги, идрок,тасаввурларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб етади.3 йошгача бо`лган болаларнинг нутқини ривожлантириш шу даврга хос бо`лган белгилардан биридир.Уч йошга келган болалар она тилининг ҳамма томонларини егаллаб оладилар ва бундан о`з тенгдошлари ва катталар билан бо`ладиган мулоқотда восита сифатида фойдаланадилар.Бу йошда о`йин фаолияти, тасвирий ва конструкторлик фаолияти,буюмлар билан бо`ладиган ҳаракат фаолиятларининг асосий усуллари шакллана бошлайди. Бу йошдаги болалар о`з-о`зига хизмат қилиш бо`йича оддий малака ва ко`ниамаларни егаллаб оладилар, биргаликдаги о`йинларда бир-бирлари билан муомала шаклларига, қабул қилинган умумий қоидага риоя қилинган бо`либ қоладилар.Мана шу йошдайоқ та`лим-тарбия беришда бола шахсининг муҳим томонларидан бири бо`лган иродавий сифатларни ҳам секин-аста тарбиялаб бориш, умумий қоида ва нормаларга итоат қилишга о`ргатиш зарур.

Болаларни илк йошидан бошлаб ҳар томонлама то`г`ри тарбиялаш учун уларнинг йош ва о`зига хос хусусиятларини билиш зарур.Илк йошдаги болаларни тарбиялаш системаси йош авлодни тарбиялашнинг ажралмас қисмидир. Физиолог, психолог, педагог олимлар илк йошдаги болаларнинг ижтимоий тарюиясига ката ҳисса қо`шадилар.Бог`ча йошига келганда бола организмининг етилиши давом етади. 3-5 йошгача бо`лган болаларда олдинги йошга қараганда о`сиш бир оз секинлашади, 5-8 йошгача еса о`сиш яна тезлашади.Боланинг йоши о`сиб, ог`ирлиги ортиши билан бирга унинг организмидаги ҳамма то`қималарда анатомик ва функсионал о`згаришлар жарайони давом етади. Боланинг тог`айлари суякка айлана боради, мускуллари ко`пайяди. Аммо бола организмининг иш қобилияти анча паст бо`лади, нерв то`қималари ҳам тез чарчайди. 6-7 йошга бориб бола юриш, югуриш, сакраш, чирмашиб чиқиш, нарса ирг`итиш, конкида учиш каби малакаларни, ҳаракатларни егаллаб олади.Бог`ча йошидаги болалар билан олиб бориладиган та`лим-тарбия ишида жисмоний тарбия марказий о`ринни егаллайди.

Боланинг имкониятини ҳисобга олган ҳолда оилада ва бог`чада тарбиявий та`сирлар системаси белгиланади, кун тартиби, овқатланиш, гимнастик машқлар ва ҳаракатли о`йинлар, чиниқтириш тадбирлари.Бог`ча йошидаги болалар бош мия по`стлог`ининг функционал фаоллиги такомиллаша бошлайди. Бу йошдаги болалар нерв системасининг о`та сезгирлиги болалар таассуротларини ниҳоятда йорқин, идрокларини о`ткир, о`зларини еса та`сирчан қилади. Шунинг учун бу йошдаги болалар егаллашлари лозим бо`лган теварак-атроф то`г`рисидаги билимларни то`г`ри танлаш керак.Бог`ча йоши даврида болаларга ма`лум мақсад билан то`г`ри тарбия бериб борилса, уларнинг ешитиш, идрок етиш сезгилари, улардаги ко`ргазмали, образли тафаккур, иродавий, ҳиссий ва сабаб жарайонлари ривожлана боради.

Болаларнинг билимлари ортган сари улар ко`риб, ешитганлари устида мустақил хулосалар чиқаришга о`рганадилар, уларнинг таҳлил ва синтез қилиш қобилиятлари, қизиқувчанлик о`з вақтида қо`ллаб-қувватланмаса, бола пассив бо`либ қолади Мактабгача таълим муассасаси йошидаги болалар хайолининг о`ткирлиги, йорқинлиги уларнинг ҳар хил фаолиятларида намойон бо`лади, катталарнинг та`лим-тарбия та`сири ко`рсатиши натижасида боланинг фаолияти ихтийорий бошқариладиган бо`либ боради, бу еса машг`улотларда, меҳнатга боланинг диққатини керакли нарсаларга жалб қилиш имкониятини яратади.

Боланинг шахс сифатида шаклланайотганлиги унинг фел-атворида намойон бо`ла бошлайди. Бунда онглиликнинг о`сиши муҳим аҳамиятга ега. Бола енди о`з хоҳишини ижтимоий мақсадларга бо`йсундира оладиган, о`зи ва о`ртоқларининг хулқини баҳолайдиган бо`либ қолади.О`йиндаги вазиятда, машг`улотлардаги та`лим талабининг моҳиятини тушуна бошлайди. Ното`г`ри хулқи, йомон иши учун катталар танбеҳидан ташқари о`зи ҳам уялади, то`г`ри хулоса чиқаради. Болалар яхши ишларидан, ижтимоий фойдали ишларидан қаттиқ қувонадилар. Шундай қилиб, бог`ча йоши даврида инсон шахсига хос бо`лган муайян хусусиятлар шакллана бошлайди.Бог`ча йошида умумий ва шахсий қобилиятларининг ривожланиши учун йош имкониятлари мавжуддир. Бундай имкониятлар болалар билан олиб бориладиган та`лим-тарбия ишлари мазмунини секин-аста мураккаблаштириб бориш, о`йин, со`з, ко`ргазмали, амалий методларнито`г`ри алмаштириб боришни тақозо етади.Кичик мактаб йошида боланинг ҳайотида катта бурилиш юз беради. Чунки бола мактаб режими ва маромини о`злаштириб олиши, мактабнинг жамоатчилик ҳайотига киришиши лозим бо`лади. Бу даврда ақлий кучлар тез ривожланади, жисмоний.

## КИСҲИК ГУРУҲ {3-4 ЙОСҲЛИ БОЛАЛАР}НИНГ РИВОЖЛАНИСҲ ХУСУСИЙАТЛАРИ.

Мактабгача та`лим муассасасида жисмоний ривожлантириш бўйича кун тартибини тузишдаовқатланиш, чиниқтириш, жисмоний машқ ваўйинларни ташкил етишда дифференсиал ёндашишгаамал қилинади. Бунда болаларнинг ўзига хос ёш хусусиятлари ҳисобгаолинади.

Тарбиячи жисмоний ривожлантиришда мактабгача та`лим муассасасида жисмоний тарбия дастури талабларигаасосланади. Шу билан бирга тарбиячи, шифокор, ҳамшира билан келишилган ҳолдаоилада болаларни жисмоний томондан тўғри тарбиялаш тарғиб қилинади.Тарбиячи ерталабки бадантарбия, жисмоний машғулотлари, ўйинлар, саломатлик кунини ташкил қилиш усулларини мукаммал билиши шарт. Жисмоний тарбия бўйича ўтказиладиган тадбирларда гуруҳ тарбиячиси ва мусиқа раҳбари билан ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб етади. Болаларнинг жисмоний тайёргарлигини текшириш, машғулотларни ташкил қилишда тозалик, гигиена талабларига ва хавфсизлик қоидаларига жиддий роия қилинади. Машғулотлар очиқ ҳавода, шу билан бирга махсус жиҳозланган спорт залида ўтказилади. Мактабгача та`лим даврида болаларни жисмоний томондан тарбиялашнинг асосий мақсади болалардаги турли кўникма ва малакаларни шакллантириш, улардаги кучлилик, тетиклик, чаққонликни амалгаошириш, зийраклик каби жисмоний сифатларни ривожлантиришдан иборатдир. Мунтазам равишда ўтказиладиган жисмоний машғулотлар болаларнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнига ижобий та`сир қилиб, ижодий имкониятларини оширади.

Дастурда мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний тарбиялашнинг вазифалари қуйидагича белгиланади:

- саломатликни мустаҳкамлаш ва чиниқтириш;
- жисмоний жиҳатдан бақувват қилиш;
- шахснинг ахлоқий томондан ижодий сифатларини тарбиялаш;
- болаларда мақсадга тўғри йўналтирилган ҳаракатларни фаоллаштириш учун шароит яратиш;
- ҳаракатларнинг муҳим ҳаётий турларини шакллантириш, юриш, югуриш, сакраш, емаклаш, ўрмалаш, отиш, илиб олиш, сузиш, велосипедда учиш, оёқ, қўл, тана, бош ҳаракатларини ривожлантириш, сафланиш ва қайта сафланиш;
- ўйин ҳаракатларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, жисмоний сифатларни ривожлантириш: чаққонлик, епчиллик, зийраклик, иродалилик, сабр-қаноат, кучлилик ва бошқаларга тенглашиб тик тутиш малакасини ошириш;

- бола қоматини тўғри шакллантиришга та`сир кўрсатиш ва ясси оёқлилик касаллигининг олдини олишга ёрдам бериш;
- жисмоний машқ ва ўйинларнинг фойдаси, асосий гигиеник талаблар ва қоидалар ҳақидаетарли даражада тасаввур ва билимлар бериш;
- фаол ҳаракатга қизиқишни тарбиялаш.

Жисмоний тарбия дастуридаҳар бир гуруҳ учун кундалик ҳаракат тартиби кўрсатилганБолалар жисмоний тарбиянинг асосий мазмунини мунтазам равишда бажаришлари учун турли усулдаги машқлар мавжуд. Булар асосий ҳаракатлар (юриш, югуриш, сакраш, ирғитиш, илиб олиш, емаклаш, сирпаниш); оёқ ва тана учун умумривожлантирувчи машқлар (турли буюмлар ёрдамида ва уларсиз) ракс машқлари, сафланиш ва қайта сафланиш, ҳаракатли ўйинлар, турли спорт ўйинларининг муҳим хусусиятларини егаллаш, спорт машқлари, роликли кон`кида сайр қилиш, велосипедда юриш, сузиш ва бошқалардан ташкил топади. Болаларни халқимизнинг енг буюк ан`аналари руҳида тарбиялаш ниҳоятда муҳимдир. Ўзбек халқи бошқахалқлар каби ўзининг қадимий ан`анавий ўйинларига ега. Улар асрлар мобайнида шаклланиб ва сайқал топиб бугунги кунгачаетиб келди. Дастурга замонавий ҳаракатли ўйинлар қаторигаана шундай ўзбек халқ миллий ўйинлари ҳам киритилди.Шу билан бирга дастурдаҳаракат сифатларини ривожлантирувчи, қоматни тўғри шакллантирувчи ва ясси оёқлилик касалининг олдини олувчи махсус машқлар ҳам тавсия етилади. Жисмоний тарбия бўйича бажариладиган ишни тўғри режалаштириш ва ўтказиш уни самарали ҳал етишда ниҳоятда муҳимдир. Кун давомида турли хилдаги машғулотларни жисмоний машқ ваҳаракатли ўйинлар билан қўшиб олиб борилиши, боланинг тўғри ҳаракатини та`минлашга ёрдам беради. Машғулотларга тавсия етилаётган дастур материали ўтказиладиган жисмоний соғломлаштириш тадбирлари мустақил машқлар ва ўйинлар учун асос бўлади.

Та`лим вазифасининг асоси, жисмоний тарбия машғулотларида, тарбиявий ва соғломлаштириш вазифалари жисмоний сифатларни ўстириш, болалар организмининг иш қобилиятини такомиллаштириш, унинг ишга лаёқатлилигини ошириш орқали амалгаоширилади.Машғулотлар тўғри ташкил етилса, қизиқарли, ибратли жиҳатлари оширилса, болалар ўз вақтида дам олишларига е`тибор берилсагина жисмоний машқларнинг самарадорлиги ортади. Машғулотда енг муҳими машқ ва ўйинларнинг тўғри тақсимланишидир. Бунда машғулотнинг асосий вазифасини ажратаолиш лозим, унинг мазмуни кўзда тутган мақсадни ҳисобгаолиб, бола танасининг ма`лум қисмларигаҳар томонлама та`сир ўтказиш зарур. Шу жумладан, машғулотлар унумдорлигини ошириш мақсадида турли машқларни бир-бири билан боғлаш ҳам муҳимдир. Машғулотни режалаштиришдаҳаракат тартибини ва такрорийлигини, вазифани тўғри тақсимлаш ва болаларни уюштиришнинг енг аниқ ваоқилона усуллари кўзда тутилади. Бунга, аввало, етарли ҳаракат фаоллиги ва машғулотларнинг зичлигини та`минлаш орқали еришиш керак. Машғулотларни режалаштиришда гуруҳнинг шароити, машғулотлар учун зарур бўлган жиҳозларнинг мавжудлиги ҳисобгаолинади. Очиқ ҳаводаги машғулотлар мазмуни йил фаслларига, об-ҳавога мувофиқ равишда танланади. Машғулотни режалаштириш ва ўтказиш усуллари турлича бўлиб, улар асосий ҳаракат ва ўйин машқлари, бир қолипдаги машғулотлардан тортиб турли хилдаги, я`ни ҳаракатли ўйинлар, халқ ўйинлари, естафеталар, очиқ ҳаводаўтказиладиган машғулотларни ўз ичигаолади.Ерталабки бадантарбия, сайрдаги жисмоний машқ ва ўйинларни машғулотларнинг ўқув материалига мувофиқлаштириш муҳим. Куннинг турли пайтида болаларнинг ҳаракат фаоллигини ҳисобгаолиш, шунга кўра, ҳаракат кўникма ва малакаларини такомиллаштириш учун ҳаракат сифатларини ўстирадиган машқларнинг турли усуллари тавсия етилади. Болаларнинг мустақил фаолияти тарбиячининг бевосита раҳбарлигида ўтади. У ҳар бир боланинг ўйин ва машқларни еркин танлашигаҳаракат қилади. Тарбиячи томонидан ташкил қилинган ўйин машқлари, ҳаракатли ўйинларда фаол иштирок етиш. Тайёрланган предмет ва ўйинчоқлардан мустақил ўйинлардаҳаракат фаоллигини оширишга ўргатиш.

**Асосий ҳаракатларга доир машқлар**

Юриш машқлари. Тарбиячи кетидан белгиланган йўналишда тўп-тўп бўлиб юриш, йўналишни ўзгартириб юриш, предметни оралаб ўтиш, доира бўйлаб жуфт-жуфт бўлиб, қўл ушлашиб юриш. Юришдан югуришга, югуришдан юришга ўтиш. Олдинга ва ёнга қадам ташлаб юриш.

Югуриш учун машқлар. Тарбиячи орқасидан югуриб ўтиш, ундан қочиш, ҳар томонга бир-бирларини итармасдан югуриш. Думалаб бораётган предметни қувиб етиш, икки чизиқ оралиғида уларни босмасдан югуриш, 30-40 сония давомида тўхтамасдан югуриш. 80 метргача бўлган масофани секин югуриб ўтиш.

Сакраш учун машқлар. Икки оёқлаб турган жойида сакраш, секин-астаолдинга сурилиш, бола қўлидан юқорироқ қилиб осилган предметга тегишгаҳаракат қилиш. Чизиқчадан ёки полга параллел ҳолда икки қатор қилиб ташлаб қўйилган арқончадан (20-25см. кенглигида) хатлаш. Турган жойида икки оёқда, иложи борича узоққа сакраш, 20-30 см. баландликдаги предметдан сакраш.

Думалатиш, ирғитиш ва илиб олиш машқлари. Предметларни йиғиш, ма`лум жойга қўйиш. Думалаб бораётган предмет орқасидан сурилган ҳолда тўпни бир қўллаб ва иккала қўл билан тарбиячига қаратиб, қиялатиб ва бир-бирига қаратиб думалатиш. Тўпни икки қўллаб олдинга пастдан, кўкрак олдидан, бошдан ошириб отиш. Тарбиячига тўпни икки қўллаб ирғитиш, тарбиячи отган 50-100 см. оралиқдаги тўпни илиб олишгаҳаракат қилиш. Бола кўкраги баробар қилиб тортилган лентадан тўпни отиб тушуриш. Предметларни ирғитиш (тўплар, қум халтачалр ва бошқалар горизонтал нишонга (100-120 см. масофага ) икки қўллаб, ўнг ва чап қўл билан ирғитиш ; узунасига чап қўл билан ўнгга ирғитиш.

Емаклаш ва тирмашиб чиқиш учун машқлар. 3-4 м. га емаклаш, 25-30 см. ли тўсиқ тагидан ўтиш, полда ётган ҳода устидан ошиб ўтиш. Арқонли нарвонча, гимнастика деворчасидан болага қулай бўлган усул бўйича юқорига тирмашиб чиқиш ва пастга тушиш.

Мувозанат сақлаш учун машқлар. Тўғри юриш, илон изи йўлакчадан, тўғри, илон изи, доира бўйлаб ташлаб қўйилган арқончадан, бир томони полдан кўтариб қўйилган тахтачадан, гимнастика ўриндиғи устида юриш. Усти силлиқланган тахта бўйлаб, гимнастика ўриндиғи устида емаклаб юриш.10-15 см баландликдаги тўсиқлардан: халқадан - халқага, яшикдан- яшикка сакраб ўтиш, табуретка (25 см. баландликдаги), ўриндиқ устига чиқиш, қўлларни икки ёнга узатган ҳолда туриш. Оёқ учида кўтарилиш ва яна дастлабки ҳолатга қайтиш. Турган жойидааста-секин айланиш.

Умумривожлантирувчи машқлар. Қўл ваелка ўмров мускуллари учун машқлар, қўлларни юқорига кўтариш, юқорига ва ёнга букиш ва чўзиш, кўкрак олдида чалиштириш ва ёнга узатиш, қўлларни орқага яшириш, чапак чалиш, бош устида чапак чалиш, қўлларни олдинга ваорқага силташ (қўллар пастда), пастга-юқорига (қўллар ён ҳолатда), қўлларни бош устида ваолдинга силкитиш. Шунингдек, машқларни турли хил предметлар (шақилдоқлар, кубиклар, лентачалар, рўмолчалар) билан турличаҳолатларда бажариш.

Оёқлар учун машқлар. Турган жойида юриш, олдинга, ёнга, орқага қадам ташлаш. Оёқ учида кўтарилиш, оёқни олдинга қўйиб, товон билан туриш, оёқ бармоқларини қимирлатиш.

Гавдани ривожлантирувчи машқлар. Ўнг ва чапга ўгирилиш, қўлларни енгил силкитган ҳолда предмет ёнида турган болага узатиш. Олдинга ва турли томонга енгашиш. Полда ўтирган ҳолдаоёқларни букиш ва ёзиш. Чалқанча ётган ҳолдаоёқларни юқорига кўтариш ва тушириш, қўллар ваоёқларни бир вақтда биргаликда қимирлатиш. Тиззалаб ўтириб, товонда ўтириш ва туриш. Қорин билан ётган ҳолда қўлларни ваоёқларни кўтариш, ёнбошдан-ёнбошгаағдарилиш.

Сафланиш ва қайта сафланиш. Тарбиячи ёрдамида гуруҳлар ва бутун гуруҳ билан айлана бўйлаб сафланиш, жуфт-жуфт бўлиб сафланиш, бир-бирининг кетидан туриш.

## ЎРТА ГУРУҲ {4-5 ЙОСҲ БОЛАЛАР}НИНГ РИВОЖЛАНИСҲ ХУСУСИЙАТЛАРИ

Мактабгача та`лим муассасасида жисмоний ривожлантириш бўйича кун тартибини тузишда овқатланиш, чиниқтириш, жисмоний машқ ва ўйинларни ташкил етишда дифференсиал ёндашишга амал қилинади. Бунда болаларнинг ўзига хос ёш хусусиятлари ҳисобгаолинади. Тарбиячи жисмоний ривожлантиришда мактабгача та`лим муассасасида жисмоний тарбия дастури талабларигаасосланади. Шу билан бирга тарбиячи, шифокор, ҳамшира билан келишилган ҳолдаоилада болаларни жисмоний томондан тўғри тарбиялаш тарғиб қилинади.Тарбиячи эрталабки бадантарбия, жисмоний машғулотлари, ўйинлар, саломатлик кунини ташкил қилиш усулларини мукаммал билиши шарт. Жисмоний тарбия бўйича ўтказиладиган тадбирларда гуруҳ тарбиячиси ва мусиқа раҳбари билан ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб етади.

Болаларнинг жисмоний тайёргарлигини текшириш, машғулотларни ташкил қилишда тозалик, гигиена талабларига ва хавфсизлик қоидаларига жиддий роия қилинади. Машғулотлар очиқ ҳавода, шу билан бирга махсус жиҳозланган спорт залида ўтказилади. Мактабгача та`лим даврида болаларни жисмоний томондан тарбиялашнинг асосий мақсади болалардаги турли кўникма ва малакаларни шакллантириш, улардаги кучлилик, тетиклик, чаққонликни амалгаошириш, зийраклик каби жисмоний сифатларни ривожлантиришдан иборатдир. Мунтазам равишда ўтказиладиган жисмоний машғулотлар болаларнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнига ижобий та`сир қилиб, ижодий имкониятларини оширади.

Дастурда мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний тарбиялашнинг вазифалари қуйидагича белгиланади:

- саломатликни мустаҳкамлаш ва чиниқтириш;
- жисмоний жиҳатдан бақувват қилиш;
- шахснинг ахлоқий томондан ижодий сифатларини тарбиялаш;
- болаларда мақсадга тўғри йўналтирилган ҳаракатларни фаоллаштириш учун шароит яратиш;
- ҳаракатларнинг муҳим ҳаётий турларини шакллантириш, юриш, югуриш, сакраш, емаклаш, ўрмалаш, отиш, илиб олиш, сузиш, велосипедда учиш, оёқ, қўл, тана, бош ҳаракатларини ривожлантириш, сафланиш ва қайта сафланиш;

- ўйин ҳаракатларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, жисмоний сифатларни ривожлантириш: чаққонлик, епчиллик, зийраклик, иродалилик, сабр-қаноат, кучлилик ва бошқаларга тенглашиб тик тутиш малакасини ошириш;
- бола қоматини тўғри шакллантиришга та`сир кўрсатиш ва ясси оёқлилик касаллигининг олдини олишга ёрдам бериш;
- жисмоний машқ ва ўйинларнинг фойдаси, асосий гигиеник талаблар ва қоидалар ҳақидаетарли даражада тасаввур ва билимлар бериш;
- фаол ҳаракатга қизиқишни тарбиялаш.

Жисмоний тарбия дастуридаҳар бир гуруҳ учун кундалик ҳаракат тартиби кўрсатилган. Болалар жисмоний тарбиянинг асосий мазмунини мунтазам равишда бажаришлари учун турли усулдаги машқлар мавжуд. Булар асосий ҳаракатлар (юриш, югуриш, сакраш, ирғитиш, илиб олиш, емаклаш, сирпаниш); оёқ ва тана учун умумривожлантирувчи машқлар (турли буюмлар ёрдамида ва уларсиз) рақс машқлари, сафланиш ва қайта сафланиш, ҳаракатли ўйинлар, турли спорт ўйинларининг муҳим хусусиятларини егаллаш, спорт машқлари, роликли кон`кида сайр қилиш, велосипедда юриш, сузиш ва бошқалардан ташкил топади.

Ухлаш гигиенаси.

Ухлашгаайнан бир вақтда ётиш. Уйқудан олдин ва кейин ювиниш, алоҳида ўринда ухлаш.

Шахсий гигиена:

- овқатланишдан олдин, ҳожатхонага боргандан сўнг ва қўл ифлосланганда (жониворлар билан ўйнагандан кейин) ювиш;
- қўл ваоёқ тирноқларини ўз вақтидаолиш;
- ювиниш, кийиниш, чўмилиш жараёнларини тўғри айтаолиш;
- ювиниш учун зарур бўладиган нарсалар (совун, сочиқ ва бошқалар)ни билиш;
- юз ва қўлни ювиш, ювингандан кейин артиниш, сочиқни мустақил равишдаолиш ваосиб қўйиш;
- шахсий буюмлардан (даструмол, тароқ ва шу кабилар) фойдаланиш;
- тиш чўткасидан фойдаланишни ўрганиш;
- иссиқ ва совуқ овқатларни кескин алмаштиришга йўл қўймаслик;
- тоза, чиройли либосдан қувониш, сочларни тартибли турмаклаб юриш, ифлос кийимбош, қўллар, таралмаган сочларни бартараф етишда катталарга ёрдам сўраб мурожаат қилиш;
- янги даструмолдан фойдаланиш ва уни чўнтакдаолиб юриш.

Овқатланиш гигиенаси:

- тўғри овқатланиш тартибига риоя қилиш;
- мустақил равишдаовқат ейишга интилишни намойиш етиш, “Қошиқдаовқатлантириб қўйиш” таклифидан воз кечиш;
- овқатланаётган пайтда бадан а`золарига қўл теккизмасликка, қошиқни ўнг қўл билан ушлаб, тўкмасдан ейишга ўргатиш;
- мустақил равишдаовқатланаётганда, сочиқчадан фойдаланаётганидан қувониш. Чиройли қилиб тузалган стол, мазали овқатларни илғай билиш;
- овқатланиш қоидаларига риоя қилиш: овқатни шошилмасдан, яхши чайнаб ейиш, гаплашмаслик, шўрва, чойни тўкмаслик;
- овқатланиб бўлгач, “раҳмат” айтиш.

Маданий – гигиеник кўникмаларни егаллаш ва ўз-ўзига хизмат қилиш:

- шахсий гигиена кўникмаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш: енгни ўзи шимариб, қўл ва юзни ювиш, совундан тўғри фойдаланиш, юз ва қўлларни артиш;
- муайян тартибдаечиниш ва кийиниш, кийимларни яхшилаб тахлаб қўйишгаҳаракат қилиш;
- тугмаларни қадаш, пойабзал ипларини боғлай олишгаҳаракат қилиш;
-ўз буюмларини билиш;
- ўйин давомида ювиниш, кийиниш, овқатланиш жараёнларини акс еттириш: ўйинчоқларни овқатлантириш, кийинтириш, чўмилтириш, ўзининг севимли қўғирчоқларини тўғри овқатланиш, ювинишга ўргатиш;
- қўғирчоқлар билан ўйинларни намойиш қилиш давомида қўғирчоқ қандай қилиб тўғри кийинишини кўрсата билиш;
- катталар билан биргаликда ўйинчоқларни жойигаолиб қўйиш, кийимларни осиб қўйиш, оёқ кийимини жойига тахлаб қўйишгаодатлантириш.

Ўзига хос гигиена:

- тоза чойшаб, кўрпа – тўшакда, шамоллатилган хонада ухлаш, ерталаб бадантарбия ва сув муолажаларини ўтказишгаодатлантириш;

- ичак  ва қовуқни ўз вақтида бўшатиб туришга ўргатиш: ҳожатхонадан еҳтиёткорлик билан фойдаланишгаодатланттириш;
- тирноқ, қалам ва бошқа нарсаларни тишламаслик, қўлларни, лабни ва бошқа буюмларни сўрмаслик.
Шикастланишнинг олдини олиш.
- сакрашда, тепаликдан учишда юмшоқ тушиш, бир-бирини итармаслик, чопмасликкаҳаракат қилиш.
Назорат саволлар.
1. 4-5 йошдаги болаарнинг ривлжланиш хусусиятларини айтиб беринг?
2. 4-5 йошдаги даврга неча йошдаги болалар киради?
3. 4-5 йошдаги боланинг жисмоний тарбияси ?
4. Боланинг кун тартибини қандай ташкил етиш керак. ?

## КАТТА ГУРУҲ {5-6 ЙОСҲ БОЛАЛАР}НИНГ РИВОЖЛАНИСҲ ХУСУСИЙАТЛАРИ.

Олти ёшли болаларни мактаб фаолиятидаги кун тартиби жуда мураккаб вазифа бўлиб, айрим ота-оналар бу масъулиятни айникса бола хаёти ва мактабгача ёшдан ўтиш даврида мухимлигини хис килмайди. Уқиш даврини биринчи йили 1-синф ўқувчиларига катта талаб қўйилади. Бола мехнат тизимига тайёрланади, унда янги мажбурият ва масъулиятлар пайдо бўлади. Унга белгиланганданда кўпроқ харакатланиш тўғри келади.  Оила ташкил килиб берган барча кун тартиби ва махсус шуғулланиш хамда идрок етишга боғлик машғулот болани мактабда ўқишга яхши тайёрлаш мумкин.Болалар учун тўғри ташкил етилган бир кунлик кун тартибини уни нафақат билимига балки соғлигини мустахкамлашга ёрдам беради. Кун тартибини бирданига ўзгариши бола рухиятига катта таъсир кўрсатади. Ота-оналарга кун тартибини тўғри ташкил қилиш учун биринчи жадвал ёрдам беради.Кун тартиби умумий кўрсаткич асосида олиниб: кундўзи ва кечки уйқу, гигиеник тайёргарлик, етарлича тоза хаводаги фаол харакатдан турли машғулотларни олиш бу навбатма навбат алмаштириш ва овқат рационидан иборат.Меъёридаги уйқу вақтида бола организми дам олади уни ишчанлик қобилияти тикланади.Соғлом болани хар куни бир вақтда ухлашга ўргацак, тезда кўникиб, ухлаб қолади. Белгиланган вақтга болани ухлашга ва уйғонишга одатлантириш жуда мухим.Уйкудан олдин асосан кечки уйқудан олдин бола тинч ва хотиржам бўлиши керак. Уйқудан олдин катталар болаларга кийимларини ва оёқ-кийимларини саранжомлашга ўргатадилар. Кейин болалар умумий гигиена қоидаларини амалга оширадилар.Нафақат гигиена орқали емас, сув билан чиниқиш асаб системасига таъсир кўрсатади.Бу хар куни бир вақтда амалга оширилса, бола тезда уйқуга кетишига ёрдам беради.Бола ўрни озода, жуда қаттиқ хам юмшоқ хам бўлиши керак емас.

Шу каби товушлар, чироқ, радио овози, қаттиқ гаплашиш бола уйқусига халақит беради.Бола тез-тез шамоллатиб бориладиган хонада ухлаши зарур. Совуқ кунларда хона харорати +18 градус бўлиши керак. Кечки уйқу 11.5, 12 соатга чўзилиши мумкин.Мактаб ёшидаги бола хар куни камида 4 соат очиқ хавода бўлиши шарт. Очиқ хавода болани юриши уни хаётий жараёнларини (моддалар алмашинуви, нафас ва юрак қон-томир системасига)чиниқтириш фаолиятини кучайтиради. Қишда совуқ хавода болаларни очиқ хавода бўлиши камайтирилади, ёзда еса болалар кўпроқ кун давомида очиқ хавода бўлишлари зарур.Боланинг куни ерталабки бадан тарбиядан бошланиши керак.Жисмоний машқ болаларда куч ва қизиқиш уйғотади. Бадан тарбиядан кейин болаларда чиниқиш холатлари: хўл сочиққа артиниш ёки совуқ сувда ювиниш олиб борилади. Сўнгра бола кийинади, тишини тозалайди, ювинади. Сочини тартибга солади. СҲахсий гигиена қоидаларини кузатишда болани соғлигини сақлашга еътибор бериши шарт. Айни мактабгача ёшда бўлган болалар мураккаб бўлмаган янги маданий-гигиеник билимларни жуда тез ўзлаштиради.

Болаларга гигиеник янги билимларни ўргатишда ота-оналар шахсий хулқ-атворлари, болаларга намуна бўлишида катта ахамиятга ега. Болада юз ва қўли учун алохида оёқ учун сочиғи, тиш чёткаси, ва тиш пастаси бўлиши шарт. Тишларни хар куни ерталаб ва кечқурун тозалаш керак.Бола хаётининг 8-йилида кун тартибида она тили машғулоти, хисоблаш, тасвирий фаолият, лой иши, қуриш-ясаш олиб борилади. Мактабдаги педагог маслахати ота-оналарга болалари билан ўтадиган машғулотлар таркибини аниқлашга ёрдам беради. Бундай машғулотлар 1-синф ишини ўзлаштиришга тайёрлайди.Амалиётда текшириб кўрилган ва ўзини ёқлаган қуйидаги машғулотни ўтиш варианти ва унинг давомийлиги:
- Биринчи давр – 3 та машғулот, 20 минутда , улар орасидаги 10 минутни танаффус билан.
- Иккинчи давр – 3 та машғулот 25 минутдан, улар орасидаги 10 минутли танаффус.Бу даврларни 1,5-2 ойга ўзайтириш мумкин.

Олимларни исботлашича, 6 ёшли болаларда фаол диққати давомийлиги 15-20 минут машғулотидаёқ болалар чарчайди, уларнинг мехнат қобилияти пасаяди ва 10 минут ўтмагунча хам тикланмайди. СҲунинг учун хам 2 та машғулотни саводхонлик ва хисобни кетма-кет бериш мақсадга мувофиқ емас. ЙАхшиси 2-машғулотни харакатли ўйинлар билан ўтказиш керак. Сайрдан кейин тушлик ва уйқу

оралиғида яна битта машғулот ўтказса, 3 та машғулотни секин-асталик билан ўтказиш керак.Бола организми «ишга чиқишга» секинлик билан таъмирланади. Бу давр 5-6 ёшли болаларнинг 80% и да 2 дан 7 минутгача ўзаяди. Ўртача хисобда 5-6 минут. Кейин ишчанлик қобилияти юқори даражада тикланади. Бу қобилият ўзгариши соғлом болалар учун белгиланган. Болалар чарчаганида ишчанлик қобилияти ва диққати тарқоқ бўлади. Одатда у ташқи кўринишда, тез чалғишида, хавотирли харакатларда сезилади. Кичик «жисмоний дақиқа» ўтказилиши болаларни ишчанлик қобилияти тикланишига имконият яратади. Керак бўлса машғулот яна 10-15 минут ўтказилиши мумкин. Ҳафтани ўтишида болани ишчанлик қобилияти характерини ўзгаришига олиб келади. Сешанба куни 6 ёшли болаларда марказий нерв системаси функционал даражаси яхши бўлади ва ишчанлик қобилияти жуда баланд кўрсаткич бўлади.СҲоршанбадан шанбагача болаларда қисқа машғулотларда хам ишчанлик қобилияти пасая бошлаганини Кузатишмумкин.Душанба эрталабки вақт ишчанлик қобилияти паст бўлади. Бундай ишчанлик қобилияти ўзгаришини инобатга олган холда, болаларга душанда ва шанба куни тасвирий фаолият, лой иши, аппликация, қуриш-ясаш машғулотлари ўтилади..

## МАКТАБГА ТАЙЙОРЛОВ ГУРУҲИ {6-7 ЙОСҲ БОЛАЛАР}НИНГ РИВОЖЛАНИСҲ ХУСУСИЙАТЛАРИ.

Машғулот тарбиячи томонидан болаларга керакли билим ва малалаларни умумий холда хабардор килиш демакдир. Машғулотлар кун давомида ўтказилиб борилади. Куннинг биринчи кисмига мўлжалланган машғулотлар анча самара беради.Машғулот жараёнида болаларда мустакил фикрлаш кўникма ва малакалари ҳосил қилинади, тарбиячининг сўзини тинглаш, ўртоқлари билан гаплашмаслик ҳар бир тарбиячи томонидан берилган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилиш тарбиячи томонидан айтилган фикрларни такрорлашга ўрганиб борилади. Ҳар бир ёш гурухларда неча марта машғулот ўтказиш болалар МТМ таълим-тарбия дастурида белгилаб борилади.Машғулотнинг турлари ҳақида гапирадиган бўлсак, машғулотнинг турлари қуйидагичадир:Болаларни билимларини синовчи машғулотлар – ушбу машғулотларни ўтказишдан мақсад, тарбиячи дастурда белгиланган билим ва малакаларини егаллаш даражасини билиб олади ва кейинги ишлари давомида ишларни инобатга олади.Комплекс машғулотлар – бу машғулот болалар МТМ тажрибасида кенг тарқалган бўлиб, бундай машғулотларда болаларга янги билим берилади.

Машғулотни тузилиши еса:
болаларни уюштириш
асосий қисм
якуний қисм
Машғулотга тайёрланиш мазмуни ҳам мавжуд бўлиб, ушбу мазмунга
қуйидагиларни киритишимиз мумкин:
Машғулотни режалаштириш.
Керакли жихозларни олдиндан тайёрлаш.
Болаларни машғулотга тайёрлаш.

Болаларни мактабга тайёрлашда тарбиячи машғулотни бир бўлимидан битта емас, балки бутун бир машғулотни системасини режалаштириб олиб борилса ижобий натижани кўлга киритлади.Тарбиячи машғулотлар жараёнида методик қўлланмалардан фойдаланиб машғулот утиши тавсия етилади. Хар бир богчада методик хоналар мавжуддир. Унда болалар богчаси таълим-тарбия дастурининг, хамда хамма булимлари буйича методик қўлланмалар булади.Етишмовчиликларни тарбиячи ўзи тайёрлайди ва бу ишга баъзан тайёрлов гурухидаги яъни мактабга тайёрлов гурухидаги болаларни жалб етади. Тарбиячи машғулот учун керакли машуглотларни машғулотлардан бир кун аввал тайёрлаб куяди.Мактабгача таълим муассасанинг биринчи кичик гурухида хафтасига 10 та машғулот утказилади.
Улар куйидагича таксимланади:
Атрофдаги вокеалар билан таништириш ва нуткини ривожлантириш,
Расмчизишвалойёкипластилинданнарсаясаш,
Курилиш материаллари билан машклар,
Мусика машғулотлари,
Физкултура машғулотлари.

Машғулотлар 10-15 дакика давом етади ва улар шанба кунидан Ташкари хар куни ерталаб ва кечкурун ўтказилади. Машғулотлар билан бир каторда сайр вактида атрофдаги нарсаларни кузатиш, харакатли ва дидактик уйинлар планлаштирилади.Машғулотларнинг катта кисми ривожланиши бир хил даражада бўлган болаларни бирлаштирувчи кичик гурухларда утказилади. Батафсил тушунтириш ва катталарнинг ёрдамини талаб киладиган янги материалдан фойдаланиладиган машғулотлар (масалан, йигма картиналар ёки янги конструктор, биринчи марта бериладиган машғулотлар) ана шундай

утказилади. Харакатларининг навбатига риоя килинадиган машғулотларда болалар унча куп булмаслиги керак. Масалан, гимнастика асбоблари билан утказиладиган физкултура машғулотлари, «Лото» типидаги ва нуткни ривожлантириш машғулотлари ана шундай булади, бунда айрим болалар ўз фаолликлари билан бошкаларини четга суриб қўйишлари мумкин.Аммо хаётнинг учунчи йилида машғулотларнинг айрим турларини бутун гурух билан ўтказиш хам мумкин, чунки бола хулк-атвор коидаларини (бутун еътибор билан тинглаш, жим утириш) егаллаган булади, ўз харакатларини бошка болалар билан мувофиқлаштира бошлайди, катталарнинг нутки унинг харакатини юлга соладиган булади.Болаларнинг бутун гурух билан айни вактда мусика машғулотларини, харакатли уйинларни, шунингдек болаларнинг ўзлари асосан томошабин буладиган кургазмали инсценировкаларни ўтказиш мумкин.Машғулот вактида тарбиячининг еътиборини хеч ким чалгитмаслиги, хона жимжит булиши, халакит бериши мумкин бўлган хамма нарсалар четга олиб куйилиши керак

.Болаларнинг мустакил фаолияти билан айникса уйин билан боғлиқ магулотлар катта самара беради. Масалан: мусика машғулотлари, сенсор ривожланиш машғулотларидан фойдаланиш мумкин.Хаётнинг учунчи йилида болаларни ургатиш кургазмали тарзда олиб борилади.Машғулотлар – Мактабгача таълим муассасада укитишнинг ташкил етиш формасидир. Улар мактабгача тарбия ёшидаги хамма болалар учун мажбурий; улар учун дастур мазмуни белгиланган, кундалик режимида доимий вакт ажратилган, уларнинг канча вакт давом етиши тайинланган.Мактабгача таълим муассасада машғулотлар болаларни мактабга тайёрлашда катта ахамиятга ега. Бу машғулотларда болалар ўқув фаолияти кўникмалари хосил киладилар, анча интизомли, уюшган бўлиб борадилар. Уларда баркарор диккат, диккатни бир нарсага карата олиш, иродавий зур берилиш кобилияти ривожланади. Системали ўқиш натижасида билишга кизикиш пайдо булади.Болаларни коллективда укитиш муайян афзалликларга ега: биргаликда ишда улар бир-бирларига актив таъсир етадилар, ташаббус, фахм-фаросат курсатиш имконига ега буладилар.

**Назорат саволлар.**

1.Мактабгачатаълимнинг7-ёшдаврининг қандайзусусиятларибор?
2.7 ёшдавриболаларжисмонийривожланишиҳақидамаълумотберинг.
3.Асосийҳаракатгадоирмашқлартизиминико`рсатинг.
4.Кунтартибиҳақидамаълумотберинг.

Адабиётлар рўйхати.

1.Юсупова П. Мактабгача тарбия педагогикаси. -Т.: Ўқитувчи. 1993.
2. Ш.А.Содиқова “Мактабгача педагогика”. “Тафаккур сарчашмалари”, Т:. 2013 й.

Қўшимча адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон. 1998.
2. Каримов И.А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон. 2000.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни. «Маърифат» газетаси. 1997 йил 1 октябр.
4. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, -Т.: Ўзбекистон. 1997.
5. Педагогика. А.Мунавваров таҳрири остида. -Т.: Ўқитувчи. 1997

## -мавзу: ЎЙИН – БОЛА ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ТУРИ

**Режа:**

1. Ўйиннинг бола фаолияти сифатидаги моҳияти ва ўзига хослиги
2. Ўйиннинг мактабгача таълим муассасаси педагогик жараёнидаги ўрни
3. Ижодий ўйинлар турлари
4. Қоидали ўйинлар. Дидактик ўйин турлари
5. Бола тарбиясида ўйинчокнинг аҳамияти

**Таянч тушунчалар:**

**Ижодий ўйинлар –** болаларнинг мустақил ўйини бўлиб, ўйин мазмунини болаларнинг ўзлари ўйлаб топадилар.

**Дидактик ўйин –** мактаб ёшидаги болаларнинг ёши ва имкониятларига мос келадиган таълим бериш методи.

### *1. Ўйиннинг бола фаолияти сифатидаги моҳияти ва ўзига хослиги*

Ўйин инсон ўзлигининг намоён бўлиши, унинг такомиллашув усулидир. Ўйин катталар ҳаётида муайян ўрин тутар экан, у болалар учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Уни «боликнинг ҳамроҳи» деб аташ қабул қилинган. У мактабгача ёшдаги болалар ҳаётининг асосий мазмунини ташкил этади.

Меҳнат ва таълим билан узвий алоқада бўлган ҳолда етакчи фаолият сифатида намоён бўлади. Бола шуғуланадиган кўпчилик жиддий ишлар ўйин шаклида бўлади. Ўйинда шахсдаги барча мавжуд жиҳатлар ишга тушади: бола ҳаракат қилади, гапиради, идрок этади, ўйлайди. Ўйин тарбиянинг муҳим воситаси сифатида намоён бўлади.

Ўйин қадим замонлардан бери педагог, психолог, файласуф, этнограф, санъатшунос олимлар диққатини ўзига тортиб келган бўлиб, жамият ҳаётида меҳнатдан кейин туради ва унинг мазмунини белгилайди. Ибтидоий жамоа қабилалари ўз ўйинларида овчилик, уруш, дехқончилик ишларини акс эттирганлар. Масалан, ўша даврдаги баъзи қабилаларнинг шоли сепиш жараёни ўйинлар билан жуда катта тантана қилиб амалга оширилар эди.

Я.А.Коменский, К.Д.Ушинский, А.С.Макаренко, П.Ф.Лестгафларнинг ғоялари ҳозирги замон болалар ўйинлари назарияси учун ҳам аҳамиятлидир. «Болалар ўйини кўп асрлик тарихга эга. Бу – деб ёзган эди К.Д.Ушинский, - инсоннинг ўзи томонидан ишлаб чиқилган қудратли тарбиявий восита ва шунинг учун ҳам унда инсон табиатининг ҳақиқий эҳтиёжи ифодаланган».

Ян Амос Коменский ўйинни бола фаолиятининг, унинг табиати ва майлларига тўғри келадиган зарур шакли деб ҳисобларди. Унинг фикрича ўйин – боланинг барча қобилият кўринишлари ривожланадиган жиддий ақлий фаолиятдир, ўйинда борлиқ, дунё ҳақидаги тасаввурлар доираси кенгаяди ва бойиди, нутқ ривожланади. Бола ўйин давомида тенгкурлари билан дўстлашади. Я.А.Коменский ўйинга қувноқ болалик ва болани уйғун ривожланиш шарти сифатида қарар экан, катталарга болалар ўйинларига эътиборли муносабатда бўлишни, уларга оқилона раҳбарлик қилишни масалаҳат берган эди.

П.Ф.Лестгафт болалар ўз ўйинларида теварак-атрофдан олган таьсуротларини акс эттирадилар, дейди. Бундай фаолият боланинг ривожланишида катта аҳамиятга эгадир.

Шундай қилиб ўйиннинг ижтимоий воқеа эканлигини, ўйинда теварак-атрофдаги борлиқ акс эттирилишини илғор олим ва педагоглар ўзларининг кузатиш ва илмий тадқиқотлари орқали исботлаб бердилар.

Тарбиячилар болалар ўйинига раҳбарлик қилишда қуйидагиларга риоя қилиши лозим.

1. ўйин билан меҳнат ўртасида тўғри муносабат ўрнатиш

2. ўйинда болаларнинг бўлажак меҳнат ахлига хос бўлган жисмоний ва руҳий сифатларини тарбиялаш.

Шу тариқа ўйин тарихий тараққиёт жараёнида меҳнат фаолияти натижасида пайдо бўлган ижтимоий фаолиятдир; ўйин доимо ҳақиқий ҳаётни акс эттиради. Демак, ижтимоий ҳаёт ўзгариши билан унинг мазмуни ҳам ўзгаради; ўйин маълум мақсадга йўналтирилган онгли фаолият бўлиб, унинг меҳнат билан кўп умумийлиги бор ва ёшларни меҳнатга тайёрлашга хизмат қилади. Ўйин фаолияти асосида боладаги ўқув фаолияти ривожланади, бола қанчалик яхши ўйнаса, у мактабда шунчалик яхши ўқийди.

Илк ёшли болалар ўйин фаолиятининг биринчи босқичи таништирувчи ўйин бўлиб, у нарса-буюм-ўйин фаолиятидир. Унинг мазмуни қўл ишидаги мураккаб ва нозик ҳаракатлардир.

Кейинги босқич акс эттириш ўйини ҳисобланади. Бу илк ёшли болалар ўйини психологик мазмунининг ривожланишида энг юқори нуқта ҳисобланади. Катталар таълим-тарбиявий ишларини маълум изчиллик билан олиб борсалар, бу ёшдаги болалар нарса ва буюмлар номини, нимага ишлатилишини билиб оладилар ва бу янги билимларни ўз ўйинларида қўллай бошлайдилар.

Бу ёшдаги болалар ўйини мазмуни жиҳатидан предметли фаолиятни акс эттиради.

Биринчи ёшнинг охири ва иккинчи ёшдаги болалар ўйинида сюжетни акс эттириш юзага келади. Бола қўлидаги буюм билан ундан қандай фойдаланиш кераклигини акс эттиради.

Навбатдаги босқич ролли ўйин бўлиб, унда болалар ўзларига таниш бўлган катталар меҳнати ва қишиларнинг ижтимоий муносабатиларини акс эттирадилар.

Болалар ўйин фаолиятининг босқичма-босқич ривожланиши тўғрисидаги илмий тасаввурлар ҳар хил ёш гуруҳларида болаларнинг ўйин фаолиятига раҳбарликнинг аниқ системали тавсияларни ишлаб чиқиш имкониятини яратди.

Шундай қилиб МТМнинг педагогик жараёнда ўйиннинг тутган ўрни жуда катта бўлиб, ўйиндан мактабгача ёшидаги болаларни тарбиялаш ва уларга таълим беришда кенг фойдаланилади. Зеро:

- ўйиин болаларнинг мустақил фаолияти бўлиб, унда боланинг руҳияти намоён бўлади;
- ўйин мактабгача тарбия ёшидаги болалар ҳаётини ташқил этиш шаклидир;
- ўйин болаларни ҳар томонлама тарбиялаш воситаларидан биридир;
- ўйин болаларга таълим ва тарбия беришнинг метод ва усулидир;
- ўйин болаларни ўқув фаолиятига тайёрлаш воситасидир.

Таниқли педагог-олимларнинг олиб борган тадқиқотлари ўйинга комплекс раҳбарлик қилиш орқали болаларгна ўйиннинг мазмуни, ташқил этилиши, тузилиши, болаларнинг ахлоқий муносабатлари, болалар ўйинининг ривожланиш даражасига таъсир этиш мумкинлигини кўрсатди.

Болалар ўйини унинг мазмуни, хусусияти, ташкил этилишига кўра хилма-хилдир.




Ижодий ўйинларни болалар ўзлари ўйлаб топишади. Унда олдиндан белгиланган қоидалар бўлмайди. Ўйин қоидасини болалар ўзлари ўйин жараёнида белгилашади.

Қоидали ўйинларнинг мазмуни ва қоидаси катталар томонидан белгиланади. Қоидали ўйинларга қуйидагилар киради: дидактик ўйинлар, ҳаракатли ўйинлар, мусиқавий ўйинлар, эрмак ўйинлар.

Болаларга таълим-тарбия бериш мақсадида катталарнинг ўйинни танлай билиши, унга тўғри раҳбарлик қилиш “МТМ таълим ва тарбия дастури”да белгиланган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишни таъминлайди.

Ўйин болаларни ривожлантириш ва тарбиялаш воситасидир. Психологлар ўйинни мактабгача ёш даврида етакчи фаолият деб ҳисоблайдилар. Ўйин туфайли боланинг юқори ривожланиш босқичига ўтишини таъминловчи сифатлар шаклланади, уни руҳиятида сезиларли ўзгаришлар юз беради.

Ўйинда бола шахсининг ҳамма томони бир-бирига ўзаро таъсир этган ҳолда шаклланади. Ўйнаётган болани кузатаётиб унинг қизиқишларини, теварак-атроф тўғрисидаги тасаввурини, катталарга ва ўртоқларига бўлган муносабатини билиб олиш мумкин.

Шахсдаги бирон сифатни тарбиялаш учун унинг бошқа томонларини ҳам ривожлантириш керак. Масалан, боланинг ўйинига қизиқишини, ташқилотчилик қобилиятини ривожлантириш учун мазмун жиҳатидан бой ўйинлар яратилиши керак. Болаларнинг ижодий ўйинларини ривожлантириш учун эса ўз навбатида яхши ташқил этилган болалар жамоаси зарур бўлади.

Ўйин болаларни жисмоний томондан тарбиялаш системасида, МТМнинг таълим-тарбия ишида, ахлоқий, меҳнат ва эстетик томонлама тарбиялашда катта ўрин тутади.

Ўйинда бола организмига хос бўлган талаб ва эҳтиёжлар қониқтирилади, ҳаётий фаоллик ортади, бардамлик, тетиклик, қувноқлик тарбияланади. Шунинг учун ҳам болаларни жисмоний тарбиялаш системасида ўйин муносиб ўрин эгаллайди.

Ўйин таълим ва машғулотлар билан, кундалик ҳаётдаги кузатишлар билан узвий боғлиқ бўлиб жуда катта таълим-тарбиявий аҳамиятга эга. Ижодий ўйинларда муҳим билим эгаллаш жараёни юзага келади, бу боланинг ақлий кучини ишга солади, тафаккурини, ҳаёлини, диққатини, хотирани фаоллаштиришни талаб қилади, бола масалаларни мустақил ҳал қилишга ўрганади, ўйлаган нарсасини амалга ошириш учун яхшироқ ва осонроқ усул ўйлаб топади, ўз билимларидан фойдаланиш ва уни сўз билан ифодалашга ўрганади.

Ўйинда акс эттирлаётган нарсани билиб олишга қизиқиш уйғонади. Кўпинча ўйин болаларга янги билим бериш ва уларнинг фикрини, билим доирасини кенгайтириш учун хизмат қилади. Ижодий ўйинни тор дидактик мақсадларга бўйсиндириб бўлмайди, бу ўйин ёрдамида жуда катта тарбиявий вазифалар ҳал қилинади.

Қоидали ўйин боланинг сенсор ривожланишини, таффаккур ва нутқини, ихтиёрсиз диққатини ва хотирасини, ҳар хил ҳаракатларини мунтазам равишда машқ қилдириб бориш имконини беради. Ҳар бир қоидали ўйин маълум дидактик мақсадга эга бўлиб, болани умумий ривожлантиришга қаратилган бўлади. Таълимнинг ўйин шаклида бўлиши муҳим аҳамияига эга бўлиб боланинг умумий ривожлантиришга қаратилган бўлади. Таълимнинг ўйин шаклида бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, боланинг ёш хусусиятларига мос келади. Қизиқарли ўйин боланинг ақлий фаоллигини оширади, ўйинда бола машғулотдагига нисбатан мураккаброқ маслани ҳал қилиши мумкин. Бу таълим бутунлай ўйин шаклида бўлиши керак деган гап эмас. Таълим турли усуллар ва методларни қўллашни талаб этади. Ўйин таълимнинг шаклларидан бири бўлиб, бошқа бир метод билан қўшиб олиб борилгандагина яхши натижа беради, булар кузатиш, суҳбат, сўзлаб бериш ва ҳакозолар.

Бола ўйнаётиб ўз билимидан фойдаланишни, уни ҳар хил шароитда ишлата билишни ўрганади. Ижодий ўйинларда болаларнинг фантазияси, буюм ясаши, тажриба қилишига кенг йўл очилади.

Ўйинда ақлий ривожланиш билан бирга ахлоқий сифатлар ҳам шаклланади. Ўйин жараёнида юз берган кечилмалар бола онгида чуқур из қолдиради, шунинг учун ўйин болада яхши ҳисларни, улуғвор орзулар ва интилишларни, соғлом қизиқишларни тарбиялашга ёрдам беради.

Ўйин мустақил фаолият бўлиб, бу жараёнда болалар ўз тенгдошлари билан алоқа қилишга киришадилар. Уларни умумий мақсад, унга эришишдаги умумий кечилмалар бирлаштиради. Шунинг учун ўйин дўстона муносабатларни тарбиялашда, жамоа ҳаёти малакаларини, ташкилотчилик қобилиятларини шакллантиришда муҳимдир. Биргаликдаги ўйин билан бирлашган кичик болалар жамоасида мураккаб муносабатлар вужудга келади. Тарбиячининг вазифаси ҳар бир болани фаол ўйинга жалб қилиш, болалар ўртасида дўстликка, ҳаққонийликка, ўртоқларини жавобгарлигини сезишга асосланган муносабатлар ўрнатишдан иборат.

Ўйин меҳнат тарбияси вазифасини бажаришга ҳам ёрдам беради. Болалар ўз ўйинларида ҳар хил касбдаги қишиларни акс эттирадилар. Бу билан улар катталарнинг ҳаракатларига тақлид қилиб қолмай, шу билан бир қаторда уларнинг ишига меҳнатига бўлган муносабатларини ҳам акс эттирадилар. Ўйин болада кўпинча меҳнат қилиш хохишини уйғотади, ўйин учун керақли нарсаларни тайёрлаш ва ясашга мажбур қилади. Ўйинда ҳозирги замон болаларига хос бўлган техникага қизиқиш пайдо бўлади ва ривожланади, болалар ҳар хил машиналар ясайдилар ва техник ўйинчоқлар билан ўйнайдилар.

Ўйин эстетик тарбиянинг муҳим воситасидир. Ўйинда ижодий ҳаёл, фикрлаш қобилияти юзага келади ва ривожланади. Яхши танланган ўйинчоқ бадиий дидни тарбиялашга ёрдам беради. Ҳаракатли ўйинларда ҳаракатнинг гўзаллиги ва мароми болаларни ўзига мафтун қилади.

Ўйиннинг катта тарбияловчи аҳамияти ўз-ўзидан амалга ошмайди. Ўйин бефойда, ҳатто зарали бўлиши, баъзан ёмон ҳисларни қўзғатиши мумкин. Тарбиячи ўйин ёрдамида болаларни ҳар томонлама ривожлантириш вазифасини амалга ошириш учун унга мунтазам равишда таъсир этиб бориши зарур.

Бу вазифани ҳал этишда ўйин болалар боғчасидаги таълим-тарбиявий ишнинг ҳамма томонлари билан боғланган бўлиши керак. Ўйинда болаларнинг машғулотларда олган билим ва малакалари акс этади ва ривожлантирилади, улар орқали эса бола ҳаётга ўргатилади. Иккинчи томондан, ўйинда тарбияланган сифатлар фаолиятнинг бошқа турларига кўчирилади.

### *2.Ўйиннинг мактабгача таълим муассасаси педагогик жараёнидаги ўрни*

Ўйиннинг бола тарбиясидаги асосий роли болалар муассасаси ҳаётини у билан бойитишни талаб этади. Шунинг учун ҳам ўйин болалар ҳаётининг кун тартибига доимий қилиб киритилган. Ўйинлар учун нонуштагача ва ундан кейин, машғулотлардан сўнг, сайрлардан сўнг, кечқурун уйга кетишдан олдин вақт ажратилади. Эрталаб ўта ҳаракатчанликни талаб қилмайдиган ўйинлар учун шароит яратиш мақсадга мувофиқдир. Мазмунан кўпроқ дидактик ўйинчоқлар, стол устида ўйналадиган стол-босма ўйинлари, сюжетли-ролли ўйинларни ўйнаган маъқул.

Сайр давомида ҳаракатли ўйинларни, қуриш-ясаш ўйинларини ташкил этиш фойдалидир. Кун тартибида ўйин учун махсус вақт белгилаш ўйиннинг мустақил фаолият сифатида мавжуд бўлишининг ва уни болалар ҳаётини ташкил этиш шакли сифатида, тарбия воситаси сифатида қўлланилишининг энг муҳим педагогик шартидир.

Болалар ўйининг ўзига хослиги шундаки, у теварак-атрофдаги ҳаётни, қишиларнинг фаолияти, ишлари, ҳаракатларини, уларнинг иш жараёнпидаги ўзаро муносабатларини акс эттиради. Ўйин пайтида ҳона болалар учун денгиз, ўрмон, метро, темир йўл вагони бўлиши мумкин.

Бола ҳеч қачон жим ўйнамайди, битта ўзи ўйнаса ҳам у ўйинчоқ билан гаплашади, ўзи тасвирлаётган қахрамон билан мулоқот ўрнатади, онаси, бемор, шифокор хуллас ҳамма-ҳамманинг ўрнига ўзи гапираверади. Сўз образнинг яхшироқ очилишига ёрдам беради.

Нутқ ўйин жараёнида жуда катта аҳамиятга эга. Нутқ орқали болалар фикр алмашади, ўз ҳис-туйғу, кечилмаларини ўртоқлашади. Сўз болалар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилишига, теварак-атрофдаги ҳаёт воқеаларига бир хилда муносабатда бўлишга ёрдам беради.

Болаларнинг ўзи яратган ўйиндан келиб чиқадиган ёки катталар томонидан таклиф этилган ўйиннинг ғояси, мазмуни, ўйин ҳаракатлари, роллар, ўйин қоидалари унинг тузилишини ташкил этувчи қирралардир.

Ўйин ғояси - бу нима ўйнашни белгилаб олиш: “дўкон, “шифохона”, “учувчилар”, “болалар муассасаси” ва шунга ўхшашлар. Ўйин мазмунига, ғоясига қараб болаларнинng бундай ўйинларини бир неча ўзига хос гуруҳларга бўлинади. Улар,




Ўйинларнинг бундай бўлиши албатта шартли бўлиб, бир ўйинда ҳар хил ҳаётий воқаелар акс этиши ҳам мумкин.

Ғоя ўйиннинг мазмуни, жонли тўқимаси, унинг ривожланишини, ўйин ҳаракатларини, болалар муносабатларининг ҳар хиллиги ва ўзаро боғланишини белглаб беради. Ўйининг қизиқарли бўлиши ва унда болаларнинг қандай иштирок этишлари ўйиннинг мазмунига боғлиқ. Ўйинда бола ижро этадиган роль ўйининг асосий ўзаги ва таркибий қисмидир. Шунинг учун ҳам бу ўйинлар ролли ёки сюжетли-ролли ўйинлар номини олган.

Болалар ўйинига тарбиячининг раҳбарлик қилиши. Ўйин болаларнинг қизиқарли эрмагигина бўлиб қолмай, шу билан бир қаторда у болаларни ривожлантириш ва тарбиялашнинг муҳим воситаси ҳамдир. Аммо ўйин катталар томонидан ташкил этилиб, унга раҳбарлик қилингандагина ижобий натижа беради.

Педагог болалар ўйинига раҳбарлик қилар экан, қуйидаги талабларга эътибор бериши зарур: ўйин мазмунини таълим-тарбия берувчи аҳамиятга эга бўлиши, акс эттирлиаётган нарсалар ҳақидаги тасаввурлар тўғри ва тўла бўлиши, ўйин ҳаракатларига фаол, маълум мақсадга қаратилган, ижодий хусусиятга эга бўлиши керак. Ҳамма ва айрим болаларнинг қизиқишларини эътиборга олган ҳолда ўйинга раҳбарлик қилиш, ўйинчоқларни ва бошқа кeракли материаллардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, болаларнинг ўйинда хайрихоҳ ва хурсанд бўлишларини таъминлаш лозим.

Педагог болалар ўйинига раҳбарлик қилар экан, бола шахсининг ҳамма томонларига: онгига, ҳис туйғуларига, иродасига, хулқига таъсир этиши ва бундан болаларни ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний томондан тарбиялашда фойдаланиши лозим.

Ўйин жараёнида болаларнинг билимлари ва тасаввурлари бойиб, чуқурлашиб боради. Ўйинда у ёки бу ролни бажараётиб, бола ўзининг бутун диққатини ўйинга қаратиши лозим. Бола ўйнаётганда қишилар меҳнати, уларнинг аниқ ҳаракатлари, муносабатлари тўғрисидаги тасаввури етарли эмаслигини сезиб қолади, бунинг натижасида катталарга савол бера бошлайди. Тарбиячи болаларнинг бундай саволларига жавоб бериб, уларнинг билимларига аниқлик киритади, бойитади.

.

Тарбиячи ўйин орқали болаларда она-ватанга, ўз халқига бошқа миллат қишиларига ижобий муносабатни шакллантиради, мустаҳкамлайди. Ўйин орқали тарбиячи болаларда жасурлик, тўғрилик, ўзини тута билишлик каби сифатларни тарбиялайди.

Ўйин болаларда ижтимоий ахлоқни, уларнинг ҳаётга, бир-бирига бўлган муносабатини шакллантирувчи ўзига хос мактабдир. Ўйинда бола қишиларнинг ахлоқ-одоб нормаларини, меҳнатга муносабатларини билиб олади.

Тарбиячи болалар ўйинига раҳбарлик қилаётиб, уларни жамоа орқали ҳам тарбиялаб боради. Ўйин жараёнида болалар ўз хохишларини жамоа хохиши билан келишиб олишга, ўйинда ўрнатилган қоидаларга риоя қилишга ўргандилар.

Аммо ўйинга тўғри раҳбарлик қилинмаса, у нохуш оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Тарбиячи болаларни жисмоний томондан тарбиялашда ўйиндан кенг фойдаланилади. Жуда кўпчилик ўйинлар болалардан фаол ҳаракат қилишни талаб этади, бу эса ўз навбатида организмда модда алмашинишини яхшилайди, қон айланишини тезлаштиради. Бундан ташқари фаол ҳаракат қилиш бола гавдасини тўғри ўсишини, ҳаракатлари чиройли бўлишини ҳам таъминлайди. Ўйин орқали тарбиячи болаларда қувноқ кайфият яратади, ижобий руҳият ҳосил қилади, бу эса боланинг асаб-руҳий, жисмоний тарбиясини яхшилайди.

Ўйин болаларга эстетик тарбия бериш воситаси сифатида ҳам кенг қўлланилади. Болалар теварак-атрофдаги хаётни, воқеаликни образлар, роллар орқали ҳам акс эттирадилар. Ўйинда боолаларнинг аввал олган тассуротлари орқали образ яратишлари – хаёл жуда ҳам катта аҳамиятга эга. Болалар жуда кўп ўйинларда аввал ўрганган ашула, шеър, ракс, топишмоқлардан кенг фойдаланадилар. Бундан тарбиячи болаларда эстетик дид, завқни тарбиялашда фойдаланади.

Ўйин вақтини танлай билиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Нонушта билан машғулот ўртасида болалар ўйинига 8-10 дақиқа вақт берилади. Бунда болалар кўпинча аввал бошлаган ўйинларини давом эттирадилар. Сайрда болаларнинг ўйнашлари учун 1 соат – 1 соат 20 минут вақт ажратилади. Кундузги уйқу ва кечки нонуштадан кейин ҳам болалар ўйинга вақт берилади. Бунда болалар кўпроқ сюжетли-ролли ўйинларни, қурилиш материаллари, қўғирчоқлар билан, стол усти ўйинчоқлари ўйнашлари мумкин. Шу билан бирга эрмак ўйинлардан ҳам фойдаланилади.

Аммо ўйин билан таълим ўртасидаги боғлиқлик бола улғайган сари ўзгариб боради. Кичик гуруҳда ўйин таълим беришнинг асосий шакли ҳисобланса, катта гуруҳга борганда эса машғулотларда таълимнинг роли ортади. Тайёрлов гуруҳига борганда болаларнинг ўзларида мактабдаги ўқишга иштиёқ уйғониб қолади.

Аммо болалар учун ўйиннинг қадри йўқолмайди, балки мазмуни ўзгаради. Энди болаларни кўпроқ фикрий фаолликни талаб этувчи ўйинлар, спорт тарзидаги ўйинлар қизиқтира бошлайди. .

Шундай қилиб, педагогика фани ўйинга бола шахсини ҳар томонлама шакллантириш воситаси ва улар ҳаётини ташқил этиш шакли, болалар жамоасини шакллантириш воситаси деб қарайди.

### *3. Ижодий ўйинлар турлари*

Ижодий ўйинларда болаларнинг теварак-атрофдан олган таьсуротлари акс эттирилади. Ижодий ўйин болаларнинг мустақил ўйини бўлиб, ўйиннинг мазмунини улар ўзлари ўйлаб топадилар. Бу ўйинда болаларнинг эркинлиги, мустақиллиги, ташқилотчилик ва ижодкорлик қобилиятлари тўлалигича намоён бўлади. Аммо ўйинда ҳаётий таассуротлар айнан акс эттирилмайди, балки болалар онгида қайта ишлаб чиқилади. Бу болаларнинг ўйин ғоясини яратишларида, унинг мазмунини тўзиб, тасвирловчи воситаларни танлашларида ва шунга ўхшашларда намоён бўлади.




Сюжетли-ролли ўйин – мактабгача ёшдаги болаларнинг асосий ўйин турларидир.

Сюжетли-ролли ўйин ўз хусусиятига кўра акс эттирувчи фаолиятдир. Теварак-аторфдаги катталар ва тенгдошларининг ҳаёти ва фаолияти бу ўйин мазмунига манба бўлиб хизмат қилади.

Болаларнинг теварак-аторфдаги ҳаётдан, тенгдошлари, катталар фаолиятидан олган таассуротлари ижодий ўйинда қайта ишланади, тўлдирилади, сифат жиҳатидан ўзгартирилади. Болаларнинг бундай ўйинлари теварак-атрофдаги борлиқни билишнинг амалий шаклидир.

Болалар ўйинининг ўзига хос томони унда тасвирловчи вазиятларнинг мавжудлигидир. Тасвирловчи вазият болаларга ўйин жараёнида юкланган роль ва ўйин сюжетидан ташқил топади ва ҳар хил буюмлардан фойдаланишни ҳам ўз ичига олади.

Ўйиннинг сюжети – бир-бирига ҳаётий алоқадор бўлган қатор воқеа- ҳодисалар йиғиндисидир.

Роль сюжетли-ролли ўйиннинг асосий занжири ҳисобланади. Ўйин болада қаноатланиш, хурсандчилик ҳиссини пайдо қилади, шунинг учун болани қизиқтириб, унда яхши кайфят уйғотади, бола организмидаги ҳаётий фаолиятни яхшилайди.

Бола ўйнаётганда ҳар хил ҳаракатлар қилади: югуради, сакрайди, тор жойдан, ингичка тахта устидан ўтади, энгашди, юқорига тирмашиб чиқади ва ҳакозо.

Бу ҳаракатларнинг ҳаммасини бола бемалол, ўз хохиши билан бажаради, натижада боланинг мускуллари пишийди, у ҳаракатни енгилроқ, чаққонроқ бажарадиган бўлиб қолади.

Боланинг ақлий томондан ривожланиши учун ҳам ўйин катта аҳамиятга эга. Ўйин натижасида боланинг билими кенгайиб боради. Ролли ўйинлар боланинг кузатувчанлигини, қизиқувчанлигини , билиш доирасини ривожлантиради, бойитади.

Ўйинда бола ўз олдига мақсад қўяди, бу боладан ақл, идрок ишлатишни талаб қилади, топағонликка ўргатади. Ўйин жараёнида жуда кўп гаплашишга, тортишишга, бахслашишга, айтиб беиршга тўғри келади. Болалар ўзи ясаётган нарсаларини яхшироқ ясаш, қуриш учун жуда кўп ўйлаб, фикрлашишларига тўғри келади. Булар ҳаммаси бола тафаккури ва хаёлининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Бола ўз ўйинида борлиқни акс эттириб, олган ролининг мазмуни билан боғлиқ бўлган у ёки бу ҳиссиётни бошдан кечиради. Масалан, Дилноза она-бола ўйинида она ролини ўйнаётиб, болаларини овқатлантиради, кийинтиради, улар билан яхши муносабатда бўлиб эркалайди, улар билан гаплашади, китоблар ўқиб беради. Бу ўйин болада мулойимлилик, ғамхўрлик, эътиборлилик каби яхши ҳисларни уйғотади.

Ролли-сюжетли ўйинларнинг ўзига хос хусусияти. Ролли ўйинларнинг бошқа ўйинларга нисбатан ўзига хос хусусиятга эгалиги уларда сюжет, роль ва хаёл қилинган вазиятнинг мавжуд бўлишидир.

Болалар бирор нарса ёки воқеа тўғрисида етарлича тасаввурга эга бўлгандагина сюжет, фикр, юзага келади. Масалан болалар “пароход” ўйинини ўйнамоқчи бўлишди. Бунга ўйиннинг қандай бориши тўғрисида сюжет керак. Сюжет болаларнинг билимига боғлиқ бўлади. Болаларда аввал ғоя райдо бўлади, кейин мазмун ривожланади. Баъзан болалар ўйиннинг қандай боришини олдиндан белгилаб оладилар. Масалан, Африкага “бормоқчи” бўлсалар, сайёҳат вақтида қилинадиган ишларни олдиндан белгилаб оладилар.

Бундан кўриниб турибдики, ролли ўйин жамоатчилик хусусиятига эга, чунки болалар бир-бирлари билан ўзаро муносабатда бўладилар.

Ролли ўйинда ҳар бир бола ўзига олган ролни бажаради масалан, она, шафёр, тарбиячи, энага, артист ва ҳ.

Ролли ўйинларда дидактик, қоидали – ҳаракатли ўйинлардаги сингари қатъий ўрнатилган қоида бўлмайди. Бунда кўпинча болалар ўз хаёл қилган нарсалари бўйича ҳаракат қиладилар. Масалан, “ракета тушиб ойга учадилар”, “пароходда сўзадилар”, “касални даволайдилар”...

Аммо, болаларнинг хаёллари билан ўйнашлари уларни реал воқеаликдан узоқлаштириб юбормайдими деган савол туғилади, йўқ, болалар ўзлари бунинг ўйинлигини яхши биладилар.

Шу билан бирга болаларнинг кечинмалари, ҳаяжонлари, қилган ҳаракатлари ҳаммаси ростакам, сидқидилдан бўлади. Масалан “доктор” ролидага бола касал тўғрисида қайғуради .

Ўйин мавзуи болалар олган таассуротнинг кучли, болаларнинг қизиқишлари билан белгиланади. Ўйинда болалар акс эттирадиган ижтимоий-сиёсий воқеалар болаларнинг билим доираси ва ҳаётий тажрибасининг кенгайиб боришига боғлиқ бўлади.

Ролли ўйинларининг мазмуни ва мавзуси ўзгариши билан бир қаторда унинг тўзилиши ва ўйин шаллари ўзгаради, болаларнинг мустақиллиги ва ташаббусқорлиги ҳам ўсиб боради.

Аввалги болалар ўз-ўзича алоҳида-алоҳида ўйнайдилар. Секин-аста ролли ўйинларнинг пайдо бўлиши, ўйинда қишилар ўртасидаги муносабатни акс эттириш биргаликда бажариладиган ўйинни келтириб чиқаради. Аввалига катта бўлмаган гуруҳчалар 2-3 қишидан бўлиб ўйнашади, катта ва тайёрлов гуруҳларига келиб каттароқ жамоага бирлашадилар.

Ўйинда ҳар хил роллар орқали ўзаро муносабатда бўлиш болаларда ўртоқлик муносабатларини шакллантиришга ёрдам беради.

Ўйиннинг тўзилиши ва мазмуни ўзгариши билан ўйинчоқнинг роли ва болаларнинг унга нисбатан талаби ҳам ўзгариб боради.

Боғча ёшидаги болаларда ижодий ўйиннинг ривожланиб бориши. Уч ёшдаги болаларнинг ўйинлари янги тус олади: бола қўғирчоқни ва ўзини қишиларнинг номи билан атай бошлайди: масалан, бола машина ясаб уни бошқара бошлайди. Катталар ундан сен кимсан?- деб сўраса, “Ҳайдовчиман” деб жавоб беради. Ёки қизча қўғричоғига овқат пишираяпти. “Сен кимсан?”- деган саволга “Мен ошпазман” деб жавоб беради.

Болалар ўз ўйинларида секин-аста мураккаб бўлмаган сюжетли ўйинларни ўйнай бошлайдилар. Бунда асосан кундалик турмушда такрорланиб турадиган воқеалар акс этади. Болага овқат беришади, ухлашга ётқизишади, машинада тортишади. Яна овқат беришади ва ухлатишади. Ёки қўғричоқ касал бўлиб қолса, дарров унинг қўли, оёғи боғланади, ёлғондакам дори берилади.

Учинчи ёшнинг охирига келиб бола роль танлай бошлайди. “Мен ойисиман”, “Мен - врачман” лекин бўлар бирданига энага, тарбиячи, доктор бўлиб қолиши мумкин.

Бола тўрт ёшга ўтганда сюжетли-ролли ўйинлар анча ривожлана бошлайди. Ўйинлар мавзуи ҳар хил бўлиб, бойиб боради. Бу ёшдаги болалар ўз ўйинларида оила, МТМни, автобусда, трамвайда келаётган қишини акс эттирадилар.

Теварак-артофни кузатиш натижасида тасаввурлари кенаяди, бу уларнинг ўйин мазмунига таъсир этади: байрамлар, магазин, транспортнинг ҳар хил турларини акс эттира бошлайдилар. Аммо бу ёшда улар ҳаётдаги воқеалар ўртасидаги боғлиқликларни ҳали тушуниб етолмайдилар.

Бола беш ёшга қадам қўйганда ундаги кузатувчанлик таффақури ривожланганлиги, билим доираси кенгайганлиги сабабли ўйин мазмуни ҳам мураккаблашиб боради. Хаёлни ривожланиб бориши орқасида эртак ва ҳикоялар мазмуни бўйича мураккаб бўлмаган ўйинларни ўйншади.

Ўйин мазмуни билан бир қаторла болаларда ҳислар ҳам ривожланиб боради. Кундалик ҳаётга нисбатан болаларда ҳиссиёт юқори бўлади. Ўйин биринчидан, хурсандчилик билан ҳамоханг кечади. Иккинчидан, болалар катталарнинг ҳисларини ўз ўйинларида акс эттирадилар.

Катта мактабгача ёшдаги болаларда ижодий ўйин жуда ҳам яхши ривожланади. Бу ўйинларда болалар ўзлари эшитган, кўрган воқеалар, ҳикоялар, китоблар ва бошқа манбалардан олган билим, малакаларини, ҳис-хаяжонларини тўла қўллай бошлайдилар. Бу ёшдаги болалар ўйинларида берилган таълим-тарбиянинг натижаси яққол кўриниб, сезилиб туради.

Болалар ким билан ўйнаши тўғрисида ва ўйиннинг қандай бориши тўғрисида ўзаро келишиб оладилар. Ўйинлар узоқроқ давом этадиган бўлиб боради. Битта ўйинни узоқ вақт, ҳатто бир неча кун ўйнаш мумкин, бунда ҳар гал ўйинга янгилилик киритиб борилади.

Узоқ давом этадиган ўйинлар мактабгача ёшдаги болалар ўйинларининг юқори босқичи ҳисобланади.

Катта мактабгача ёшдаги болалар ўйинларига тўғри раҳбарлик қилиб борилса, уларнинг мустаҳкам жамоаси юзага келиб, у ўз анъанасига, ўз қоидасига эга бўлади. Болаларда биргаликда ижод қиилиш қобилияти ривожланади, улар ўртоқларининг фикри билан келишадиган, фикрига қулоқ соладиган бўлиб боради.

Болалар жамоасининг шаклланиши узоқ вақтни талаб этадиган мураккаб иш. Болалар ўртасида мураккаб муносабатлар юзага кела бошлайди.

Ҳар бир боланинг ўзига хос хусусияти яққол намоён бўлиб боради. Бунда болалар фаол ташқилотчи, ўзига ишонадиган ва аксинча, тортинчоқ, индамасларга бўлинади.

Фаол болалар ҳар доим ўйинни ўз хохишига қараб танлайди, қизиқарлироқ ролни талаб этади. Улар баъзан ўйинни бузишади, ўртоқларини хафа қилишади, аммо тарбиячининг таъсирига тез берилишади. Уларини ижобий хусусиятлари, соғлом қизиқишлари бўлади, тарбиячи мана шулар асосида уларнинг онги ва ҳиссига таъсир этади.

.

Ўйин мавзуси ўзгариши билан ўйинда қатнашувчиларнинг ҳам ўзаро муносабатлари ўзгариб боради. Кичкина болаларнинг ҳар бири ўз холича ўйнаса, кейинчалик 2-3 қиши бўлиб ўйнай бошлайди, ўрта мактабгача ёшга келганда ўйновчилар сони кўпайиб, ўртоқлик муносабатлари таркиб топа бошлайди, бундай муносабатлар ўйинга мавзу мазмун танлашда, роллар ва ўйинчоқларни тақсимлашда юзага келади.

Ўйиннинг тузилиши ва мазмуни ривожланиб бориши билан ўйинчоқнинг роли ва унга талаб ҳам ўзгариб боради. Кичкина болалар ўйинини кўпинча ўйинчоқ белгилайди. Битта ўйинчоқ бир нечта вазифани бажариши мумкин. Ўрта ва катта мактабгача ёшдаги болаларда ўйин тўғрисидаги фикр аввал туғилади. Кейин ўйнай бошлайди. Ўйинчоқ ўйин мазмунига қараб танланади.

**Болаларнинг ўйинларида тасвирлаш воситалари.**

Болаларнинг ўйнашлари учун маълум воситалар керак. Ролли ўйинларда болалар ҳар хил воситалардан фойдаланадилар, улардан асосийлари қуйидагилар: болаларнинг ўз ҳаракатлари; ўйинчоқ ва бошқа материаллар; сўз.

Болаларнинг асосий тасвирловчи воситалари ўзларининг ҳаракатидир. Масалан, бола икки оёғида сакраб қуёнчага тақлид қилади. Икки қўлини қимирлатиб, пишиллаб паровоз бўлади ва ҳ.к.

Болаларнинг кўп ҳаракатлари қуриш, ясаш билан боғлиқ бўлади, улар соатлаб паровоз, пароход, электровоз қурадилар, уларни ўзига ўхшатишга уринадилар. Кўпинча қуриш ўйиннинг бошланиши бўлиб хизмат қилади.

Тақлид воситасига ўйинчоқ ҳам киради. Ўйинчоқ бола ҳаракатини тўлдиради, ўйлаган образи ва фикрини амалга оширишга ёрдам беради.

Кийимлар ва уларининг қисмлари ҳам боланинг олган ролини яхшироқ бажаришга ва уни янада аниқроқ ижро этишга имкон туғдиради. Болалар ўйин жаранёнида баъзи бир нарсаларни хохлаган нарсалари номи билан атаб ҳам худди ўша хохлаган нарсаларини фараз қилиб жуда яхши ўйнайдилар, масалан, таомни “конфет”, қумни “шакар”, стулни “машина” деб аташлари мумкин.

Сўз ёрдамида болалар қандай ўйин ўйнашларини келишиб оладилар. Сўз ёрдамида бир-бири билан муомалада бўлиб, ўз фикрларини изҳор этишади. Сўз ҳар хил таассуротларни ифодалаш имконини беради. Болалар бу ҳамма воситалардан кўпинча бир вақтда фойдаланадилар.

Акс эттирувчи восита қанчалик кўп бўлса, ўйин мазмуни шунчалик бойроқ бўлади ҳамда теварак атрофдаги воқеалардан таассурот шунчалик тўлароқ акс эттирилади.

Ўйин мазмунининг ривожланиб бориши билан мураккаб жараён бўлган болалар жамоаси ҳам шакллана бошлайди. Ўйин болаларнинг мустақил фаолияти бўлгани учун унинг сюжетини болалар ўзлари ўйлаб топишади ва ўзлари ташқил этишади. Ўйинда болалар ўзларининг кичкина жамиятнинг аъзоси деб ҳисоблашади, ўзаро келишиб ҳаракат қилишга ўрганишади.

Ижтимоий тарбия олаётган шароитда ҳар бир бола ўйнаётган болалар жамоасига кира олиши, у ерда ўз ўрнини топа олиши ва шу жамоада ўрнашиб олиши лозим.

Тарбиячи илк ёшли болаларда уларнинг нарсалар билан ўйнай олиши, диққатини шунга тўплай олиш қобилиятини таркиб топтиради. Бу бошқа болалар билан ёнма-ён тинч ўйнай олиш малакасини шаклланишига ёрдам беради. Болалар биргаликда ўйнашга ўтганларида бир-бирлари билан маълум муносабат ўрнатишлари лозим бўлади. Худда мана шу муносабат жамоатчиликни шакллантиради. Бунга тарбиячи болаларни келишиб ўйнашга ўргатиш орқали эришади.

**Саҳналаштирилган ўйинлар.**

Саҳналаштирилган ўйинлар ижодий ўйинлар сарасига киради. Унга ижодий ўйиннинг қуйидаги асосий: ниятнинг мавжудлиги, роли ва мавжуд ҳаракатлар, ҳаёл қилинган вазиятнинг ва бошқа элементларнинг уйғунлиги, болаларнинг мустақиллик ва ўз-ўзини уюштира олиш жиҳатари хос. Саҳналаштирилган ўйин бадиий асар асосида қўрилади: ўйин сюжети, ролар, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, уларнинг нутқи асар матнига кўра белгиланади.

Саҳналаштирилган ўйин болаларнинг эшитган асар ёки эртакдан олган тасаввурларини мустақил ифодалаш ҳамда машқ қилиш имконини беради. Бу ўйинлар болаларда ирода, интизом, ўз ҳаракатларини бошқаларнинг ҳаракатига мувофиқ амалга ошириш каби сифатларни тарбиялашда самарали восита ҳисобланади. Саҳналаштириш болаларни қайта сўзлашга ўргатиш усулларидан биридир. Баъзи бир болаларда бадиий асарадан олинган парчани қайта сўзлаб беришга ҳоҳиш ҳам қизиқиш ҳам бўлмайди, аммо унга ўйин усули киртилиши билан бола асардаги ролга кириб, ўша асар мазмунини жуда яхши айтиб беришга ҳаракат қилади.

Бундай ўйинда бола ўзини ўша асардаги қахрамон ўрнида ҳис этиб, унинг сезги, кечинмалари дунёсига чуқурроқ кириб боради. Бадиий асарларни қаҳрамонлар тилида сўзлаб бериш боладаги хаёлни ривожлантиришга ёрдам беради ва асар қаҳрамонида мавжуд бўлган ижоюий сифатларни эгаллашга интилади. Саҳналаштирилган ўйинда бадиий асарнинг ғоявий мазмуни болалар томонидан чуқурроқ англаб олинади.

. Эртак ёки ҳикоядаги мазмун болаларга яқин, уларнинг ёши ва қизиқишига мос, тушунарли бўлиб, бола унга киришиб кетган тақдирдагина асардаги образ ва ҳаракатлар тўғри акс эттирилади. Шунинг учун у ёки бу бадиий асар бўйича саҳналаштирилган ўйин ўтказишдан олдин тарбиячи асарнинг мазмунини акс эттиришга ёрдам берадиган тайёргарлик ишини ўтказиши керак.

Бу иш олдиндан бир қатор машғулот ва ўйинлар ўтказиш орқали амалга оширилади. Саҳналаштирилган ўйинга тайёрланиш учун маълум бир вақт ажратилади ва ҳар бир машғулотда аниқ масалалар ҳал этиб борилади. Масалан, тарбиячи ҳазил шеър ўқиётиб жонли нутққа яқинлашади, болаларга сўзларни, товушларни қандай таллафуз этиш кераклигини тушинтиради. Қайтаришда эса тарбиячи болалардан сўзларни аниқ, баландроқ ёки паст, секинроқ ёки тез талафуз этишни талаб этади. Бу машқларда матнни эслаб қолиш учун ўтказиладиган ҳар бир машғулотда 5-6 дақиқадан вақт ажратилади. Болалар «Шолғом», «Бўғирсоқ», «Тулки, хўроз ва қуён» каби эртакни саҳналаштиришни жуда севадилар.

Эртак ва ҳикояларни болалар кўпинча ўзларининг ижодий ролли ўйинларида саҳналаштирадилар, бу ўйинларда тулки, сичқон, хўроз, қуён каби персонажларни ўйинларда акс эттирадилар. Ёзувчиларнинг бадиий асарларини ҳам болалар севиб саҳналаштирадиларБолалар билан суҳбатлаша туриб, тарбиячи ҳикоя ёки эртак қаҳрамонларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилади. Ҳар хил шеър, эртак қаҳрамонларининг ўзига хос хусусиятлари мана шундай ўрганилади. Саҳналаштириш ишини қуйдаги босқичлар бўйича ўтказиш мумкин:

1-босқич. Адабиётларни танлаш. Саҳналаштириш учун адабиёт танлаганда қуйдаги талабга риоя қилиш керак:

1. Эртак, ҳикоя ёки шеърда қатнашувчилар кўп бўлиши керак.
2. Асарда мазмун яхши бўлиб қолмасдан, ҳаракатларнинг хили ҳам кўп бўлиши керак..
3. Асар ифодали ўқишга мос келиши шарт.
4. Мазмуни қизиқарли бўлиши керак.
5. Асар болаларнинг ёшига мос келиши керак.

2-босқич. Саҳналаштириши учун танланган ҳикоя, шеър ёки эртакнинг мазмунини ўқиб бериш ёки қўғирчоқ, соя театирида кўрсатиш орқали таништирилади.

3-босқич. Эслаб қолиш. Асарни болалар эслаб қолишлари учун уни қайта ўқиб бериш, постановка кўрсатиш, расмлар номойиш этиш, дидактик ўйинлардан фойдаланилади.

4-босқич. Ўйин қизиқарли ўтиши ва узоқ давом этиши учун ўйинга керақли материаллар, кийимлар таёрлаб бериш ва шу билан бирга тўғри раҳбарлик қилиш керак. Бу ишни тарбиячи бажаради, катта гуруҳда эса тарбиячи ёрдамида у билан биргаликда болалар бажаришади. Тарбиячи бир қанча эртакка доир расмлар кўрсатади

Гуруҳда шу ёшли болаларга хос бўлган эртақлар, ҳикоялар уларга таниш бўлиб қолгандан кейингина саҳналаштириш бошланади. «Шолғом», «Бўғирсоқ» каби эртақлар саҳналаштирилади. Тайёрлов гуруҳида бу иш давом эттирилади. Саҳналаштириш учун эртақларгина олинмасдан, бадиий асарлар, хусусан шеърлар ҳам олинади. Саҳналаштириш ўйинларига гуруҳларига қараб ҳар хил раҳбарлак қилинади. Масалан, тарбиячи ўрта гуруҳ учун асосан ҳаракатни акс эттирувчи асарлар танлайди, катта гуруҳ болалари учун эса асар қаҳрамонларининг анча мураккаб муносабатлари, уларнинг кечинмалари, қайғулари акс эттирилган асарлар танланади.

Тарбиячи бажарилган ишнинг ҳисобини олиб боради. Болаларга қайси асар ёққанини, улар кўпроқ қайси асарни саҳналаштиришни ёқтиришларини, қайси бола топширилган ролни яхши ижро эта олганини, ролларни ижро этишда болаларда қандай қийинчиликлар вужудга келганини ёзиб боради. Мана шу асосда бўлғуси саҳналаштириладиган ўйинлар жонлантирилади.

**Қурилиш ўйинлари.**

Қурилиш ўйинлари ҳам ижодий ўйинлар сарасига киради. Уларда болалар атроф-муҳиттдаги буюмли дунё ҳақидаги таъсуротларини акс эттирадилар, мустақил тарзда турли нарсалар ясайдилар, бунёд этадилар.

Қуриш-ясаш ўйинларида бир хил буюмларнинг бошқалари билан алмашиниши юз беради. Кичик ва ўрта гуруҳ ёшидаги болаларда қурилиш ўйинлари роли ўйинлар билан боғланиб кетади.

Қурилиш ўйинлари самарали фаолият ҳисобланиб, болаларда бунёд этилган иншоотни мавжуд буюм ва нарсалар, иншоотнинг қурилишига асос бўлиб хизмат қилган тасаввур билан қиёслаш, таққослаш кўникмаларини шакллантиришга имкон беради. У болаларда кузатувчанликни ривожлантиришга ёрдам беради.

Қурилиш материаллари турли хилдаги геометрик шакллардан иборат. Болалар бу ҳар бир шаклнинг ўзига хос хусусиятларини яхши билиб олишлари лозим, акс холда ҳеч қандай қурилишни амалга ошириб бўлмайди.

Болалар қурган нарсалар амалий жиҳатдан яроқли бўлиши ва улардан ўйинда фойдаланиш учун конструкторлик малакасига эга бўлиш керак. Бундан болаларга қуришнинг асосий усуллариини ўргатиш зарурлиги келиб чиқади.

Қурилиш материаллари билан ўйналадиган ўйинларда болаларни техникага қизиқиши ортади, кузатувчанлиги ривожланади, улар геометрик жисимларнинг энг оддий хусусиятлари билан танишадилар.

Қурилиш ўйинлари болаларнинг меҳнат фаолиятига яқин бўлиб, уларни меҳнатга тайёрлайди. Қурилиш материаллари билан ўйналадиган ўйинлар болалар тафаккурини ривожлантиради: кузатилаётган иншооатларнинг ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиш, таҳлил ва синтез қилишга, солиштиришга, ўхшаш ва фарқ қиладиган томонларини аниқлашга мажбур этади, вазифаларни тўғри хал қилишга ўргатади.

Қурилиш материаллари билан ўйналадиган ўйинлар геометрик жисимларнинг хусусиятларини, улар билан ишлашни, фазовий нисбатларни (узоқ-яқин, баланд-паст, ўнг-чап, узун-қисқа, кенг-тор) амалда олиб боришга ёрдам беради. Бундай ўйин орқали болаларни мактабдаги политехника таълимига тайёрлаш вазифаси ҳам амалга оширилади.

Болалар қуриш-ясаш жараёнида бир жамоага бирлашадилар, натижада уларнинг нутқлари ривожланади. Қурилиш материаллари билан ўйнаш болаларнинг маънавий дунёсига ҳам таъсир этади: болалар билан бирон иншоатни кузата туриб, давлатимизнинг халқ фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик кўрсатаётганлигини тушунтиради. Қурилиш материаллари билан ўйнаш болаларда меҳнат севарлик, мустақиллик, ташаббусқорлик, ишга жавобгарликни хис этган холда муносабатда бўлиш ҳамда иродавий сифатларни тарбиялайди. Ўйиннинг қизиғи шундаки, у болаларга зўр завқ-шавқ бағишлайди.

Болаларни баъзи бир қурилиш иншоотлари билан таништириш орқали эстетик тарбия вазифалари ҳам амалга оширилади. Болаларда эстетик хиссиётни тарбиялаш учун фақат битган қурилиш иншоотини кузатиш етарли эмас, балки уларнинг қурилишни бориши, ишнинг ташкил этилишини кузатиш, бунда болаларнинг ўзларини қатнаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўйин учун шароит яратиш. Қурилиш материаллари билан ўйнашни ривожлантириш учун унга мувофиқ шарт-шароит яратиш зарур.

1. Қурилиш материаллари бутун гуруҳ болаларининг бир вақтда ўйнаши учун етарли бўлиши керак.

2. Гуруҳ хонасида қурилиш материалларини сақлайдилар, уни қурадиган ва бир неча кунгача сақлаб қолишнинг иложи бўлган жой бўлиши керак.

3. Қурилиш материаллари учун ҳар бир деталга алоҳида хоначалари бўлган ғилдиракли шкаф бўлгани яхши. Уни болалар хоҳлаган томонларига суриб олиб борадилар. Шкаф ичини тартибли сақлаш зарур.

4. Қурилиш материаллари сақланадиган бурчакда майда ўйинчоқлар, ўйинчоқли одамлар, қушчалар, ҳайвонлар, транспорт бўлиши мумкин.

5. Болаларнинг ўзлари ўйинчоқ ясашлари учун ҳар доим керакли материал бўлиши зарур.

6. Она ўлкамизни, унинг пойтахти Тошкентни, транспортнинг ҳар хил турларини тасвирловчи альбомлар, фотосуратлар бўлиши керак.

7. Қурилиш материалларидан барпо этилган иншоотлар намуналари тасвирланган альбом.

8. Қурилиш жараёнини, биноларнинг безатилишини болалар билан кузатиш керак.

9. Қурилиш усулларини ўргатиш лозим.

10. Қурилиш материалларидан ишланган буюмларни бир неча кунгача хатто ундан кўпроқ муддат сақлаш керак.

Қуриш-ясашга ўргатишнинг асосий усуллари. Болаларни қуриш-ясашга ургатиш учун тарбиячи турли хил усулларни қўллайди:

1. Тарбиячи ҳар бир ҳаракатни тушунтирган холда қуриб кўрсатади.

2. Тарбиячи бирон нарсани ўзи қуриб кўрсатади ва бунга кирган ҳар бир қисмни тахлил қилиб беради.

3. Тайёр қурилиш намуна сифатида кўрсатилади.

4. Қуриш-ясашнинг айрим қисмларини кўрсатади (томини ясашни, қандай ёпиш кераклигини, бирор детални қайсиниси билан алмаштириш мумкинлигини тушунтиради).

5. Тарбиячи атайлаб чала қуриб қўйилган қурилишни болаларга қуриб битказишни таклиф қилади.

6. Нима учун қуриш лозимлигини, унинг мавзусини айтади.

7. Ҳар ким хохлаган мавзуда қуришни таклиф қилади.

8. Тайёр қурилишни: у қандай қисмлардан иборат эканлигини, нималар, қандай деталлар ишлатилганини таҳлил қилиб беради.

Қуриш-ясаш усуллари болаларга машғулотларда ўргатилади.

Қуриш ўйинларига раҳбарлик. Болаларнинг қуриш материаллари билан ўйнайдиган ўйинларига раҳбарлик усуллари уларнинг ёшига боғлиқ. Кичик гуруҳда болалар унча мураккаб бўлмаган қурилишларни бажарадилар.

Улар учун стол устига куйиб ўйналадиган майда қурилиш материаллари зарур. Битта стол атрофида бирданига 6-8 бола ишлаши мумкин. Стол устини қурилиш материаллари эгаллаб олмасликлари учун столнинг у боши билан бу бошига пастгина скамейка ёки табуретка қўйилади. Болалар ўзларининг қурилиш материалларини яшиги билан қўуйиб қўядилар. Бу биринчидан, стол устига болаларнинг бемалол ишлашлари учун яхши, иккинчидан, болаларга яшиклардан керакли қурилиш материалларини олиш қулай. Боғча майдончасида ўйнаш учун куб, гула, цилиндрга ўхшаш алоҳида қурилиш материалларидан фойдаланинш зарур.

Худди шундай материаллар гуруҳ хонасида ҳам бўлиши керак. Йилнинг иккинчи ярмида бу материалларни машиналар қуриш учун квадрат, тўғри бурчак, ҳар хил ўртаси тешик думалоқ шаклдаги фанер парчалари билан тўлдириш лозим. Болаларнинг қурилиш материаллари билан ўйнашлари учун тик турдаги дарахтлар, ҳайвонлар, машиналар, қўғирчоқлар ҳам керак бўлади. Тарбиячи бу материаллардан нима қуриш мумкинлигини болаларга кўрсатади: қўғирчоққа стол, стул, кароват ясаш, улар учун боғ ва боғнинг ичига скамейкалар қўйиш, машинага гараж ясаш ва ҳоказо.

Болаларни қуриш материаллари билан ўйнашга қизиқтириш учун тарбиячи улар билан биргаликда ўйнайди ва бу материаллардан ҳамма болалар фойдаланишларини кузатиб туради. Йирик қурилиш материаллари билан гуруҳ хонасидаги гилам устида, ёзда эса боғча ховлисида қуриш мумкин.

МТМ майдончасида ёзда қум ва сув билан, қишда қор билан ўйнаш катта ўрин эгаллайди. Қум билан ўйнаш. Қум болаларнинг ёзда ўйнашлари учун яхши материал. Ҳар бир гуруҳ учун иккитадан қум яшиги бўлиши мақсадга муофиқдир. Шунда ҳамма болалар ўйнаш имкониятига эга бўладилар. Қумда ўйнаш учун турли хил ўйинчоқлар керак бўлади: қумдан ҳар хил шакл ясайдиган майда туника машиналар, резина ёки целлулоиддан ясалган одамчалар, ҳайвонлар шакли, пластилиндан ясалган қўғирчоқ мебели, қуриш-ясаш материаллари, уни безайдиган нарсалар: ҳар хил фанер тахтачалар (8\8, 10\10, 5\10, 4\10 см) ва ёғоч калтакчалар (10, 15, 20 см) ҳаммаси ҳар хил рангдаги мойли буёққа бўялган бўлиши керак. Шу материалларни болалар қумга ўрнатиб йўллар, ҳайвонлар учун сарой ва деворлар

қуришади. Қурган нарсаларини безаш учун кичкина байроқчалар керак бўлади. Қумни ковлаш учун болаларга кичкина ёғоч куракча берилади.

Баҳорда ва кузда (ер намлигида) болаларнинг қум ўйинлари махсус қирғоғи кўтарилган столларда ташкил этилади. Қум билан ўйнашда гигиеник қоидага риоя қилиш керак. Қум ҳар доим тоза ва нам бўлиши, болалар жазирама қуёш тагида ўйнамасликлари лозим.

Кичик болалар қум билан ўйнаганда олдига маълум мақсад қўймайди. Тарбиячи болаларни қизиқтириш учун ўзи «қуради» ва болаларга қуришни таклиф қилади. Масалан, қумни тўплаб атрофни текислашади, бир ёнини тешиб эшик очишади. Кейин бу уйчани ҳар хил рангдаги майда байроқчалар билан безашади, кейин шу уй олдига деворлар, боғлар қуришади, уйга қўғирчоқлар кўчиб келади. Ўйинни узгартириш учун ўйинчокларни вакти – вакти билан узгартириб туриш керак: машиналар учун гараж, хайвонлар учун хайвонот боғи ва бошкалар. Тарбиячи ўйинга кичик болаларнинг ҳаммасини жалб этиши керак.

Ўрта гуруҳда қум кичик гуруҳга нисбатан кўп тўкилади. Яшик олдига буферда ҳам ўйинчоклар учун жавонча бўлади. Бу ёшдаги болалар ўйиннинг мазмуни мураккаблашиб бориши учун тарбиячи ёрдам беради: қумдан нималар қуриш мумкинлигини кўрсатиб, болаларга кўмаклашади, уларнинг ўйинларида қатнашади.

Катта гуруҳ болалари қумдан катта иншоотлар қурадилар. Шунинг учун бу гуруҳ болаларининг қуми яшикда эмас, балки боғча майдончасининг бирон жойига анча кўп микдорда тўкилади. Бу болалар учун қумдан ташқари лой ҳам бўлиши керак. Ўйинга қўшимча материаллар: табиат материаллари, ип, ёғоч, фанер ва бошқалар ҳам зарур. Ўйнаб бўлгандан кейин буларнинг ҳаммаси махсус ажратилган жойга олиб бориб қўйиш керак. Болалар шаҳар кўчаларини, хўжалик даласи, ҳайвонот боғи, баланд биноларни қурадилар. Бунинг учун қумдан, лойдан ва табиат материалларидан фойдаланадилар.

Тарбиячи бу материаллардан қандай қуришни кўрсатиб беради.

Сув билан ўйнаш. Болалар сувни жуда яхши кўришади. Уларнинг сув билан ўйнашлари учун боғча ховлисида махсус сув хавзаси ташкил қилинади, гуруҳ хонасида эса оёқли қурилма устига ванна ўрнатилади. Сув билан ўйнаш учун целлулоиддан, резинадан ясалган ўйинчоклар: балиқчалар, ўрдакча, ғозча, ваннаси бор қўғирчоқча, қайиқчалар (ясалган ва сотиб олинган), сувда сузиб юрадиган нарсалар керак.

Кичик болаларнинг сув билан ўйнайдиган ўйинчоқлари оддий бўлиб, унда ўйинчоқларнинг сузишини томоша қиладилар. Болалар сув билан ўйнаб кичкина-кичкина сюжетни акс этирадилар: балиқ ва ўрдакчаларни овқатлантириб, қўғирчоқни ваннада чўмилтиришади, қайиқда йўловчиларни учиршади.

Ўрта ва катта гуруҳ болаларининг сув билан ўйини анча мураккаблашади. Улар дарёда пораходларни юргизишади, пораход тўхтайдиган бандаргохлар қуришади. Сузадиган ўйинчокларни ҳаракатга келтиришади. Сув билан ўйнаш натижасида болалар сувнинг хусусиятини, нималар чўкиб. Нималар сузишини билиб олишади. Сув билан ўйнаш жуда фойдали, шунинг учун болаларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб сув билан ўйнашлари учун имконият яратиб бериш керак.

Қор ўйинлари. қишда боғча майдончасида қор билан ўйнаш болалар учун энг қизиқарли фаолият тури ҳисобланади. Ҳар бир болада ёғоч белкуракча ва қорни ташиш учун яшикча билан чана бўлиши керак. Кичкина болалар катталар йиғиб қўйган қор уюмини ёғоч белкуракчалари билан ковлашади. Қорни тепага сочиб, уни тўкилишини кузатишади, яшикларга қор солиб, бошқа жойга ташишади ва ҳаказо.

***4Қоидали уйинлар. Дидактик ўйин турлари***

Ҳар бир халқда асрлар давомида катталарнинг болалар учун яратган ўйнлари ва болаларнинг ўзлари яратган баъзи ўйинлари мавжуд. Ҳар қайсиси ҳам авлоддан авлодга ўтиб келган ва халқ оғзаки ижодининг ўзига хос шаклига айланган. Қоидали ўйинлар МТМда талим-тарбия воситаси сифатида кенг қўлланилади. Қоидали ўйин таьлим билан бевосита богликдир.



Уларнинг ҳар бири бола шахсига таъсир кўрсатади, бироқ ўйиннинг у ёки бу турига мансуб дейиш унинг асосий тарбиявий таъсирига кўра аниқланади. Масалан: «Оқ теракми кўк терак, биздан сизга ким керак» ҳаракатли ўйинида болалардаги чаққонлик, зеҳнлилик, чидамлилик малакалари ривожланади.

**Дидактик ўйинлар.** Дидактик ўйинларнинг муҳим элементи қоидалар ҳисобланади. Қоидаларни бажариш ўйин мазмунини амалга оширишни таъминлайди. Дидактик ўйин таълим билан бевосита боғлиқ бўлиб, унга ёрдам беради.

Дидактик ўйин - бу мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш ва имкониятларига мос келадиган таълим бериш методидир.

Тажрибали тарбиячи бу ўйиндан пассив болаларни жамоага аралаштириш, ҳар хил режалар, вазифаларни қўрқмасдан бажаришлари учун фойдаланади.

Дидактик ўйинни амалга оширишда ҳар доим ғоявийлик принципига асосланиш керак. Дидактик ўйин тарбиячининг вазифа ҳамда мақсадларига муофиқ келиши лозим.

Дидактик ўйинлар болаларнинг биргаликда ўйнаб, ўз манфаатларини жамоа манфаатлари билан уйғунлаштира олиши, бир-бирига кўмақлашиш ва ўртоғининг муваффақиятидан хурсанд бўлиши каби яхши муносабатларнинг таркиб топишига ёрдам беради. Ўйинлар шахснинг софдиллик, ростгўйлик каби ижобий хислатлари шаклланишига имкон беради.

Дидактик ўйин болаларнинг амалий фаолияти ҳисобланади, чунки унда болалар машғулотларда олган билимларидан фойдаланадилар. Шу нуқтаи назардан қараганда, олган билимларидан ҳар хил усулда фойдаланишлари учун ҳаётий шароит яратиб беради.

Бундай ўйинларга кичик болалар учун «Рангига қараб топ», «Шаклига қараб топ» каби ўйинларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Катта гуруҳ болалари учун «Ишчилар нималар ва қандай ишларни билишади?», «Деҳқонлар нималарни етиштиради?», «Ким кўпроқ нарсаларнинг номини айта олади?» ва бошқа ўйинларни кўрсатиш мумкин.

Дидактик ўйинлар болаларнинг теварак-атроф ҳақидаги билимларини мустаҳкамлашга ёрдам беради, ўз шахсий тажрибалари ва машғулотларда олган билимларни амалда қўллай олишга ўрганади, улардаги фикрлаш қобилятларини, ижодий кучларни, сенсор жараённи ривожлантиради, олган билимларни тартибга солади.

Дидактик ўйинлар таълим жараёнини енгилроқ ва қизиқарлироқ қилади. Болалар ёшларига мос, қизиқарли фаолият орқали ўйинда амалга ошираладиган ақлий тарбия вазифасини жуда осон ва яхши ўзлаштирадилар.

Дидактик ўйин катталар томонидан болаларни ақлий ривожлантириш мақсадида яратилади. Унда ўйин элементлари қанча кўп бўлса, болаларга у шунча қувонч бағишлайди.

Дидактик ўйининг муҳим томони – уни ўтказишдан кўзда тутиладиган ғоядир. Ўйин ғояси болаларда ўйинга қизиқиш уйғотади, кўпинча бу ғоя дидактик ўйинни бошлашга сабабчи бўлади. Масалан, «Халтачада нима бор?», ёки «Ким қандай қичқиради» ва шунга ухшашлар.

Ҳар бир дидактик ўйинда ўйин мазмуни, ғоясидан келиб чиққан қоидалар бўлади. Унда қоиданинг мавжудлиги ҳаракат ўйналишини ёки ўйининг боришини белгилаб беради, болаларнинг хулқини, ўзаро бир-бирига бўлган муносабатини бошқариб, керак томонга ўйналтириб туради. Қоида болалар ҳаракатини баҳоловчи ўлчовдир.

Дидактик ўйинда амал қилинадиган қоидалар ўйин ҳаракатларининг тўғри нотўғрилигини аниқловчи ва уларга баҳо берувчи мезон ҳисобланади. Болаларнинг бирор болага нисбатан “У ўйин қоидасини бўзиб ўйнаяпти” дейишларининг ўзи уларнинг ўйин қоидаларига қандайдир ўзгартириб бўлмайдиган қонундек муносабатда бўлишларини кўрсатади.

Болаларнинг ўйин қоидаларини ўрганиб олишлари ва уларга риоя қилишлари, уларда мустақилликни, ўйин жараёнида ўзини-ўзи, ўзаро бир-бирини назорат қила билиш қобилиятини тарбиялашга ёрдам беради.

Ўйиннинг натижасини икки нуқтаи-назардан: болалар ва тарбиячи нуқтаи-назаридан баҳолаш лозим.

Агар ўйин натижасини болалар нуқтаи-назаридан баҳолаганда, унда бу ўйиндан болалар қандай маънавий ва аҳлоқий озуқа олганларини ҳисобга олиш лозим. Дидактик вазифаларни бажариш болалардан маълум даражада зўр беришни, яъни уларнинг ақлий фаолиятига талабни кучайтиради.

Болалар фаҳм фаросатлари, топоғонликлари, диққат ва хотираларини намойиш қиладилар. Булар ҳаммаси болаларнинг ўз кучига ишончини оширади. Қалбини хурсандчилик хисси билан тўлдиради, улар бундай маънавий қониқиш хосил қиладилар.

Дидактик ўйининг натижасини мухокама қиладиган тарбиячи қуйдагиларга эътибор бериши лозим: қўйилган мақсадга эришилдими, белгиланган ҳаракат бажарилдими, шу кўзланган нуқтаи назардан маълум натижаларга эришилдими ёки йўқми.

Юқорида келтирилган икки вазифа ҳам яхши бажарилса, яъни бир томондан, болаларда қизиқиш уйғота олса ва улар фаолиятини амалга оширишга интилсалар, иккинчи томондан, қўйилган ҳамма мақсад, вазифага эришилса, бундай ўйин яхши натижа беради, деб ҳисоблаш мумкин.

Ўйин қатнашчиларини рағбатлантириш, мақташ, яхши қатнашганлари учун етакчи ролни бериш, баъзан эса шу ўйинда фойдаланилган ўйинчоқни ўйнашга бериш ёки меваларни ейишга бериш мумкин, аммо болалар бундай мукофатларни оламан деб ҳар қандай йўл билан бу ишга интилишларига йўл қўймаслик керак.

Ўйин ҳаракатли болалар томонидан бажарилади. Ўйин ҳаракатлари хилма-хил ишларда: нарсаларнинг жойини алмаштириш, йиғиштириш, уларнинг рангига, катта кичиклигига, шаклига қараб бир-биридан ажратиш, танқидий ҳаракатлар ва ҳакозоларда номоён бўлади. Катта болаларнинг ўйин ҳаракатлари эса мураккаброқдир: бу ўйин ҳаракатлари бир гуруҳ болалар ҳаракати билан бошқа гуруҳ болалари ҳаракати ўртасида ўзаро боғланиш бўлишини, ҳаракатларнинг изчиллик ва навбати билан амалга оширилишини талаб этади.

Ўйин натижаси дидактик ўйининг муайян натижаси бўлади, натижа эса ўйиннинг финали ҳисобланади. Масалан. Топишмоқларни топиш, берилган ўйин топшириқларини бажариш, фаҳм-фаросатни номоён қилиш кабилар ўйин натижаси бўлиб бўлиб, уларни болалар эришилган муваффақият деб тушунадилар.

Ўйин мазмуни, ғояси, ҳаракатлари ва қоидалари ўзаро бир-бири билан боғланган бўлиб, хатто улардан бирортаси бўлмаса ҳам ўйинни ўтказиб бўлмайди.

Дидактик ўйининг ўйин фаолияти сифатидаги ўзига хос хусусияти шундан иборатки, тарбиячининг болалар билан ўзаро муносабатлари ўйин тарзида бўлади. Тарбиячи ўйин қатнашчиси ёки унинг ташқилотчиси бўлади. Болалар кўпинча ўйин мазмуни билан белгиланадиган ва ўйин ҳаракатлари талаб этадиган бирон-бир ролни бажарадилар. Масалан, "Магазин" ўйинида билиш мазмуни шундан иборатки.харидор болалар ўзлари сотиб оладиган нарсаларнинг белгиларини айтишлари, сотувчи болалар эса талаб қилинган нарсанинг нималигини ҳаридор айтган белгилар бўйича билиб олишлари керак. Ўйин кузатувчанликни машқ қилиш, нутқни равон қилиш учун хизмат қилади. Ўйин ҳаракатлари кузатишдан, буюмни ҳар томонлама кўриб чиқиш, уни тасвирлаш ва бошқа буюмлар билан таққослашдан иборат. Ўйин қоидалари ҳаридорнинг оладиган нарсасини танлаб олиш, сотувчига хушмуомила бўлиши, оладиган буюмни тасвирлаб бериши, уни ҳар томонлама кўриб чиқиш ва в бошқа буюмлар билан таққослаши, белгисини айтиш ва пул тўлашидан: сотувчиларнинг вазифаси эса ҳаридоралр гапирганда уларни зўр эътибор билан тинглаш, сўзларини бўлмаслик, сўраган буюмларни олиб, қоғозга ўраб беришдан иборат бўлади.

Кўпинча дидактик ўйинлар болаларнинг билимига бирон-бир янгилик киритмайди, аммо уларни ўз билимларини янги шароитда ишлата билишаг ўргатади ёки улар кичкинтойлардан ақлий фаолиятнинг турли-туман шаклларини номоён қилишга талаб этади. Масалан, "Ажойиб халтача" ўйинида болалар ўзларига таниш бўлган ўйинчоқни тасвирлаб бериш вазифаси юклатилади, бунинг учун эса бола ўйинчоқни бошдан – оёқ яхшилаб кўздан кечириш ва унинг ўзига хос бегиларини эслаб қолиши керак бўлади.

Дидактик ўйиннинг мазмуни ва турлари. Дидактик ўйиннинг мазмуни "МТМси таълим-тарбия дастури" да баён қилинган ва қуйдагиларни ўз ичига олади:

А)буюмлар. Уларнинг номи, ранги, шакли, хажми, сифати ва ишлатилиши тўғрисида билимлар бериш;

Б)меҳнатнинг ҳар хил тури ва унинг қишилар ҳаётидаги роли тўғрисидаги билимлар;

В) табиат воқеалари, нарсалар буюмлар, йил фасллари тўғрисидаги билимлар;

Г) дастлабки математик тушунчалар: сон, саноқ, катталик, шакл вақт ва фазовий тушунчалар бериш.

Дидактик ўйинлар уларнинг таълим тарбиявий вазифаси, мазмуни, турли болалар боғчасининг таълим-тарбия дастурида ҳар бир ёш гуруҳлар ажратиб берилган. Дастурда ҳар бир ёш гуруҳнинг ўзига хос руҳий физиологик хусусиятларини эътиборга олган холда дидактик ўйиннинг тутган ўрни ва вазифаси, мазмуни, ўтказиш услублари белгилаб берилган. Масалан, 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болалар билан ўтказиладиган дидактик ўйинлардан асосий мақсад- болаларни рангларни бир биридан фарвлаш ва номини айтишга ўргатиш, ҳар хил ўлчамлар (катта, кичик), шаклларни (шарча, кубча), билишга, кўриб ва эшитиб идрок этиш, диққатни, майда ҳаракатларни ўстиришга ёрдам беради. Масалан, "Жуфт карточкалар", "Катталар ва кичкиналар", "Қўғирчоқни сайрга олиб чиқиш учун кийинтирамиз", "Қўғирчоқни чўмилтирамиз", "Бу ниманинг овози?", "Халтачада нима бор?" ва шунга ўхшаш ўйинлар.

Бундан ташқари, шу гуруҳда болаларни мусиқа товушларини фарқ қилишга ўргатиш учун мусиқавий дидактик ўйинлар ҳам ўтказилади.

Иккинчи кичик гурухда эса дидактик ўйинлар қуйдаги мақсадларда зтказилади: болаларда дидактик ўйнчоқлар билан яккама якка ўйнаш кўникмасини ривожлантириш, жамоа ўйинлари ташқил этиш; нарсаларни фақат бир рангга қараб ажратиб олиш, катта кичиклигига қараб фарқлаш; халқачаларнр ва кубчаларни мунтазаам шаклда териб, улардан минорачалар ясаш; таниш буюмлар тасвирланган икки, тўрт бурчақли, олти бурчақли кесма расимлардан “Идиш товоқларимиз”, “Ўйинчоқлар” кабиларнинг тасвирини йиғиш; нарсаларни фарқлаш ва номини тўғри айтишга ўргатиш ва ҳоказо. Мусиқавий – дидактик ўйинларда эса мусиқа овозларининг баъзи бир хусусиятларини фарқ қилишга ўргатиш, қадам ва югуриш ритми (“Ким келаётир”, “Сичқонлар югуришаётир”) овоз ва чолғу асбоблари тембрларини (“Мусиқавий ўйинчоқни ўйлаб топ”, “Овозидан билиб ол” ажрата билишга ўргатиш вазифалари ҳам хал этилади.

Ўрта гурухда дидактик ўйинлар орқали болалар эшитиш, кўриш, сезиш аъзолари ёрдами билан турли нарсалар ва уларни ясаш учун ишлатиладиган материалнинг хоссаларини билиб олиш, нарсаларни ташқи кўринишига қараб бир-бирига таққослаш, гуруҳларга ажратишни ўргатиш вазифалари амалга оширилади.

Яна дидактик ўйин давомида болалар ўртага қуйилган масалани хал этишда сабр-матонатли бўлишга, қизиқувчанликка, диққат-этиборлиликка одатлантириб борилади. Мусиқавий-дидактик ўйинлар орқали товушларни диққат билан тинглаб, баланд-пастлигига, ритмига, тембрига, динамикасига қараб бир бирдан фарқ қила олишга ўргатиб борилади.

Катта гурухда дидактик ўйинлар қуйдаги вазифаларни хал этишни мақсад қилиб қўяди: кузатувчанлик, нарсаларни текшира билиш, бир бирига таққослай олиш, уларнинг белгиларидаги кичик фарқларни (ранги, шакли, катта-кичиклиги, матералларни сеза билиш, нарсаларнинг жойланишидаги ўзгаришларни) айтиб бера олиш каби сессор қобилятларни тарбиялаш; бирон хайвон, ўсимлик, траспорт тариф-тавсиф қилиб берилганда, уларнинг номини топа билиш малакасини ўстириш, болаларнинг умумий тасаввурини, буюмларни умумий белгиларига қараб гуруҳларга бўлиш қобилятини ривожлантириш, сўз фаоллигини фаоллаштириш ва тўлдириш; қисимлардан яхлит нарсалар (кубиклар, мозаика ва бошқалар)ясаш малакасини ўстириш.

Мусиқавий дидактик-ўйинлар орқали товушларни бир бирдан фарқ қилишни ўргатиш, ритмик усулни ажрата олиш, ашулалар ва чолғу асбоблари овозининг тембрини фарқ қилиш (“Ким куйлаяпти?” “Шиқилдоқли чилдирма”), овознинг динамикасини ажрата олиш (“тез, секин куйлаймиз”) учун фойдаланиш каби вазифалар амалага оширилади.

Мактабга таёрлов гурухда дидактик ўйинлар ҳамма ёш гуруҳларидаги каби алохида ўрин тутуади ва бу гурухда дидактик ўйинлар орқали қуйдаги таълим – тарбиявий вазифалар амалга оширилади: болаларда дидактик ўйинларга қизиқиш уйғотиш, ҳар бир нарсани билишга хавас, кузатувчанлик, диққат-этибор, зийрақлик, ақлий вазифаларни мустақил хал қилиш малакасини тарбиялаш. Уларга нарсаларни турқумларга бўлишда ёрдамлашувчи ўйинларни, домино, мозаиканинг ҳар хил турларини, шашка, сакровчи бирюлькаларни жумбоқ ўйинлар, оғзаки ўйинлар (“Денгиз тўлқилланмоқда”, “Қора ва оқ”), рангларни ва улардаги нозик айирмаларни бир-биридан фарқлашни ўргатадиган ўйинлар ўтказилади.

Мусиқавий-дидактик ўйинлар орқали эса болаларни товушларга диққат билан қулоқ солишга (“Товушларни такрорла”, “Икки металафонни галма-гал чалиш” вах.к) ритмик шаклни гавдалантириб беришга (“Ўз ритмингни ўйлаб ол”, “Болалар ва филчалар””), динамик фарқларни бир-биридан ажратишга (“Овчилар ва қуёнлар”) ўргатилади.




Дидактик ўйинда болалар ҳар доим ўзларини ўйнаётгандек ҳис этишлари керак.

Нарсалар билан ўтказиладиган дидактик ўйинлардан тарбиячи болаларни нарсалар, уларнинг хусусиятлари, ва бир-биридан фарқ қиладиган хусусиятлари билан, уларни ушлатиш усуллари билан таништириш воситаси сифатида фойдаланади.

Болаларнинг нарсалар, уларни сифати тўғрисида билимларни мустахкамлаш учун ҳар хил ўйинчоқлар, суратлар, уй-рўзғор буюмларидан фойдаланилади.

Ўйинчоқлар билан ўйналадиган ўйинлар. “Халтачада нима бор?” ўйиннинг мақсади ўйинчоқларинг номлари билан таништириш ва бу ўйинчоқлар тўғрисида билимларни мустахкамлаш, товушлар талаффўзини машқ ўилдиришдир. “Бу нима?” ўйинида болалар қўғирчоққа ҳар хил нарсалар ва уларни ишлатилиши тўғрисида гапириб берадилар. Бундай ўйин гурухда, боғча майдончасида, ухлаш хонасида ўтказилиши мумкин.

Дидактик ўйинларда тарбиячи болаларни фақат нарсаларнинг номи ва улар нимага керақлиги билан таништирибгина қомай, балки шу нарсаларнинг шакли, ранги, катта-кичиклиги, фазода тутган ўрни хақида ҳам таништиради.

Ҳар бир буюм ва ўйинчоқ ўзининг аниқ ташқи кўринишига эга бўлиши керак, ўйинда эса қўйилган мақсад нарсанинг асосий бегисини ажрата билишга имкон туғдириши лозим.

Бундай талабга халқ ўйинлари ўз шаклининги аниқлиги, рангининг тиниқлиги билан кўпроқ жавоб бера олади.

Болаларни ўйлашга, ақлий вазифаларни бажаришга ундайдиган ўйинлар ҳам катта аҳамиятга эга.

Болаларнинг ранг хақидаги тушунчаларини мустахкамлаш ва аниқлаш учун қуйдаги ўйинлар ўтказилади: шарларни рангига қараб тўплаш, “Думалоқни думалатиш”, халқачаларни ипга ўтказиш, “Шу рангдаги думалаоқни думалатиш”, “Кимда мана бу рангдаги халқача бор”, “Ким мана бу рангдаги халтачани топа олади” ва х.к..

Шакл, ранг придметларинг асосий белгисидир. Шакл тўғрисида тушунчаларни “Халтачада нима бор”, “Нима ўзгарди?”, “Ўйинчоқлар дўкони”, “Қўғирчоқни кийинтирамиз”, “Бу нима?” ва бошқа ўйинлар орқали аниқлаш ва мустахкамлаш мумкин.

Қўғирчоқ- болаларнинг энг севимли ўйинчоқларидан бири. Ҳар бир болалар боғчасида дидактик жихозланган ўйинчоқ бўлиши керак. Қўғирчоқ жихозларига кийим, ички кийим, поябзал, идиш-товоқ, мебель ўйинчоқлар киради.

Қўғирчоқ билан қуйдаги ўйинларни ўтказиш мумкин: “Қўғирчоқни кийинтирамиз”, “Қўғирчоқни сайрга отлантирамиз”, “Қўғирчоқни мехмон қиламиз”, “Қўғирчоқлар байрами”, “Қўғирчонинг туғилган куни”, “Қўғирчоқни ухлатамиз”.

Ўйинлар топишмоқлар билан қўшиб олиб борилганда қизиқарли ўтади. Масалан, “Қўғирчокни ухлатамиз” ўйинида қўғирчоққа кароват тайёрлаётганда тарбиячи “Узун , юмшоқ, йўл-йўл.....” (матрац), “Оқ, тоза, тўрт бурчак...” (ястиқ), “Пахтали иссиқ...” ёки “жунли иссиқ”(адёл) ва бошқа топишмоқларни айтиши мумкин. Қўғичоқнинг каровати тайёр бўлгандан кейин қўғирчоқни ётқизиб, “алла” айтади.

Мебелларнинг нимага ишлатилиши, ўйинчоқларнинг номини мустахкамлаш учун “Қўғирчоққа хона ясатамиз”, “Қўғирчоққа ўйинчоқ совға қиламиз” каби ўйинларни ўтказиш мумкин.

Тарбиячи болаларни нарсалар, уларнинг номлари, белги сифатлари, нимага ишлатилиши билан таништирибгина қолмай, муайян предметлар орқали уларни оддий турларга ажратишни ўргатиб боради; айиқ, қўғирчоқ , қуён-ўйинчоқлар; кастрюлка, тарелка, чойнак-идиш-товоқ.

Ўйинларни нарса ва буюмларни тасвирловси расмлар орқали ҳам ўтказиш мумкин. Бўларга “Бу нарса ўзи тўғрисида нима дейди?”, “Ким биринчи бўлиб айтиб беради?” (болаларни диққатини ривожлантиришга қаратилган қўғирчоқ, нарса ва уларнинг шакли, ранги тўғрисида), “Ким бўлади?” “Қайсиниси бир хил қайсиниси ҳар хил?” каби ўйинларни кўрсатса бўлади.

Болаларнинг табиат тўғрисидаги билимларини мустахкамлаш учун “Ҳидига қараб топ”, “Мазасига қараб топ”, “Ушлаб кўриб топ “!Ким нимани эшитяпти” каби ўйинларни ўтказиш мақсадга муофиқдир.

Кичик ёшдаги болалар билан сўзли ўйинлар ўтказилмайди

Катта ва таёрлов гурухларида дидактик ўйинлар ўзининг мазмун ва ғояси жихатидан анча мураккабдир. Бу ёшдаги болалар билан буюм ва расмлар билангина дидактик ўйинлар ўтказа қолмай, сўзли дидактик ўйинлар ҳам ўтказилади. Буюмлар ва расмлар билан ўтказиладиган дидактик ўйинларда болаларнинг нарсалар сифати, хусусияти, нимадан ясалгани, қаерда қилингани, нима учун керақлиги ва хакозолар тўғрисидаги билими аниқланади ҳамда мустахкамланади. Бундай ўйинлага қуйдагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:”Нима нимадан ясалган?”, “Гурух хонасига саёхат”, “Овозига қараб топ” ва бошқалар.

Умумлаштиришга ўргатиш бўйича турларга ажратишни ўргатувчи ўйинлар катта ўрин эгаллайди. “қайси фабрикада нима ишлар бажарилади?”, “Фабрикада нима иш қилинади, далада нима етиштирилади?”, “Кимга нима керак” “Ким нима билан ишлайди?”, “Қаерда ўсади?”, “Саёхат”(шаҳар бўлаб, далага мактабга ва ҳоказо), “Почта” ва бошқалар.

Болаларда дастлабки математик тасаввурларни ривожлантирувчи дидактик ўйинлар ҳам ўтказилади. Масалан, “Ким санашни билади?”, “Юрамиз, юрамиз-тўхтаймиз”, “Бизнинг кин”, “Йил фасллари” ва бошқалар.

Болаларни нутқини ривожлантириш учун қуйдаги ўйинларни ўтказиш мумкин: “Сўз қуш”, “Оркестр”, “Мана бу товушга сўз топ”, “Сўзлардан ҳикоя туз” ва х.к.

Юқорида санаб ўтилган жамоа ўйинларидир. Булар асосида яна бир қанча ўйинлар топиш мумкин.

Дидактик ўйинларга раҳбарлик. Бошқа ўйинлар сингари, дидактик ўйинларга ҳам тарбиячи раҳбарлик қилиши лозим. Биринчи навбатда дидиактик ўйинни ва унга керақли материални танлаш керак. Ҳамма гуруҳлар дидактик жихозларга, бўйи 40-50 см келадиган қўғирчоққа эга бўлиши лозим. Унинг жиҳозига қуйдагилар киради:

- ички кийим, кўйлак, иштон, резинка, узун пайпоқ;
- пахмоқ, сатин, шойи кўйлак, фартук, сўлакча;
- қишлик пальто, кузлик пальто;
- бош кийимлар: шапкача, панасма, қалқопча, шляпача;
- поябзал: туфли сандал, юмшоқ шиппак;
- ётадиган ва ошхонада ишлатиладиган нарсалар - кўрпа ёстиқ матрац, адёл, чойшаб, кўрпа жилди, ёстиқ жилди, сочиқ , дастурхон, сальфетка.

Бу ҳамма нарсалар ўзига мос рангда (қизил, пушти, тўқ қизил ва х.к.) ҳар хил сифатли газмолдан тиқилган ва номи ҳар хил бўлиши керак.

Қўғирчоқдан ташқари ҳар хил хайвонлар, қушлар, идиш-товоқлар, ва транспортни акс эттирувчи ўйинчоқлар ҳам бўлиши керак.

МТМда теварак-атроф билан таништириш дастурига муофиқ бир қанча расмлар туркуми бўлиши керак:

А) қишиларнинг полиздаги, уй шароитидаги меҳнатини акс эттирувчи, уларнинг меҳнатини енгиллатувчи машиналар расмлари;

Б) қишиларнинг турар жойларини акс этирувчи расмлар;

В) қишиларни сувда, қуриқликда, хавода олиб юрувчи воситаларнинг расмлари;

Г) уй жихозлари: идиш-товоқ, мебель, маданият буюмлари, безақли буюмлар, ўйинчоқлар;

Д) дастурхон, чойшаб, сочиқ, ёстиқ жилди, қишки, ёзги, баҳорги, кузги кўйлаклар, бош кийим, йил фаслларига қараб кийиладиган оёқ кийимлар;

Е) истеъмол моллари; сабзавотлар, мевалар, уй махсулотлари, ширинликлар;

Ж) уй ва ёввойи хайвонлар;

З) дарахтлар, буталар, гуллар ва бошқа ўсимликлар;

И) қушлар.

Бу расмлар аста-секин тўпланиб борилади. Улар йирик (15-20см) ва картон қоғозларга ёпиштирилган бўлиши керак.

Дидактик ўйинларда табиат материаллари ва оддий нарсалар ҳам ишлатилади.

Дидактик ўйинларга махсус ўрин ажратилиши ва болалар кун тартибидан маълум жой олиши керак. Дидактик ўйинларни машғулот билан боғлаб олиб боришни яхшилаб ўйлаб амалга ошириш лозим.

Бу ўйинлар машғулот ва ўйин соатларида ўтказилади. Уларни бутун гуруҳ болалари билан ҳам ўтказиш мумкин.

Ўйининг мазмуни ва ундан келиб чиқадиган натижа олдиндан яхшилаб, аниқ ўйлаб олинади. Ўйининг ғояси ўйин ҳаракатлари, қоидаси ва ўйининг бориши шунга боғлиқдир. Масалан, “Ким қандай қичқиради?” ўйинида ҳар хил вазифа қўйилиши мумкин:

1) болаларнинг хайвонлар товуши билиш-билмасликларини аниқлаб олиш;
2) хайвонлар хақида тушунча бериш;
3) болалар хайвонларни товушидан таниб оладими-йўқлигини билиш.

Бу ўйиндан болаларга товушларни талаффуз қилишни машқ қилдириш мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин.

Дидактик ўйинларда мажбурий қоидалар жуда кўп учрайди: навбат билан ҳаракат қилиш, фақат сўраганда жавоб бериш, ўртоғига қулоқ солиш, ўйнаганда бошқаларга халақит бермаслик, қоидани бажариш, ўз айибига иқрор бўлиш ва ҳаказо.

Дидактик ўйинларда болаларнинг ўзига хос ҳусусиятлари ҳисобга олинади. Бир хил болаларга қийин топишмоқ айтилса, бошқасига енгилроғи, осонроғи айтилади; ёмон гапирадиган болалар кўпроқ гапиришга жалб қилинади. Бунинг учун ўйинни ўтказишдан аввал ҳамма болаларни яхшилаб эслаб, ўйининг имкониятларини, ҳаракатларига қараб топишмоқ берилади, баъзи бир фаолроқ болаларга бошқаларни қизиқишини бўғмайдиган роль бириктирилади.

Дидактик ўйинга раҳбарлик қилишда ўйининг мақсад ва мазмунини белгилаш, ўйин ғоясини ўйлаб топиш, ўйин қоидаси ва асосий ҳаракатларни тушунтириш, болалар ўртасидаги муносабатни яхшилаш, тарбиявий таъсир орқали ўйинни боришга раҳбарлик қилиб бориш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Дидактик ўйинни болаларнинг берган саволлари, таклифлари ва ташаббусларига қараб, ўйин жараёнида кутилмаганда кенгайтириш, унинг мазмунини бойитиш мумкин. Ўйинни белгиланган вақтда бошлаш ва тугатиш катта махоратдир. Тарбиячи ўйин вақтини ўзининг тушинтиришини камайтириш ҳисобига сиқиштиради.

Ўйинни тарбиячи болаларда ўйинга қизиқиш уйғотган холда тугатиши керак, яъни болалар шу ўйинни яна давом эттиришни хохлаб қолсинлар. Тарбиячи шундай дейди: “Келгуси гал бундан ҳам яхшироқ ўйнаймиз”. Ёки “Янги ўйин бундан ҳам қизиқроқ бўлади”. Тарбиячи ўйининг янги вариантларини ишлаб чиқади.

Дидактик ўйинлар гуруҳ хонасида, залда, майдончада, ўрмонда, далада ва бошқа жойларда ўтказилиши мумкин. Бу ўйининг таъсирчанлигини, таассуротларнинг ҳар хиллигини, болаларнинг фаоллигини оширади. Шундай қилиб, дидактик ўйин мактабгача ёшдаги болаларга таълим бериш воситаси бўлиб, уни муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради.

***5. Бола тарбиясида ўйинчоқнинг аҳамияти***

Кўпчилик болалар ўйинлари хилма-хил ўйинчоқлардан фойдаланиш билан боғлиқ. Ўйинчок бола ҳаётининг йўлдоши, унинг қувонч манбаидир. У нафақат ўйин қуроли, балки болалар ўйинида шерик, ўртоқ, катталар қўлида эса тарбиянинг муҳим қуролларидан биридир. Ўйинчоқ ўйин яратишда иштирок этади, боланинг ўзига хос шериги сифатида намоён бўлади, унинг шахсига катта таъсир ўтказади. У болага шунчалик яқинки, бола ўз ўйинчоқларини севади, уларга боғланиб қолади, шу туфайли у ўзини атрофдаги ҳаётнинг тўлақонли аъзоси деб ҳисоблайди.

Тўғри танланган ўйинчоқлар болани ақлий ривожланишига ёрдам беради. Халқ педагогикасида ўйинчоқларнинг бутун бир системаси ишлаб чиқилган. Улар билан амалга ошириладиган ўйинлар боланинг сенсор қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган.

ъъЁшларнинг маънавий оламини боликдан бошлаб эзгу ғоялар асосида шакллантириш ва камол топтириш ҳақида гап борганда, муҳим бир масала ҳақида тўхталиб ўтиш ўринли деб ўйлайман. У ҳам бўлса, дунёга ҳайрат кўзи билан боқиб, ундан ўзгача маъно топишга интилаётган мурғак фарзандларимизнинг қизиқиши ва хиссиётларига мос қўғирчоқ ва ўйинчоқларни ишлаб чиқариш масаласидир.

Бир қараганда бу муаммо арзимас нарса бўлиб туюлиши мумкин. Лекин, ҳар қайси гўдак илк бор оламни ўз атрофидаги ўйинчоқлар орқали англашини инобатга оладиган бўлсак, уларнинг инсон тарбиясидаги ўрни беқиёс эканлиги аён бўлади.

Фарзандларимиз миллий хунармандчилигимиз асосида яратилган ўйинчоқларни ўйнашса, уларнинг тарбиясига ижобий таъсир этган бўлар эдикъъ деган фикрни И.А Каримов ъъЮксак маънавият-енгилмас кучъъ асарида таъкидлайди.(156 бет)  Дарҳақиқат гўдакнинг улғайиб  келажакда қандай йўлдан бориши  ўзининг хает тарзини қандай ахлоқий маънавий асосларга қуриши ҳам унинг боликда қандай ўйинчоқлар ўйнагани билан белгиланади Хар бир халқнинг ўйинчоғи ўзининг педагогик бадиий ва амалий анъанасига эгадир Ўйинчоқ ҳамма миллат халқларига хурмат ҳиссини тарбиялаши лозим. Ўйинчоққа қуйидаги талаблар қўйилади:




***Педагогик талаб.*** Ўйинчок образи ва мазмунининг бола тарбиясига мувофиқлиги, жамиятимиз ғояси нуктаи назарига мос келиши, ғоявий жиҳатдан қимматли бўлиши педагогик талабнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Ўйинчок болада олижаноб туйғуларни уйғотиши, бошқа миллат болалари билан дўстона муносабатларни тарбиялаш, воқеликка нисбатан олижаноб туйғулар уйғотиши, ижобий ахлоқий тажриба тўплашга ёрдам бериши лозим. Боланинг фаолликка бўлган интилишини қониқтириши ва уни уйғотиши керак. Образли ўйинчок реал ҳақиқатни ифода этади, буюм, унинг хусусиятлари ва ҳаётдаги аҳамиятини акс эттиради.

***Гигиеник талаблар***. Ўйинчок қандай материалдан ва рангдан тайёрланганлиги, боланинг ҳаётига ҳеч қандай хавф солмаслиги, яхши тозаланиши мумкинлиги асосий талаблардан ҳисобланади.

***Бадиий талаблар***. Шакл, буёқ ва безакларнинг ҳар томонлама уйғунлашуви, бир-бирини ранг ва шакл жиҳатдан тўлдириб, таъкидлаб, ўйинчоқнинг бадиий ифодалилигини оширади. Ўйинчокларнинг тузилиши ва безалиши болаларнинг турли ёш босқичларида идрок этиш хусусиятларига тўла мос келмоғи лозим.

Тўғри танланган ўйинчок - боланинг жисмоний, ахлоқий, ақлий ва бадиий-эстетик тарбияси ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Болани ақлий жиҳатдан тарбиялашда дидактик ўйинчокларнинг бутун бир тизими катта аҳамият касб этиб, сенсор ва нутқ ривожига таъсир этади, фикрлаш жараёнлари ва диққатини тарбиялайди, буюм ва унинг хусусиятларига, қурилишига бўлган қизиқиш шаклланади, билими, тушунчалари бойиб боради.

Ўйинчок болани қувонтиради, атрофдагиларга нисбатан ижобий муносабат ҳосил қилади, биргаликда ўйнаш туйғусини уйғотади ва ижобий ҳис-туйғуларни таркиб топтиради. Ахлоқий ҳис-туйғуларни шакллантиришда қўғирчоқ муҳим аҳамиятга эга. Миллий кўғирчок болаларни бошка миллатга мансуб бўлган тенгдошларига бўлган ижобий муносабатини тарбиялаш манбаларидан ҳисобланади. Санъатни биринчи ёрқин образли ва энг тушунарли буюми бўлган ўйинчок эстетик ҳислар ва кечинмаларни уйғотади, эстетик тарбияни тўплашга ёрдам беради ва бадиий дидни шакллантиради. Шу ўринда болаларга яқин ва тушунарли бўлган халқ ўйинчокларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўйинчок болаларни турли ранг-баранг ҳаракатларга ундайди ва боланинг фаол ҳаракатга бўлган эхтиёжини қондиради. Тезкор жавоб реакциясини, ҳаракатларнинг аниқлиги ва мувофиклаштиришини ривожлантиради.

Илк ёшдаги болаларга мўлжалланган кўп ўйинчоклар (шаклдоклар, резина коптокчалар, шаклчалар ва бошк.) болада кўриш ва эшитиш диққатини ривожлантиради, ушлаш ҳаракатлари ва буюмли ҳаракатларни ўстиришга ёрдам беради.




*Сюжетли-образли ўйинчоқлар* сюжетли-ролли ўйин учун фойдаланилади. У болаларда ижобий характер кирраларини, мулойимлик, ғамхўрлик, ёрдам беришга эхтиёж, шунингдек катталар меҳнатига ҳурмат ва тенгдошлари билан ўйнай олиш малакаларини тарбиялайди.

*Техника ўйинчоқлари* болаларда техникага ва техника асбобларига бўлган қизиқишни уйғотиб, уларни ўз ўйинларида қўллай олиш имконини яратади. Болаларга техникага бевосита алоқаси бор буюмнинг (машиналар, механизмлар, транспорт турлари, алоқа воситалари) ташқи кўриниши, образини ва унга хос ҳаракатларини таништирувчи техник ўйинчоқлар яқин туради.

*Қуриш-ясаш ўйинчоқлари* болалардаги қуриш-ясаш қобилиятларини ривожлантириди ҳамда ижодкорликка интилиш уйғотади. Бу ўйинчоқларни ўйнаш буюмнинг асосий вазифаларига тақлид қилиш имконини яратиши лозим. (автомобилда ғилдираклар ҳаракатланиши, эшик очилиши). Қурилиш материаллари билан ўйналадиган ўйинчоқларнинг асосий 2 тури мавжуд:

а) кублар, призмалар, конуслар, пирамида, цлиндрлар, пластинкалар, геометрик шакллар тўплами.

б) турли блок - девор, колонка, том, арк ва бошқа архитектура ва қурилиш материаллари. Майда (стол ўйинлари учун) ва йирик (полда ва майдончада) ўйнашга мўлжалланган бу қурилиш материалларининг ранги ҳар хил бўлиши мумкин.

*Дидактик ўйинчокларнинг* асосини халқ ўйинчоклари ташкил килади. Улар ўйнашда бола ўз-ўзини назорат қилади. Хилма-хил мозайкалар сенсор қобилиятларини ривожлантиради. Улардаги ўйин вазифаси нақшлар, расмларни танлаш ва жойлаштиришдан иборат.

*Ҳаракатли ўйинларга* мўлжалланган ўйинчоклар: сув, қум билан ўйналадиган ўйинчоқлар, коптоклар, арғамчилар, чамбараклар ва бошқалар. Уларнинг асосий вазифаси болаларни жисмоний жиҳатдан тарбиялашдир.

*Мусиқали ва театрлаштирилган ўйинчоклар* болаларнинг мусиқавий оҳанг ва ритмни эшита олиш қобилиятини ўстиришга ёрдам беради. Катта ёшдаги болалар эртакларни саҳналаштирадилар.

**Назорат учун саволлар:**

1. Ўйин фаолиятига таъриф беринг.
2. Ўйин турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беринг.
3. Болалар ўйинчоқларига қўйиладиган асосий талаблар нималардан иборат?
4. Мактабгача таълим тизимида ўйин технологиясининг мақсад ва вазифалари нимадан иборат?
5. Интерфаол ўйинларнинг ўзига хос томонлари нималардан иборат?

## 8-мавзу: Болани мактабга тайёрлашда мактабгача таълим муассасаси ва мактаб ҳамкорлиги

**Режа:**

1. Болаларни мактабга тайёрлаш вазифалари
2. МТМ билан мактаб алоқасининг шакллари
3. Мактабгача ёшидаги болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш таянч дастури.
4. Тайёрлов гуруҳи болаларини мактабда ўқишга тайёрлаш.

**Таянч тушунчалар:**

**Тизим –** бу ўзаро узвий боғлиқ таркибий ва ташкилий жиҳатдан бир бутун бўлган элементлар мажмуаси.

**Кўникма –** у шундай ақлий ва жисмоний ҳаракатлар, усуллар, ўриқлардан иборат бўлиб, у ёрдамида режалаштирилган мақсадга эришилади.

***1. Болаларни мактабга тайёрлаш вазифалари***

Мамлакатимизда мустақиллик йўлидаги илк қадамларданоқ жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олган сиёсий ва иқтисодий туб ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Таълим соҳасида жумладан унинг биринчи поғонаси ҳисобланмиш мактабгача таълим соҳасида ҳам катта ўзгаришлар қилинмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим муассасалари фаолиятини меъёрлаштирувчи «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тўғрисида»ги Низом, «Мактабгача ёшдаги болаларни таълим-тарбиясига қўйилган давлат талаблари» каби муҳим давлат ҳужжатлари қабул қилинди.

Ислоҳ этиш жараёнида болаларга таълим ва тарбия бериш вазифалари, мазмуни, шакл ва услублари, шунингдек педагогика фани тараққиётининг устивор йўналишлари қамраб олинмоқда.

Бугунги мактаб боласидан аниқ билимларгина эмас, фикрлаш кўникмаси, катталар ҳамда синфдош ўртоқларини тушуниш, улар билан ҳамкорлик қилиш талаб этилади. Шунинг учун боланинг мактабга қадам қўяётганида нечоғли билимга эга эканлиги эмас, балки унинг янги билимларни эгаллашга тайёрлиги, атроф оламга мослашиш кўникмаси, воқеа-ҳодисани мустақил равишда таҳлил этиши муҳимроқ ҳисобланади.

Болани бирор нарсага ўргатишгина эмас, унда ўз кучига ишончни орттириш, ўз ғоясини ҳимоя қилиш, мустақил равишда бир қарорга келиш кўникмасини шакллантириш ҳам муҳимдир.

«Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тўғрисида»ги Низомга мувофиқ бола мактабгача таълимни уйда ота-онанинг мустақил равишда таълим-тарбия бериши орқали ёки мактабгача таълим муассасаларида, шунингдек, мактабгача таълим муассасаларига жалб қилинмаган болалар учун мактабгача таълим муассасаларида, мактабларда, махаллаларда ташкил этилган махсус гуруҳлар ёки марказларда олади.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг мактаб таълимига ўтиши хамиша унинг ҳаёти, ахлоқи, қизиқиш ва муносабатларида жиддий ўзгаришларни юзага чиқаради. Шунинг учун мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасасида ёки оилада мактаб таълимига тайёрлаш, уни мураккаб бўлмаган билим, кўникма ва малакалар билан таништириш керак бўлади. Бундай таништирув мослашув даврининг жиддий қийинчиликларидан халос бўлишга ёрдам беради.

Шунга биноан, МТМси билан мактаб ўртасидаги боғлиқлик бир томондан, болаларни мактаб таълими талабларига жавоб берадиган даражада умумий ривожлантириб ва одобли қилиб тарбиялаган

ҳолда мактабга ўтказишни, иккинчи томондан, ўқитувчининг катта мактабгача ёшдаги болаларнинг эгаллаган билим, малака сифатларига ва тажрибаларига таяниб, улардан ўқув-тарбиявий жараёнда самарали фойдаланишни тақозо этади.

МТМси билан мактаб ўртасидаги узвий боғлиқлик катта мактабгача ёшдаги болалар ва мактабнинг бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия бериш шароитини якинлаштиришга ёрдам беради. Шундай иш тутилганда болаларнинг мактаб шароитига мослашиши анча енгиллик билан ўтади. Болалар мактаб шароитига табиий мослашиб кетадилар, бу эса ўз навбатида мактабда ўқишнинг биринчи кунидан бошлаб таълим-тарбия ишининг самарасини оширади.

Зеро, мактабгача таълим муассасаси ходимлари биринчи синфда болалар олдига қўйиладиган талабларни яхши билишлари, мактабга тайёрлов гуруҳидаги болаларни шунга мувофиқ равишда таълим олишга тайёрлашлари керак.

Мактаб билан МТМ ўртасидаги узвий алоқа мураккаб ва кўп томонлама тузилишга эга. Унда таълим-тарбиявий ишларнинг мазмуни, метод ва усуллари, ташкилий шакллари, шунингдек болаларни тарбиялаш шарт-шароитлари ва педагогик талаб каби етакчи томонларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш керак:

1.Мактаб талаби нуқтаи назаридан болалар билимларни чуқурроқ эгаллаб олишлари лозим.

2.МТМ нуқтаи назаридан болаларни мактаб талаби даражасидаги билим, малака, куникмалар билан қуроллантириш

3.Болаларнинг мактабга рухий тайёрлиги. Бу ерда вазифа болалар меҳнатнинг ҳар кандай турига тайёр туришлари, уларда ақлий меҳнат–билишга қизиқишни ўстиришнинг келажакдаги мустақил фаолиятга тайёрлашдан иборат.

4.МТМсида бериладиган таълим ривожлантирувчи тарзда бўлиши керак.

5.МТМси билан мактаб ўртасида изчил алоқа ўрнатиш.

Узвийлик МТМси ва мактабда шахсни ҳар томонлама шакллантириш бўйича олиб бориладиган таълим-тарбия ишини изчиллик билан амалга ошириш имкониятини яратади. МТМ мактабгача тарбия ёшидаги болаларда бошланғич синф таълими мақсад ва вазифаларига мос келадиган сифат жиҳатдан янги хусусиятларни шакллантиради.

Мактабгача таълим ёшидаги болалар эгаллаган хулқ-атвор шакллари, катталар ва тенгдошлари билан бўладиган ўзаро муносабат шакллари, ахлоқий хис-туйғу ва тасаввурлар мактабнинг бошланғич синфларида болаларга янги ахлоқий хулқ-атвор шаклларини уларнинг онгини, ҳис-туйғуларини тарбиялаш учун манба бўлиб хизмат қилади.

Мактаб болаларда ахлоқий тасаввурлар ва хулқ атворда бирлик бўлишини тарбиялаш, ўз хатти-ҳаракати учун шахсий жавобгарликни сеза билиш, жамоачилик хислатлари, сифат жиҳатдан янги бўлган хулк, атвор шаклларини таркиб топтириш учун шарт-шароит яратади. Мактабда ватанпарварлик, байналмилаллик, ўз ватани олдидаги бурчини чуқур англаш каби ҳис-туйғулар шаклланади. Бундай юксак ҳислар болаларнинг МТМда ота-оналарига, оиласига муҳаббат, катталарга ҳурмат, она табиатга меҳр ва шу каби ахлоқий хислари асосида шаклланади.

Мактабда болаларни эстетик томондан тарбиялаш бўйича изчил иш олиб борилади. Болалар мусиқа ва ашула дарсларида мусиқа асбоб-анжомлари билан танишадилар, ашула айтадилар, марш садолари остида юрадилар, ўйинга тушади санъат дарсида эса ўқвчилар чизмачилик ва расм солишни, наққошлик рангтасвир, манзарали-амалий санъат натюрмортни, портретни бир-биридан фарқлашни ўрганадилар. Ўқиш дарсида болалар адабий жанрлар билан таништирилади. Амалий машғулотларда уларнинг бадиий, ижодий қобилиятлари янада ривожлантирилади. Болаларда меҳнатсеварликни тарбиялаш, меҳнат ахлига ижобий муносабат, меҳнат малака ва кўникмаларини шакллантириш ишлари ҳам мактабда ўргатилиб борилади.

Мактаб билан МТМ ўртасидаги меҳнат тарбияси бўйича узвий боғлиқлик меҳнат тарбиясининг мазмунини мураккаблаштиришга, уни ижтимоий фойдали томонга қаратишга, болаларнинг меҳнатдаги мустақиллиги, ўз-ўзини ташкил эта билишга, ахлоқий муносабатларнинг онгли тус олишига олиб келади. Меҳнат фаолияти янада таркиб топа боради. Мактабдаги ҳамма ўқув-тарбиявий жараёнлар бола шахсини ҳар томонлама шакллантиришни ривожлантириш бўйича изчиллик асосида олиб борилади.

Мактаб билан МТМ ўртасидаги узвий алоқа асосини МТМ ва мактабда амалга ошириладиган таълим-тарбия ишлари мазмунини белгиловчи дастурлар ўртасидаги боғлиқлик ташкил этади.

Ҳозирги бошланғич синфлар дастури билан МТМ дастурини олиб солиштирадиган бўлсак, улар ўртасида бир қанча ўзаро боғлиқларни кўрамиз. Бу энг аввало дастурларда асос қилиб олинган принципларнинг умумийлиги билан белгиланади. Уларнинг мазмуни болаларни ҳар томонлама тарбиялаш мақсад ва вазифаларига мос келиш принципи, ҳаёт билан борлиқ, илмийлик принциплари, таълимнинг тарбияловчи ва ривожлантирувчи хусусиятга эгалиги ва фалсафий, руҳий нуқтаи назарларнинг бирлигида намоён бўлади.

Биринчи синф ўқув дастури айрим предметлар бўйича МТМ дастури билан солиштирилганда уларда умумийлик кўплигини кўрамиз. Масалан, МТМсида она тилига ўргатиш ва бошланғич синфлардаги она тили дарсига болалар нутқини ҳар томонлама ривожлантириш каби умумий ғоя асос қилиб олинади.

МТМсида бу иш болаларнинг луғатини бойитиш, товушларни тўғри талаффуз қилишга, ифодали ўқишга ўргатиш, боғланган нутқни шакллантириш орқали амалга оширилади. Мактабда эса болаларда мана шу МТМда эгаллаган билим, малака, тушунчаларга асосланиб, ёзма нутқ малакаси, орфографик хат малакаси шакллантирилади, уларга морфология ва синтаксис элементлари ўргатилади. Шу билан бир қаторда МТМда бошланган болалар луғатини бойитиш, нутқнинг ифодалилиги, боғланган нутқни ривожлантириш давом эттирилади.

МТМида ҳам, мактабда ҳам табиатшунослик тўғрисидаги билимлар организм билан муҳитнинг бирлиги тўғрисидаги умумий ғояга асосланган ҳолда олиб борилади. Шу асосда болаларга жонли ва жонсиз табиат, табиат ва кишилар ўртасидаги боғлиқлик тўғрисида билим ва тушунчалар берилади.

Бунда дастурлар мазмунида бирлик ўрнатишда мактабгача таълим ёшидаги болалар билан мактаб ёшидаги болаларнинг ёшлари, билимларидаги фарқ хусусиятлари эътиборга олиниши керак.

Мактабгача таълим ёшидаги болалар эгаллашлари лозим бўлган билим ва тушунчалар мазмунини теварак-атрофдаги ҳаёт тўғрисидаги тасаввурлар ва айрим оддий тушунчалар ташкил этади.

Бундай тасаввур ва тушунчаларнинг болалар томонидан эгаллаб олиниши, яъни болаларда ҳар хил сохалар бўйича ўзлаштирган умумий тасаввурлар системаси уларнинг келажакда умумий ривожланиши учун нихоятда зарур бўлиб, бусиз улар ҳозирги замон бошланғич синф таълимидаги керакли билимларни эгаллай олмайдилар.

Мактабда эса ўқувчиларнинг билими янги босқичга кўтарилади ва кенгаяди, шу билан бирга улар эгаллаётган билимларини назарий жиҳатдан англай бошлайдилар, илмий тушунчаларни шакллантириш мактабда олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишнинг марказига қўйилади. Мактабда билимлар асосини эгаллаш янада аниқроқ тусга кира боради.

МТМ билан мактаб ўртасидаги изчиллик таълимнинг шакл ва услубларида ҳам ўз аксини топади.

Таълим бериш услубларидаги изчилликнинг муҳим шарти болаларнинг билим, малака ва кўникмаларни онгли эгаллаб олишларига эришиш, боғчада ва мактабда уларнинг ақлий қобилиятларини ва ижодий фаолликларини ўстиришдир. МТМи ва мактабнинг бошланғич синфида қўлланиладиган жуда кўп усуллар бир хил бўлиб, улар болаларнинг ақлий, ахлоқий-иродавий ривожланишларини яхшилашга қаратилган, шу билан бирга уларнинг янги мазмундаги билимларни эгаллашга, амалий фаолиятга, билишга қизиқишини ошириб, ўқитувчи билан дарс жараёнида юзага келадиган муносабатларнинг мураккаброқ шаклларини эгаллаб олишларга ёрдам беради.

Тарбиячининг машрғулотлар жараёнида болаларнинг амалий фаолиятларига, билиш жараёнига бундай рахбарлик қилиши мактаб ва МТМ ўртасидаги таълим усулидаги изчилликнинг асосини ташкил этади.

Мактабдаги дарс, МТМидаги машғулот бир мунча ўзига хос хусусиятларга эга, шу билан бирга таълимнинг ташкилий асосда олиб борилишида эса умумийлик сезилиб туради. Машғулот ва дарсларнинг мазмуни аниқ дастур асосида олиб борилиши, аниқ белгиланган вақт ажратилиши, педагогнинг раҳбарлик роли, таълимнинг илмий асосланган метод ва усулларидан фойдаланиш, таълим бериш жараёнида болаларда ўқув фаолияти элементлари, ўз хулқини ихтиёрий бошқариш қобилияти, маълум мақсадга қаратилган ақлий иш билан шуғлланиш қобилияти тарбиялаб борилади. Булар ҳаммаси болани мактаб таълимига фаол киришиб кетишга тайёрлайди.

Шундай қилиб, МТМлари билан мактаб ўртасида таълим-тарбия ишидаги изчиллик бола шахсини аниқ мақсад билан ҳар томонлама ривожлантириб бориш имконини яратади.

### *2.Мактабгача таьлим муассасаси билан мактаб алоқасининг шакллари*

Мактабгача таълим муассасаси ва мактаб ўртасидаги алоқа икки йўналишда олиб борилади:

1. Мактабгача таълим муассасаси билан мактабнинг педагоглар жамоаси ўртасидаги алоқа.
2. Мактабгача таълим муассасаси болалари ва бошланғич синф ўқувчиларини бир-бирларига яқинлаштириш.

Тарбиячилар бошланғич синфда олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишнинг мазмуни, ўзига хос томонлари билан танишадилар, натижада МТМда болани мактаб талаби даражасида тайёрлаш истиқболлари белгилаб олинади.

Мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари катта ва тайёрлов гуруҳлари олиб бориладиган ишлар мазмуни билан танишиб борадилар ва мактабда таълим беришда болалар эгаллаган билим, малака ва кўникмаларга асосланадилар.

МТМ билан мактаб педагогларининг ўзаро алоқа ўрнатишларидан кўзланган асосий мақсад болаларни замон талабига жавоб берадиган даражада мактаб таълимига тайёрлаш учун ўқув тарбиявий ишлар бўйича мактаб билан мактабгача таълим муассасаси ўртасида мустахкам алоқа ўрнатиш, болаларнинг мактабда муваффақиятли ўқиб кетишлари учун МТМси ва мактабда олиб борилаётган таълим-тарбиявий ишларни чуқур таҳлил қилиб, бу соҳада юқори натижаларга эришишдир.

Мактабгача таълим муассасаси билан мактаб ўртасидаги алоқанинг мазмуни ва шакллари юқоридаги вазифаларга қараб белгиланади.

МТМси билан мактаб педагогик ташвиқот, методик ва амалий масалалар юзасидан бир-бири билан алоқа боғлайди. Педагогик ташвиқот ишлари МТМси мактабга тайёрлов гуруҳи тарбиячисининг ва биринчи синф ўқитувчисини МТМнинг мактабга тайёрлов гуруҳида ва биринчи синфда олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишлар вазифаси билан таништиришни, мактабга тайёрлов гуруҳи ва 1 синф дастури мазмунини, тайёрлов гуруҳи болалари ва мактабдаги 1 синф ўқувчиларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишни тақозо этади. Мана шундай усулда иш олиб борилганда ўқитувчи ва тарбиячилар мактабни 1 синф ва МТМни тайёрлов гуруҳидаги болаларга хос бўлган ёш хусусиятларини, уларнинг руҳий табиатини, ақлий ва ижтимоий ривожлантиршларини тушуниб, уларни мактабга тайёрлов масалаларини яхшироқ англаб олишларида ёрдам беради.

Бу мақсадни амалга оширишда мактабгача таълим муассасаси билан мактаб ўртасида қуйидагича конкрет алоқа шакллари ўрнатилади: ўқитувчи ва тарбиячилар болаларни мактабга тайёрлаш ва узвийлик масалалари бўйича, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича биргаликда ўтказиладиган тадбирларнинг мослигини муҳокама қилиш учун семинар, педагогик кенгашларда қатнашиш, шунингдек болаларнинг ёш хусусиятларини, уларнинг МТМдан мактабга ўтишларидаги руҳий қийинчиликлар, мактаб шароитига қийналмай мослашишларига ёрдам берувчи омиллар бўйича тарбиячи ва ўқитувчилар томонидан тайёрланган лекциялар орқали тажриба алмашув ва бошқалар киради.

Мактабгача таълим муассасаси билан мактаб ўртасидаги узвий алоқанинг педагогик вазифаси МТМнинг тайёрлов гуруҳида ва мактабнинг 1 синфида олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишларни амалга оширадиган фаолият шакллари ва усуллари билан ўзаро танишишни тақозо этади.

Бу масалада МТМнинг тайёрлов гуруҳи тарбиячилари мактабнинг 1 синфида олиб борилаётган дарсларни кузатадилар ва дарс, машғулотлардан кейин биргаликда йиғилишиб уни муҳокама қиладилар, айрим методикалар бўйича семинар – практикумларда қатнашадилар: илғор тажрибалар билан ўртоқлашиш, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича ёки 1 синфда болаларга билим бериш бўйича педагогик кенгашларни ўтказадилар. Юқорида келтирилган ҳамма иш шакллари ва мазмумнини амалга оширишдан асосий мақсад илгари сурилаётган масалани ҳар томонлама таҳлил қилиш, уни ҳал этишда учрайдиган камчиликларни аниқлаш, болалар боғчаси ва мактабда олиб бориладиган таълим-тарбия ишларини янада такомиллаштириш бўйича аниқ тавсия ва таклифларни ишлаб чиқишдир.

Мактабгача таълим муассасаси билан мактаб ўртасидаги алоқанинг амалий вазифаси, шундан иборатки, бир томондан, ўқитувчи МТМнинг тайёрлов гуруҳига бориб ўзининг бўлажак ўқитувчилари билан танишиб боради, иккинчи томондан тайёрлов гуруҳи тарбиячилари ўзларининг собиқ тарбияланувчилари биринчи синфда қандай ўқиётганини ўрганиб борадилар. Болаларни мактабга кузатишда ҳар бир болага аниқ тавсифнома берилади.

Бу тавсифномада тарбиячи ҳар бир боланинг ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларни очиб беради, бу ўқитувчига бола билан муносабатда бўлганда педагогик нуқтаи назардан тўғри ёндашишда ёрдам беради. Тарбиячи ҳам ўз навбатида 1 синфга борган болалари билан изчил равишда алоқа боғлаб боради, дарсларда бевосита қатнашиб қандай ўқиётганлари, хулқи, ўқишдаги муваффақиятсизликлари сабабини ўқитувчидан сўраш орқали ҳам аниқлаб боради. Булар ҳаммаси тарбиячини болалар билан олиб борган таълим тарбиявий ишидаги ютуқ ва камчиликларни билиб олишга имкон яратади.

Тарбиячи ва ўқитувчилар илғор тажрибаларни тарқатиш, ташвиқот, тарғибот қилиш мақсадида шаҳар, район конференцияларида қатнашиб фикр алмашадилар.

Мактабгача таълим муассасаси билан мактаб ўртасидаги узвий алоқа самарали бўлиши учун қуйидаги шартларга риоя қилиш лозим. МТМ билан мактаб ўртасидаги алоқа изчил амалга ошириб борилиши, у узоқ муддатга мўлжалланган бўлиши, амалга ошириладиган ишлар, ҳал этиладиган масалалар режали тусда бўлиши зарур.

Ҳамкорлик асосини биргаликда ишлаш бўйича тузилган истиқбол режаси ташкил этиб, унда ўзаро алоқанинг бош вазифаси, мазмуни, иш шакллари, вақти, бажариш учун жавобгар шахслар кўрсатилиши лозим.

Мактаб билан МТМ йил давомида мана шундай алоқа ўрнатиб бориши натижасида таълим-тарбиявий ишлар яхши натижа беради.

Болаларни мактаб ўқувчиларига яқинлаштириш шакллари ҳам хилма-хил: мактабга экскурсия уюштириш, мактаб музейига, синф хонасига, кутубхона, устахонага бориш, биргаликдаги машғулотлар, байрам эрталиклари, мусиқа-бадиий кечалар ўтказиш, расмлар ҳамда лой пластилиндан ясалган ўйинчоқлар кўргазмасини ташкил этиш ва бошқалардир.

Режалар аниқ, мазмунли бўлса ва оғишмай амалга ошириб борилса, биргаликдаги ишлар бўйича исталган натижаларга, муваффақиятларга эришиш мумкин. Бу эса болаларни мактаб таълимига тайёрлашда, уларнинг мактабда қийналмай ўқиб кетишларида яхши самаралар беради.

### *3. Мактабгача ёшидаги болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш таянч дастури*

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим-тарбия беришнинг мақсади ёш авлодни истиқлол мафкураси асосида соғлом, ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида тарбиялаш ва уларни мактабгача ёшдаги болалар таълим тарбиясига қўйилган давлат талабларига мувофиқ мактаб таълимига тайёрлашдан иборат.

Мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш жараёни олдига қўйилган мақсад ва вазифаларини бажаришига эришиш. «Учинчи минг йилликнинг боласи» таянч дастури асосида амалга оширилади.

«Учинчи минг йилликнинг боласи» дастури мактабгача таълим билан шуғулланадиган барча муассасалар учун бажарилиши зарур бўлган таянч дастури бўлиб ҳисобланади.

Дастур мактабгача тарбия назаряси ва амалиёти ривожлантиришдаги ҳамма янгиликларни мужассамлаштириб мазкур ёш босқичининг инсон жисмоний ва маънавий ривожланишдаги ғоят катта аҳамиятни ишончли равишда кўрсатиб беради.

Мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг бошланғич босқичи ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўғрисидаги Қонун талаблари асосида ташкил этилади.

Мактабгача таълим соғлом ҳар томонлама етук болаларни тарбиялаш учун зарур ташкилий, услубий, психологик, педагогик шарт-шароит яратади, болаларни мактабда мунтазам равишда таълим олишга тайёрлаш ота-оналарга ёрдам беради. Сўнги йилларда мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, таълим-тарбия мазмуни шакли восита ва методларини янгилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Давлат ва жамият мактабгача ёшда бўлган болалрни ягона талаб асосида ривожлантириш вазифасини қўйди. Мактабгача ёшдаги болаларга қўйиладиган давлат талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5 сон қарори билан тасдиқлаган. «Давлат таълим станданртлари ҳақидаги низом»га мувофиқ белгиланади. Давлат талабларида мактабгача ёшдаги болаларга бериладиган таълим тарбия мазмунининг асосий ўйналишлари ҳамда уларнинг мактабга тайёргарлик даражасига қўйиладиган минемал талаблар белгилаб берилган бўлиб, у давлат ҳужжати сифатида эътироф этилади ва барча таълим муассасалари учун мажбурийдир. Ўзбекистон Республикаси мактабгача ёшдаги болалар таълим тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари қуйидаги бўлимлардан иборат:

*1-бўлим*. Мактабгача ёшдаги болаларга бериладиган таълим тарбиянинг мақсад ва вазифалари.

*2-бўлим*. Таълим тарбиянинг асосий йўналишлари. Бу бўлим ўз навбатида қуйидаги қисмлардан иборат. 1) болаларни жисмоний ривожлантириш. 2) болаларни нутқ ва тафаккурини ривожлантириш. 3) маънавий ва маданий етуклик.

*3-бўлим*. Болаларни мактабга тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар. Бу бўлимни қисмлари. 1) жисмоний ривожланганлик даражаси

2) нутқ ва тафаккурни ривожланганлик даражаси 3) маънавий ва маданий етуклик.

*4-бўлим*. Давлат талабларини амалиётга жорий этиш.

Мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш жараёни олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни бажарилиши ушбу «Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари» орқали назорат қилиниди.

Лекин бу жараён мураккаб бўлганлиги учун у босқичма босқич амалга оширилади. Талабларда берилган кўрсаткичга эришиш учун давлат томонидан зарурий шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилади.

Болаларни билим, кўникма ва малакалари ҳар ўқув йили якунида назорат машғулотлар орқали текширилиб борилади.

6-7 ёшдаги болаларнинг мактабга тайёргарлик даражаси ушбу давлат талаблари кўрсаткичлари асосида текширилади.

Юқорида кўрсатилган давлат талабларига таянган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларга интеграл тарзда таълим-тарбия бериш мақсадида, яни у ўз ичига барча таълим-тарбия йўналишларини мужассамалаштирилган таянч дастури яратилди. Дастур педагогика ва психология фанининг сўнги

ютуқларига асосланиб яратилган. «Учинчи минг йилликнинг боласи» дастури мактабгача таълим билан шуғулланадиган барча муассасалар учун бажарилишга зарур бўлган таянч дастури бўлиб ҳисобланади.

5. ***Тайёрлов гуруҳи болаларини мактабда ўқишга тайёрлаш***

Болаларни мактабда ўқишга тайёрлаш ҳозирги мактабгача таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнининг бутун системаси орқали амалга оширилади. Тайёрлов гуруҳи болаларини мактабда ўқишга тайёрлаш муҳим ўринни эгаллайди. У мактабгача болаликни якунлайди ва мактабда ўқишга ўтувчи босқич ҳисобланади. Айни шу даврда болалар хулқ-атвори, фаолиятида уларнинг ақлий, маънавий-иродавий ва кўтаринки соҳаларига алоқадор кейинги ўқитишлар учун муҳим бўлган хусусиятлар фаол шаклланиб боради.

Тайёрлов гуруҳи тарбиячисининг асосий эътибори барча болаларнинг мактабгача таълим дастурида назарда тутилган мазмунни тўлиқ эгаллаб олишларига қаратилади, чунки бу мактаб таълимига тўлақонли тайёрлашнинг мажбурий шарти ҳисобланади. Болаларни мактабга тайёрлаш вазифаларидан келиб чиқувчи катта  гуруҳлардаги педагогик жараён ўзига хосдир. Бу ўзига хослик мактабнинг таълим-тарбия ишларидан нусха кўчиришгина эмас, балки болаларнинг уларда мактабда муваффақиятли ўқитиш учун зарур бўладиган сифатларни оғишмай шакллантиришга йўлланган фаолият ва хулқ-атворларини махсус ташкил этилишидадир.

Тайёрлов гуруҳига келганда боланинг ҳар хил фаолиятларида: ўз-ўзига хизмат қилишда, навбатчиликда, табиат қўйнидаги меҳнатида мустақил намоён бўла бошлайди. Боладаги мустақиллик ва ташкилотчилик қобилияти тарбиячининг бевосита раҳбарлигида уларнинг ҳамма фаолиятларида шакллантирилиб борилади.

Жисмоний тарбия дастурини бажариш умумий вазифаларни амалга ошириш билан бир қаторда, болаларда эрталабки бадантарбия ва жисмоний машғулотларни бажонидил бажариш, ўз ҳаракатларини такомиллаштиришга хоҳиш тарбияланади. Шунинг учун боланинг жисмоний, ақлий фаоллигини ва иш қобилиятини ўстирувчи ҳаракат фаоллигини ривожлантириш керак.

Бу гуруҳдаги болаларни жисмоний машқларнинг спорт турига (сузиш ва шунга ўхшаш) жалб қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Болаларнинг асосий ҳаракатини ўстирувчи, жамоатчиликни, жавобгарлик ҳис этишни, чидамлиликни, мустақилликни, уюшқоқликни тарбияловчи ҳаракатли ўйинлар кун тартибидаги катта ўрин эгаллпайди. Ҳаракатли ўйинларни бошқа машқлар билан алмаштириб бориш ҳамма ҳаракатларни ривожлантиришнинг асосий шартидир.

Тўғри ташкил этилган сайр болаларнинг жисмоний ривожланишида муҳим ўрин тутади.

Тарбиячи болаларнинг нормал ухлаши ва овқатланишини таъминлаш бўйича ғамхўрлик қилиб боради.

Таълимнинг тарбияловчи ва ривожлантирувчи хусусияти ҳозирги замон таълимига хос принципдир. Бу болалардаги билимга қизиқиш ва билиш жарёнларини ривожлантиради. Бунинг учун болаларга бериладиган билим, малака, кўникмалар маълум изчиллик билан такомиллаштирилиб борилади. Натижада болалар катталарнинг кўрсатмаси ва намунаси бўйича иш-ҳаракатларни бажаришга, олдин эгаллаган билимларини янги фаолиятда қўллашга, ўзининг хулқи, иши, ҳатти-ҳаракатини назорат қилиш ва тўғри баҳолашга ўрганиб борадилар.

Болаларда топшириққа онгли муносабат шаклланади. Тарбиячининг тушунтириш ва кўрсатмаларини диққат билан тинглаш, ўз ишида яхши натижага интилиши, маълум тезлик ва изчилликда диққат билан ишлаш малакаси шаклланади, иш қобилияти ортади.

Тарбиячи машғулот пайтида ҳар бир боланинг диққати, тафаккури, хотираси, билим ва малака даражасидаги ўзига хос хусусиятларни эътиборга олади.

Таълим жараёнига алоҳида ёндошиш ақлий вазифаларни, уларни бажариш усулларини мураккаблаштириб боришни секин-аста амалга оширишни тақозо этади. Масалан, бола бирор нарсани ўзича ҳикоя қилиб бера олмаса, тарбиячи унга мавзуга доир режа беради, кейинчалик ишни мустақил бажаришни топширади. Алоҳида ёндошиш орқали тортинчоқ, суст болалар фаоллаштириб борилади, материални яхши ўзллаштирадиган болаларга топшириқ мураккаблаштирилади.

Мактабга тайёрлов гуруҳида қўшлланиладиган методларнинг ўзига хос томони бор. Кўргазмали методлар бу ерда фақат ҳаракат усулида ишлатилмай, шу билан бирга болаларнинг фикрлаш фаолиятини фаоллаштириш учун ҳам қўлланилади. Масалан, манзарали расм чизиш машҳғулотида намунани кўрсатишдан машғулотнинг бошида хотирани, хаёл образини жонлантириш учун фойдаланилади, машуғлотнинг охирида эса ўзининг бажарган ишини, расмни тўғри бажарганини текшириш учун намуна билан таққослиб кўриш мақсадида фойдаланилади.

Билимларни болалар пухта ўзлаштириб олшилари, таълим жараёнини фаоллаштириш мақсадида амалий ва ўйин методларини кўргазмали метод билан тўғри қўшиб олиб боришда оғзаки метод катта аҳамиятга эга. Ўйин методлари, айниқса дидактик ўйинлар методи ҳам ўз аҳамиятини йўқомайди.

Чунки таълим ўйинлар, айниқса дидактик ўйинлар орқали олиб борилган болалар ўқув вазифасини яхшироқ англаб оладилар, бу улардаги ихтиёрий диққатни оширади, фаолиятни фаоллаштириб, билишга қизиқишни кучайтиради.

Ривожлантирувчи таълим приниципини амалга оширишда тарбиячининг болалар фаолиятига раҳбарлик ва уни тўғри баҳолаб бориши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки бунда фақат ишнинг натижасигина баҳоланмай, балки бу ишни бажаришда болаларнинг ақлий фаолияти, мустақиллиги, иштиёқ билан, жон-дилдан ҳаракат қилганликлари ҳам эътиборга олинади. Тарбиячининг болалар ишини баҳолашга педагогик назокат билан ёндашиш натижасида улар ўзларининг ютуқ ва камчиликларини тушуниб оладилар ва келгусида яхшироқ натижаларга эришиш учун ҳаракат қиладилар.

Бажарилган ишни болалар билан биргаликда таҳлил қилиш: солиштириш, таққосдаш, назорат қилиб бориш ўқув фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган малакаларни шакллантиради. Тарбиячи болаларни бажарилган ишларни таҳлил қилишга ўргатар экан, аввало ўзи намуна беради, кейин режа тузиб беради ва шундан кейин болалар ўзлари ва ўртоқларининг ишини мустақил таҳлил қилиб, уни баҳолайдиган бўлиб қоладилар. Балалардаги ўз-ўзини текшириш малакасини тарбиялаш учун тарбиячи болаларга ўртоғи ишни қандай бажарганлигини гапириб беришни таклиф этади ва йўл-йўлакай “Сен унинг ишни қандай бажарганини қаердан билиб олдинг?”, “Нима учун шундай деб ўйлайсан?” каби саволларни бериб боради.

Мактабга тайёрлов гуруҳида болаларнинг машғулотда уюшқоқлик билан шуғулланишларига талаб ортади. Болаларнинг иш жойини тайёрлаб олиш, керакли материалларни тўғри жойлаштириш, ишни маълум кетма-кетлик билан бажариш каби малакаларни эгаллаб олишлари ақлий меҳнат малакасини шакллантиради. Шунинг учун болаларни бўлажак фаолият учун зарур бўладиган ана шу ишларга ўргатиб борилади.

Болаларни магшғулотлардаги хулқига ҳам талаб ортади. Тўғри ўтириш, ўзини батартиб тутиш. диққат билан қулоқ солиш, бошқаларнинг гапини бўлмаслик, ўртоқларининг жавобини тўлдириш ва бошқалар шулар жумласига киради.

Бу ёшдаги болаларга ахлоқий ва меҳнат тарбияси бериш дастури мураккаблашади; ўз тенгдошлари ва каттлар билан муносабати шакллантирилади, инсоний хисларни тарбиялаш кучайтирилади. Хулқ нормалари қоидаларини эгаллаб олишларига, кундалик ҳаётда учраб турадиган одоб, ахлоқ доирасидаги вазифаларни ҳал қилишга эътибор берилади.

Болаларни мактаб ва ўқувчилар ҳаёти билан таништириш. Бошланғич синф ўқитувчиси ва МТМнинг тайёрлов гуруҳи тарбияси тайёрлов гуруҳи болаларини мактаб билан таништириш бўйича экскурсия уюштирадилар. Бундай экскурсиялар йил давомилда 3 марта ўтказилиши мумкин. Экскурсия пайтида катта ва тайёрлов гуруҳи болалари мактаб ўқувчилари билан танишадилар, улар МТМ болаларига ўзларининг мактабдаги ўқишлари, ишлари тўғрисида гапириб берадилар; ўқувчилар хонасини қандай безаганликлари, табиат бурчагидаги ўсимлик ва ҳайвонларни қандай парвариш қилаётганликлари, устахонада қандай ишларини бажараётганликларини кўрсатадилар.

Болаларни мактаб ва ўқувчилар хаёти билан таништиришнинг иш шакллари:

- синфда “Расмга қараб сўзлаб бериш” мавзусидаги дарс – машғулотни бирга ўтказиш;
- спорт майдончасида ёки спорт залида мактабдаги жасмоний тарбия машғулотини бирга бажариш;
- биринчи синф ўқувчилари ва тайёрлов гуруҳи болалари ишлаган расмларнинг биргаликдаги кўргазмасини ташкил этиш;
- мактаб устахонасида ўқувчиларнинг меҳнат машғулотини кузатиш. Ўқувчилар ўзлари тайёрлаган ўйинчоқларни боғча боалалрига совға қилишади;
- мактабда ўқиётган болалар ўз боғчасига келишади;
- “Мактаб” ўйинини ташкил этиш.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси ва бошланғич синф ўқувчиси фаолиятида изчиллик яққаол намоён бўлади. Бири болаларни тарбиялаш ва таълим беришни бошлайди, иккинчиси давом эттиради. Мактаб билан МТМ ўртасидаги алоқа мустахкам бўлгандагига бола тарбиясидан кўзланган мақсадга эриши мумукин

**Назорат учун саволлар:**

1. Мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактаб таълимига тайёрлашда қандай ишлар амалга оширилади?
2. Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда нималарга эътибор бериш керак?
3. Тайёрлов гуруҳида қандай таълимий-тарбиявий ишлар амалга оширилади?
4. МТМ билан мактаб ўртасидаги алоқа шакллари қайсилар?

**8-мавзу: Болалар ривожланишида мактабгача таълим муассасаси ва оила ҳамкорлиги**

**Режа**

1. Оила давлат ва жамият ардоғида.
2. Бола тарбиясида оиланинг ўрни ҳақида мутафаккирлар таълимоти.
3. Мактабгача тарбия муассасининг ота-оналар билан ҳамкорликдаги ишининг мазмуни ва усуллари.
4. МТМнинг ота-оналар билан ишининг йиллик режаси. Умумий мажлислар.

**Таянч тушунчалар:**

**Ҳамкорлик –** таълим берувчи ва таълим олувчининг ўзаро мулоқотига асосланган ижодий фаолият жараёни.

**Комил инсон –** инсон ақлий такомиллашуви босқичларидан бири.

**Комиллик –** инсонга хос хислат, у ҳар бир даврга мос мазмун-моҳият касб этади.

***1. Оила давлат ва жамият ардогида***

Дарҳақиқат, шахс шаклланишида оилани роли катта. Ақлан етук, ахлоқан пок, жисмонан бақувват фарзандлар намунали оилаларда камол топадилар. Шунинг учун ҳам оилада соғлом муҳитни вужудга келтириш ва уни мустаҳкамлаш умумдавлат аҳамиятга молик масаладир. Чунки ижтимоий ҳаётда юз берадиган барча ўзгаришлар, яни ундаги етук ва камчиликлар, мураккабликлар ва зиддиятлар оилада ўз аксини топади. Шунга кўра оила ва оилавий тарбия масалалари ҳар доим ҳам долзарб муаамо бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Республикамизда 1998 йил – Оила йили деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурини ҳаётга жорий этиш натижасида оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди, “Оила кодекси” нинг янги таҳрири, бир қатор қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Оилани моддий фаровонлигини таъминлашга қаратилган зарур шарт-шароитлар яратилди. Кам таъминланган, серфарзанд оилаларни қўллаб-қуватлаш ишларини давлат ўз зиммасига олди. 1999 йил мамлакатимизда “Аёллар йили“ деб эълон қилиниши муносабати билан жамиятда хотин–қизларнинг мавқеини янада ошириш, турмуш шароитларини яхшилаш учун барча давлат ва нодавлат ташкилотларини бирлаштирилди. Шу йилдан бошлаб (1999) аёлларга уларнинг истакларига биноан ҳамда қонунда белгиланган меҳнат стажи бўлган тақдирда 54-ёшдан пенсияга чиқариш ҳуқуқи берилди.

3 ёшгача боласи бўлган аёллар бюджет ҳисобидан молиялаштирилган муассаса ва ташкилотларда ишлаётган бўлсалар, улар учун иш ҳақининг тўлиқ миқдори сақланган ҳолда иш вақтини ҳафтасига 35 соатда ошмайдиган муддати белгиланди. Аёллар йили муносабати билан қабул қилинган давлат дастури мамлакатимизда яшаётган аёлнинг хаётига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Республикамизда 2000 йил “Соғлом авлод” йили деб эълон қилинди. 2000 йилда амалга ошириладиган ишлар “Оила”, “Аёллар йили”даги чора–тадбирларининг мантиқий давоми бўлиб, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни шакиллантириш юзасидан кўплаб ижобий натижаларга эришилди.

– ёшларни турмуш қуришдан аввал тиббий кўрикдан ўтказиш амалиёти хаётга жорий қилинди.

– ногиронликни олдини олиш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларида хомиладор аёллар ва чақалоқларни скрининг кўригидан ўтказиш йўлга қўйилди.

– болалар организмида йод танқислиги оқибатида келиб чиқадиган касалликларни олдини олиш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Республикада ёш авлодни маънавий жихатдан баркамол қилиб вояга етказиш мақсадида турли мазмунларда кўрик-танловлар ўтказилиб келинмоқда.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг XИ сессиясида қабул қилинган “Оила кодекси” шарқона ва умуминсоний ахлоқ нормалари муштараклигида шаклланган, фаровон оилаларнинг манфаатларини таъминлашда муҳим хуқуқий пойдевор бўлади. Конситицияга биноан, “Оналик ва болалик давлат томонидан мухофаза қилинади “ (65-модда).

Болага оилада яхши тарбия бериш бола ҳаётининг даслабки даврларидан бошлабоқ, ота-она олдида турган асосий мақсад ва вазифалардир. Яъни ота-она учун ҳам қарз, ҳам фарздир, оила болага таъсир кўрсатади, уни атрофидаги ҳаётга мослайди .

Жамиятда эса тарбия фақат ота-онанинг шахсий ишигина бўлиб қолмасдан, балки уларнинг ижтимоий бурчи ҳамдир. Маълумки шахснинг қадиряти унинг жамиятдаги тутган ўрни билан белгиланиб, кўп жихатдан унинг тарбиясига боғлиқ бўлади. Шу сабабли ота-она ўз болаларининг тарбиячиси ҳисобланади.

## 2. *Бола тарбиясида оиланинг ўрни ҳақида мутафаккирлар таълимоти*

Қадимги юнон файласуфлари Афлотун ва Арасту бола тарбиясини жамият ўз ихтиёрига олиши, тарбия жараёнидаги барча зарур ишларни давлат бажариши лозим деган ғояни илгари сурган эдилар.

Бу ғоя француз ҳаёлий соцалистлари Сен Семон, Шарл Фуре асарларида кейинчалик ривожлантирилди. Улар бола тарбияси билан асосан давлат шуғилланиши керак, деган ғояни илгари сурганлар. Аммо шарқ мутафаккирлари бола тарбияси билан асосан ота-она шуғилланиши керак, деган ҳулосага келганлар. Бу билан улар оилавий тарбиянинг ролига катта эътибор берганлар.

Ризоуддин ибн Фаҳриддиннинг "Оила" номли рисоласида бола тарбияси ёмон ният ва қўполлик билан эмас, балки сабр тоқат, матонат, меҳрибонлик, чидамлилик, шавқату сезгирлик билан бўлиши керак. Зарар билан фойдани айира олмаган ёш гўдакни назоратсиз тутиш улуғ ҳатоликдир. Балки уни қаттиқлик билан юмшоқлик ўртасида адолат билан тарбия қилмоқ кераклиги хақида фикрлар берилган (Ризоуддин ибн Фахриддин. Оила. –Т.: Меҳнат, 1991).

Маълумки, бола 2-3 ёшидан бошлаб, ўз эҳтиёжлари, фикр ва талабларинини бирмунча аниқ ифода этадиган бўлиб қолади. У кўзига кўринган, ақли етган нарсаларни сўрай ва уларни синчковлик билан текшира бошлайди. Ота-оналар миллий фазилатларимизга муҳаббат билан қараш, разолатлардан нафрат қилиш йўлларини болаларга ўргатадилар. Халқимиз орасидаги буюк одамларнинг камолотлари тўғрисида сўзлаб берадилар .

Болаларни камтарлик ва доноликка ўргатишда буюк ўзбек мутафаккири Абу Али Ибн Сино каби олимларимизнинг ҳаёт намуналари ва бизга мерос қилиб қолдирган дурдона фикрларини асос қилиб олиш фойдалидир. У манманлик, мақтанчоқлик ва ўзидаги билимга ортиқча баҳо бериш каби хусусиятларни кишининг аҳлоқи паст эканлигини кўрсатувчи белгилар деб таъкидлайди. Унинг фикрича оилада бола ёшлигидан бошлаб фақат яхши одатларга ўргатилиши керак. Бу эса унда мустаҳкам ҳарактер шаклланишига замин яратади. Ибн Сино ёш болаларни яхши аҳлоқли жисмоний соғлом қилиб етиштиришда кўпгина фойдали усулларни кўрсатиб беради. У тарбия жараёнида шахсий намуна бўлиш усули ғоят катта аҳамятга эга эканлиги қайта қайта уқтириб ўтган. Ибн Сино оилавий тарбия тўғрисидаги фикрларнинг чуқур мамунини ва амалий аҳамятини унинг қуйдаги сўзларидан билиб олиш мумкин. Боланинг хулқини мўътадилликда сақлашга алоҳида эътибор бериш керак. Унга эса болаларни қаттиқ ғазабланишдан, қўрқиш, ҳафалик, уйқусизликдан сақлаш орқали эришилади. Болани ҳоҳлаган ва фойдали нарсасини дархол топиб беришга ҳамда севмаган нарсасини кўздан узоқлаштиришга доим тайёр бўлиб туриш керак. Бу ишнинг икки хил фойдаси бор. Бир томондан болани руҳига фойда қилади, бола энг ёш чоғиданоқ хушхулқ одам бўлиб қолади. Иккинчи томондан, боланинг танасига фойда қилади. Чунки ёмон хулқ турли мижоз бузилишларига сабаб бўлади. Шунингдек агар ёмон ҳулқ одатга кириб қолса, у мижоз бузилишини келтириб чиқаради. Ибн Сино ўзининг "Тадбирул манозил" асарининг катта бир бобини оилавий тарбия масалаларга бағишлаган. У бу асарида кишиларнинг оилавий муносабатларнинг деярли ҳамма томонларини кўриб чиқади. У оила бошлиғи олдига катта талаблар қўяди, у оилавий тарбияни ҳам амалий ҳам назарий томондан яхши билиш зарурлигини уқтиради.

Мутафаккир олим Абу Райхон Беруний ўз асарларида ота-оналар ва тарбиячилар обрўйининг болага таъсир кучи ҳақида ҳам фикр юргазади. Бу эса ҳозирги талабларга ҳам жавоб беради. У ота-оналарнинг болаларга тарбиявий таъсирининг бор кучи обрўга асосланади, дейди. Бироқ бу обрў табитан берилмайди,сунъий равишда яратилмайди, қўрқув, қўрқитиш, зўрлик билан эришилмайди, балки ота-онага нисбатан мехр оқибатдан келиб чиқади деб таъкидлайди.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий халқимиз расм русумлари ва миллий одатларни жуда нозик тушунар эди. Шу сабабли инсон хулқ атвори, маданиятининг хатто энг оддий масалалар ҳам унинг диққатидан четда қолмади. А.Навоий тарбияда хатоликда йўл қўйиш мумкин эмаслигини уқтиради. Ҳақиқатдан ҳам болани тарбиялшда шундай хатоликлар учрайдики, улар фақат оиланинг ҳаётида эмас балки жамият ҳаётида ҳам акс эттиради. Оилада болани тарбиялашда учрайдиган хатоликлар турли тумандир. Улар орасида кенг тарқалганлардан бири ота-оналарнинг хаддан ташқари хукмронликка интилишларидир; боланинг эрка бўлиши уларга нисбатан бирор талабнинг йўқлиги билан боғлиқ; ота-она бувилар томонидан тарбияда ягона талабларнинг йўқлигидир; оилавий тарбиядаги барқарор хатолар оиланинг тузилиши ва оилавий муносабатлар билан, катталарнинг ўз фуқоролик бурчларга муносабати уларнинг ғоявий йўналиши, меҳнатга муносабати билан боғлиқ муносабатлар билан, катталарни ўз фуқоролик бурчларига муносабати, уларни ғоявий йўналиши, меҳнатга муносабати билан боғлиқ. Бу белгиларга кўра оиланинг бир неча турини ажратиш мумкин. Тарбиячиларга оила турларини билиш ва у билан ўзига хос ҳолда ишлаш ва муносабатда бўлиш учун зарур. Оила турлари Ризоуддин Ибн Фахриддиннинг "Оила" номли рисоласида кўрсатилган.

**Биринчи тури**. Тинч оилалар меҳнат ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётда фаол иштрок этаётган кўпчилик оилалар киради. Бу турдаги оилага ота-оналар ва болалар ўртасида маънавий яқинлик, ақлли

ва меъёрдаги талаблар боланинг ижтимоий муносабати меъёрларини муваффақиятли ўзлаштириши хосдир.

**Иккинчи тури**. Юзаки тинч оилалар. Бу турдаги оилаларга оила азолари томонидан болаларга қўйиладиган талаблар бир хилда бўлмасдан, стихияли тарзда бўлади. Бунда боланиг имкониятлари ҳисобга олинмайди. Боланинг ҳаёти нотўғри ташкил этилади. Тарбиянинг бу турида ота-онага нисбатан ҳурматсизлик, уларнинг талабини бажармаслик каби холатлар ривожланиши мумкин. Юзаки тинч оилалар билан ишлашда тарбиячи ота-она диққат эътиборини оиладаги психологик вазиятни, ота-оналар ўртасидаги муносабат йўналишини ўзлаштиришга қаратади.

***Нотинч оилалар***. Бундай турдаги оилаларда маънавий қизиқишлар кам бўлади. Бундай оилаларга ишлаб чиқариш, оилавий вазифаларга бефарқ муносабатда бўлиш, оилавий анъаналарга эътибор бермаслик, уй ишларига лоқайд муносабатда бўлиш хос бўлади. Бола қўрс, қўпол, уришқоқ бўлиб қолади. Катталар ва жамоа тартибларига бўйсинмайди. “Тарбияси оғир” болаларнинг кўп қисми ана шундай оилаларда етишади. Замонавий шароитларда нотинч оила муаммоси энг долзарб муаммолардандир. Оила - мактабгача таълим ёшидаги бола учун биринчи ижтимоий муҳитдир. Агар у нотинч бўлса, боланинг соғлиғига ҳам, унинг хулқига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бу хилдаги оилаларни болалари тақдирига улар қатнайдиган мактабгача таълим муассасаси бефарқ қарамаслиги керак. Тарбиячи болаларнинг саломатлиги, хулқи ўз тенгдошлари билан муносабатини доимо кузатиб боради ва кичик инсонлар қалбига қандай кечинмалар юз бераётганини сезадилар .

***Тўлиқмас оилалар***. Бу турдаги оилада ота онадан бири бўлмайди. Бундай оилаларда ота-оналардан бирининг йўқлигини билдирмаслик учун оила азоларидан ҳар бирининг болага таъсирини кучайтириш, бола ўзаро муносабатларда камчилик сезмаслиги учун бола тарбиясига оиладан кетган аъзони бошқа қариндошларини жалб қилиш муҳимдир. Шундай қилиб мактабгача таълим муассасаларида оила билан ишлаш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, оиланинг турига боғлиқ холда ўтқазилади. Мактабгача таълим муассасининг оила билан ишлаш тизимида аниқ мақсад, мазмун бўлиши керак. Ота-оналар билан ҳамкорлик борасида аввал эришилган ютуқ ва тажрибаларнинг натижаларини таҳлил қилиб, хилма-хил ва ўзаро боғлиқ бўлган шакл ва усуллар ёрдамида режали ишлар олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади .

### *3. Мактабгача таълим муассасининг ота-оналар билан ҳамкорликдаги ишининг мазмуни ва усуллари*

МТМнинг ота-оналар билан ишлашининг жамоа тарзида ва яккама-якка холда ишлаш шаклларини моҳирлик билан қўшиб олиб бориш, кенг аҳоли орасида педагогик ташвиқот ишларини ташкил этиш туфайли болаларни тарбиялшда ижобий натижаларга эришиш мумкин. МТМи ходимларини ота-оналар ва оила билан ҳамкорликдаги ишларининг энг кенг тарқалган шаклларидан бир қанчасини келтирамиз:

- *ота-оналар билан яккама-якка ишлаш*. Илғор педагогик тажрибаларни кўрсатишича, ишнинг бу тури катта аҳамиятга эга. Бунда тарбиячи оила ва боланинг шахсий хусусиятларини ўрганиб уларни ўзининг тарбиявий ишида хисобга олади. МТМларимиз тажрибасида ота-оналар билан яккама-якка олиб бориладиган ишларнинг турли хил шакллари аниқланган; оилага тарбиячининг бориши, ота-оналар учун суҳбат ўтказиш, уларга маслаҳатлар бериш, ота-оналарнинг МТМ ҳаёти билан танишишлари.
- *ота-оналар билан жамоа тарзида ташкил қилинадиган ишлар*. Булар ота-оналарнинг гуруҳий ва умумий мажлиси, ота-оналар мактаби, анжуманлар, шанбаликлар, савол-жавоб кечалари.
- *кўрсатмали ишлар*. Ишнинг бу тури кўргазмали, болаларни ишларини намойиш қилиш, очиқ эшиклар куни, педагогик ахборот стендлари, ота-оналар учун кутубхона оилавий тарбиянинг барча масалари бўйича материаллар солинган папка.
- ота-онага педагогик таълим бериш ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.




***Тарбиячининг оилани бориб кўриши***.

Бола яшаб турган оилани ўрганиш ота-оналар билан яқин алоқа ўрнатиш ва уларга ёрдам, маслаҳатлар беришнинг самарали йўлларидан биридир. Тарбиячи оилага текширувчи сифатида эмас маслаҳатчи, дўст ва бола тарбиясига ёрдам берувчи шахс сифатида боради. Тарбиячининг оилага боришидан асосий мақсад бола яшаётган шароитни кўриш ва зарур бўлса ота-оналарга ёрдам кўрсатишдир. Оилани бориб кўриш ва ота-оналар билан суҳбатлашиш катта педагогик одат билан ўтказилиши керак. Ота-оналар билан суҳбатда боланинг энг яхши томонларини очиб берилса, ота-оналарнинг тарбиячига бўлган ҳурмати ва ишончи ортади. Тарбиячи боланинг уйида кўрганларини қайд қилиш билан бир қаторда уларни таҳлил қилади, ота-оналар мажлисларида оилавий тарбиядаги ижобий ва салбий томонлар ҳақида гапиради. Уларга ўзининг маслаҳатларини беради. Оила тарбиясидаги ижобий ишларни ота-оналар учун ташкил этилган тестларда акс эттириш ҳам мумкин. Оилани бориб кўргандаги таассуротларини тарбиявий ишларни ҳисобга олиш устунига ёзиб қўйиши керак Оилага камида йилига 2 марта бориб кўрилади тарбиячининг оилага бориши ота-оналарда педагогик маданиятни оширади.

***Ота-оналар билан шахсий суҳбатлар***. Оила билан шахсан ишлашнинг энг кенг тарқалган усули сифатида қўлланадиган сухбат болаларни эрталаб қабул қилиш ва кечқурун кузатиш вақтида ўтказилиши мумкин. Улар тарбиячилар билан ота-оналарни бир-бири билан яқинроқ танишишларига ёрдам беради. Тарбиячининг ота-оналар билан эрталаб ўтказадиган суҳбатлари қисқа муддатли бўлади, шунингдек унинг яқинларида яхши кайфият, тарбиячига ишонч ҳисси пайдо бўлишида катта аҳамятга эга.

Ота-оналардан бола кечқурун қандай кайфиятда бўлганини, қандай ухлаганини бола ўзини қандай сезишни сўраш фойдали. Тарбиячи ота-оналарга болаларни бугун гуруҳда нималар кутиши хақида қисқача ахборот беради. Бу нарса болани кайфиятини кўтаради, ота-онани хотиржам қилади. Ота-оналар билан кечки суҳбатлар ҳам вақт жиҳатидан чекланган, ота-оналар билан кечки сухбат вақтида тарбиячи боланинг ташқи кўринишига таалуқли камчиликлар айтилиши мумкин. Болани гуруҳда кунни қандай ўтказгани, нималар билан машғул бўлгани, ўзини қандай тутгани, нимага эътибор бериш кераклигини хақида ахборот беради. Ота-оналарни бола тарбиясида йўл қўйган бирор камчилик ва хатосини таҳлил қилиш учун улар билан янада муфассал суҳбат ўтказиш зарурати туғилганда вазиятни тузатиш учун малакали маслаҳат ҳамда тавсия бериш керак бўлганда маслаҳатлар ўтказилади .

***Гуруҳий маслаҳатлар ва мажлислар***.

Агар тарбиячига айнан бир масала бир нечта ота она ни қизиқтираётгани маълум бўлса, улар учун умумий маслаҳатлар ташкил этади. Педагог маслаҳатга олдиндан тайёрланади: зарур адабётларни ва кўсатмали материалларни танлайди. Маслаҳат ўтказиладиган аниқ вақт ҳақида ота-оналарини огоҳлантиради. Бундай маслаҳатлар онда сонда ва мунтазам ўтказилиши мумкин. Ота-оналарнинг гуруҳий мажлислари зарурятига қараб йил чорагида бир марта ўтказилади. Бундай мажлислардан мақсад ота- оналарни аниқ педагогик масалалар билан таништиришдир.Уларда мазкур гуруҳдаги болаларни тарбиялаш масалалари муҳокама қилинади, гуруҳ иш и билан боғлиқ ташкилий масалалар қараб чиқилади, ота-оналарнинг байрамда иштирок этишлари ҳақида гапирилади.

Мажлислар мавзусини белгилашда ва унга тайёргарлик кўришда ота-оналари таклиф этилаётган болаларни ёшини хисобга олиш зарур. Шу муносабат билан ўйин ёки меҳнат фаолиятлари ҳақида

масалалар кўпроқ ўрин эгаллаш мумкин. Ота-оналарнинг умумий мажлиси мактабгача таълим муассасалари ҳамма тарбияланувчиларининг ота-оналари учун йилига икки марта ўтказилади. Уларни мактабгача муассаса мудираси, врач, тарбиячилар иштирокида ташкил этилади.Умумий мажлисларда таълим-тарбиявий ишнинг якунлари мухокама қилинади. Биринчи умумий мажлис ўқув йили бошида ўтказилиб, унда мудира ота-оналарни мактабгача таълим муассасининг йиллик иш режаси билан таништиради. Режанинг оила билан боғлиқ қисмига аниқ тўхталиб ўтиш лозим. Иккинчи умумий мажлис ўқув йили охирида ўтказилади. Бунда мактабгача таълим муассасининг ўтган йилдаги иш якунлари ҳақида маълумот берилади. Болалар муассасида тарбияланувчиларнинг яшаш шароитларни яхшилашда ота-оналарнинг қўшган хиссалари таъкидлаб ўтилади. Умумий мажлисларда болалар муассасаси жамоаси қанчалик катта ва мураккаб ишни бажаришни ва бу ишда қандай ёрдам бериш кераклигини ишончли тарзда кўрсатиш керак. Мажлисларда педагог маърузасининг хажми 20-25 минут га мўлжалланади .

Ота-оналар билан МТМси ходимларини биргаликдаги фаолиятини ташкил этиш ва унинг мазмуни МТМ даги шароитларга боғлиқдир. Биргаликдаги фаолият керакли даражада амалга ошириладиган жойда ўзаро ёрдам, бир–бирини тушуниш, топширилган ишга жавобгарлик ҳолати вужудга келади. Ота-оналар МТМ майдонини кўкаламзорлаштириш, хоналарни қиш мавсумига таёрлаш, соғломлаштириш ишларини ўтказишда ёрдам кўрсатишлари, болаларга байрам кастюмлари тайёрлашда, болаларни сайёҳатга кузатиб боришда иштирок этишлари мумкин. Агар ота-оналар орасида фотосуратчилар, тикувчилар, рассомлар бор бўлса, улар МТМ га бевосита ёрдам кўрсатишлари керак. Ота-оналарнинг иши ижтимоий ҳарактерга эга ва ихтиёрийликка асосланган бўлиши керак. Биргаликдаги ишни тўғри ташкил этиш учун йиллик режа тузилади ва уни кўринадиган жойга илиб қўйилади. Ота-оналардан қайси кунлари МТМга келиб ёрдам беришлари мумкинлигини сўраш лозим.

Очиқ эшиклар куни ота-оналар билан ишлашнинг самарали шаклидир. Очиқ эшиклар куни жамоанинг ўз календарь йиллик режаси бўйича ҳар бир ёш гуруҳнинг маълум режими бўйича одатдаги меҳнат кунидир. Бундай кунларни йилига 1-2 марта ўтказиш тавсия қилинади. Очиқ эшиклар кунини ўтказиш зарур. Яъни ота-оналарга болаларни жисмоний чиниқтириш, овқатлантириш, машғулотнинг бориши сайр ҳақида кўпгина нарсаларни кўриш имкониятига эга эканликлари ҳақида маълум қилинади.

Ота-оналарга эса қуйидагилар эслатилади: болалар билан оддий муносабатда бўлиш, уларнинг фаолиятида имкон борича иштирок этиш, тарбиячига халақит бермаслик, фарзандига танбеҳ бермаслик (машғулотлар ўтказилаётганда).

Очиқ эшиклар кунини ўтказишга тайёрланаётганда фотосуратчини таклиф этиш, кейинчалик эса «Ота-оналар бизнинг меҳмонимиз», «Бизда очиқ эшиклар куни» мавзусида фото кўргазма ташкил этиш мумкин. Бу очиқ эшиклар кунида қатнаша олмаган ота-оналарда қизиқиш уйғотади.

***Ота-оналар қўмитаси ва жамоачилик билан ишлаш*.**

Ҳар бир МТМ сида ота-оналар қўмитаси бўлиб "Болалар боғчаси низоми" бўйича ташкил этилади. Ота-оналар қўмитаси ишнинг вазифалари ва мазмуни унинг ҳуқуқлари, ҳисоботи ва иш юритиши Ота-оналар қўмитаси ҳақидаги "Низом" да акс этирилади. Бу қўмита ота-оналарнинг умумий мажлисида бир йил муддатга сайланади. Унинг таркибига ҳар бир гуруҳдан 1-2 вакил киради. Улар орасидан раис ва котиб сайланади. МТМ раҳбари ва педагогик жамоа ота-оналар қўмитасига фаол тарбия масалаларида узоқ бўлмаган кишиларни тарафдоридир. Тарбиячилар у ёки бу оила қандай ота-оналар қўмитасига аъзо бўлганда сўнг МТМга ота ёки она қандай ёрдам бериши мумкин, улар жамоа тарбияси ҳаёти билан қизиқишадими, МТМда бўлиш кераклиги ҳақидаги машғулотларни тартибини кузатиш, сайр қилишда иштирок этиш ҳақидаги таклифга лаббай деб жавоб беришадими? Деган саволларга жавоб беришлари керак. Ота-оналар қўмитасини унда ишлашни хоҳловчи ота-оналардан ҳам сайлаш мумкин. Бундай ота-оналар одатда, самарали қизиқиб ишлайдилар. Ота-оналар қўмитаси ота-оналарнинг умумий мажлисига ҳисоб беради, унга аввал қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши хақида ҳисобот беради. Ота-оналарнинг умумий мажлисига хисоб беради. Ота-оналар қўмитасининг фаолияти МТМнинг йиллик режасига мос ҳолда режали равишда олиб борилиши керак. Қўмита ишини мудири бошқариб боради . Унинг мажлислари камида икки ойда бир марта ўтқазилиши керак.

***4. МТМнинг ота-оналар билан ишининг йиллик режаси. Умумий мажлислар.***

*МТМнинг ота-оналар билан ишининг йиллик режаси*

Ота-оналар билан ахлоқий ва жисмоний тарбия масалаларида олиб бориладиган иш.

«Болаларнинг табиат қўйнидаги меҳнати – ахлоқий тарбиянинг воситасидир» деган мавзуга алоҳида эътибор бериш.

1. Ота-оналарни МТМ ишига яқинлаштириш, уларни МТМдаги тарбиявий ишлар билан кенг таништириш.

Қуйидагилар ота-оналар эътиборида бўлмоғи керак:

а) навбатчиликни ташкил этиш;

б) шанбаликлар уюштириш;

в) очиқ машғулотларда қатнашиш;

г) гуруҳ мажлисларида қатнашиш;

д) индивидуал суҳбатлар, маслаҳатлар.

2. Оилаларни бориб кўрилганда болалар меҳнат фаолиятларига алоҳида эътибор бериш (бола ёшига мос ҳолда).

*Умумий мажлислар*

1. МТМ ва оилада боланинг ахлоқий тарбияси. Мавзу бўйича ота-оналар чиқишларини тайёрлаш.

2. Бола тарбиясида ота-оналар обрўйи. Маъруза мавзуси бўйича тайёрланган ота-оналар чиқишлари.

3. а) Ёз пайтида мтм ҳовлисида тарбиявий ишлар (бунда меҳнат тарбияси масалаларига алоҳида эътибор берилади).

б) Ёз шароитида соғломлаштириш тадбирлари (шифокор ахбороти).

в) Болаларни экскурсияга олиб чиқиш билан боғлиқ бўлган ташкилий масалалар.

4. а) Болалар билан ўтказилган ёзги соғломлаштириш ишларининг якуни.

б) Ота-оналар қўмитаси ишининг ҳисоботи.

**Назорат учун саволлар:**

1. Мустақил Ўзбекистонда оилаларни фаровонлигини ошириш мақсадида қандай ишлар амалга оширилмоқда?
2. Оилада болани тўғри тарбиялаш шарт-шароитлари деганда нимани тушунасиз?
3. МТМнинг оила билан ишлаш шаклларидан мисол келтиринг.
4. Ота-оналар мажлиси ким томонидан ўтказилади?
5. Ота-оналар қўмитасга кимлар сайланади?

## 10- мавзу. Болаларни мактаб таълимига тайёрлаш.

***РЕЖА:***

1. Умумий тайёргарлик, психологик тайёргарлик.
2. Болани мактабда укишига ахлокий-иродавий тайёргарлик.
3. Болани мактабда укишига аклий тайёргарлик.
4. Бола мактабда укишига жисмоний тайёргарлиги.
5. Болаларни мактаб таълимига ривожланганлик даражаси курсаткичлари.

- Жисмоний ривожланганлик даражаси;
- Нутк ва тафаккури ривожланганлик даражаси.
- Маънавий маданий етуклик.

Узбекистон Республикасида мактабгача таълим тугрисидаги Низомга мувофик бола мактабгача таълимни уйда, ота-оналарнинг мустакил таълим бериши оркали ёки доимий фаолият курсатадиган мактабгача таълим муассасаларида, шунингдек МТМларига жалб килинмаган болалар учун МТМларда, мактабларда, махаллаларда ташкил этилган махсус гурухлар ёки марказларда олади. Бу ерда улар хафтада 2-3 марта шугулланишади. Ота-оналарга мактабгача таълим шаклини танлаш хукуки берилади.

6-7 ёшли боланинг мактаб таълимига тайёрлигини аниклашда мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбияси билан шугулланувчилар асосий шарт хисобланмиш – боланинг мактабга тайёрлиги мактабгача ва мактаб давридаги хаёт тарзи хамда фаолияти учун куприк вазифасини уташини, оила ёки МТМдаги таълим-тарбия шароитларида мактаб таълимига озорсиз утказишни таъминлаш зарурлигини хисобга олишлари лозим.

Мактабгача ёшдаги боланинг мактаб таълимига утиши хамиша унинг хаёти, ахлоки, кихикиши ва муносабатларида анчайин жиддий узгаришларни юзага чикаради. Шунинг учун болани ёки уйдаёк

мактаб таълимига тайёрлаш, уни унча кийин булмаган билим, тушунча, куникма ва малакалар билан таништириш керак булади.

Етакчи мутахассисларнинг фикрига кура «Мактабга тайёргарлик» тушунчаси болани мактабга тайёрлашнинг куйидаги йуналишларини уз ичига олади:

- жисмоний,
- шахсий (рухий),
- аклий
- махсус тайёргарлик.

Жисмоний тайёргарлик боланинг согломлиги, харакат куникмалари ва сифати, кул мушаклари ва куриш-мотор мувофиклиги ривожланганлиги билан изохланади. Шахсий тайёрлиги, атроф-мухитга, катталарга, тенгдошларига, усимликлар дунёсига, табиий ходисаларга, шахсий маданиятни шаклланганлигини назарда тутади. Аклий тайёргарлик бола образли ва мантикий фикрлаши, тасаввурнинг, одамийликнинг, билимга кизикишнинг, мустакиллигининг, узини-узи назорат килишга, хамда укув фаолиятини кузатиш, эшитиш, эслаб колиш, солиштириш каби асосий турларини билишни уз ичига олади.

Боланинг мактабда таълим олиши самараси унинг она тилини билишига ва нуткни канчалик ривожланганлигига купрок боглик булади. Чунки бутун укув фаолияти шуларга, яъни нуткий мантикий ривожи, боланинг катталарнинг ёрдамисиз мустакил фикрлаши, тил ривожланганлиги ютукларида эркин фойдалана олиши, хикоя килиш, мулохаза юритиш, уз тасаввурини изохлай олиш, тушунарли килиб баён этиш каби омиллар асосига курилади. Шунингдек, боланинг мактабда таълим олиши учун амалий интеллект ривожи яъни, унинг намунани чизиш, айтиб туриладиган баёний топширикни бажариши хам мухим саналади. Ва нихоят, махсус тайёргарлик болани саводхонликка ургатиш ва унинг мактабнинг 1 синф укув дастур материалини етарли даражада эгаллаш хакидаги тушунчасини шакллантиришни назарда тутади.

Болаларни мактабда уктишнинг самарадорлигини куп жихатдан уларнинг тайёргарлик даражаларига боглик булади. Мактабда укишга тайёргарлик – МТМси ва оилада мактабгача тарбия ёшидаги болага куядиган талаблар оркали аникланади. Бу талабаларнинг узига хос томони укувчининг янги социал психологик урни, у бажаришга тайёрланган булиши лозим. Янги вазифа ва бурчлардан келиб чикади.

Мактабга кириш бола хаётидаги одатий турмуш тарзи, атрофдагилар билан муносабат системасининг узгаришига алокадор мухим даврдир. Бола хаётида биринчи бор марказий уринни ижтимоий ахамиятга эга булган укув фаолияти эгаллайди. Унга одатий булган эркин уйин фаолиятидан фаркли уларок, энди таълим мажбурий булади ва биринчи синф укувчисидан 4 та жиддий муносабат талаб килинади Таълим фаолиятининг етакчи тури сифатида боланинг кундалик хаёт жараёнини кайта куради: кун тартиби узгаради, эркин уйинлар вакти кискаради. Боланинг мустакиллиги ва уюшганлиги, унинг ишчанлиги ва интизомлиликка талаблар жиддий равишда ортади. Мактабгача ёшдаги боладикка нисбатан укувчининг уз хатти-харакати, мажбуриятларини бажаришга шахсий маъсулияти анча-мунча ортади.

Болаларни мактабга тайёрлаш, биринчидан болалар богчасида тарбиявий ишни мактабгача тарбия ёшидаги болаларни умумий, хар томонлама ривожлантиришнинг юкори даражасини таъминлайдиган, иккинчидан болаларни мактабнинг бошлангич синфларида узлаштиришлари лозим булган укув фанларини эгаллашга махсус тайёрлашни таъминлайдиган килиб ташкил этилишини назарда тутади. Шунга кура замонавий психологик-педагогик адабиётда (А.В.Запарожец, А.А.Венгер, Г.М.Лямина, Г.Г.Петрогенко, Ж.В.Тарунтаева ва бошкалар) тайёргарлик тушунчаси бола шахсининг ривожлантириш сифатида аникланади ва иккита узаро богланган жихатларда: «Мактабга укишга умумий психологик тайёргарлик» ва «Махсус тайёргарлик» тарзида куриб чикилади.

Мактабга умумий тайёргарлик МТМсининг мактабгача тарбия ёшидаги болаларни хар томонлама тарбиялашга оид давомли, максадга мувофик таълим-тарбиявий ишнинг мухим якуни сифатида намоён булади.

*Мактабга умумий* тайёргарлик боланинг мактабга бориш вактига келиб аклий, маънавий, эстетик ва жисмоний риволанишда эришган шундай даражасидирки, у боланинг мактаб таълимининг янги шараоитларига ва укув материалининг онгли эгаллашга фаол кириб боришлари учун зарур асосни яратади.

Умумий тайёргарлик бола мактаб таълимига утиш даврига келиб эришадиган психик ривожланишнинг муаян даражаси билан ифодаланади.

Психологик тайёргарлик тушунчаси мактаб таълими нуктаи-назаридан 1 синфга бораётган бола психик ривожланишидаги мухим сифат курсаткичларини мувоффакиятли жамлайди.

Мактаб таълимига *психологик* тайёргарлик боланинг укишга интилиши укувчи булиш иштиёкида билиш фаолияти ва тафаккур операцияларининг етарлича юкори даражаси боланинг укув фаолияти элементларини эгаллаши ирода ва ижтимоий ривожланишнинг муаян даражасида намоён булишда асосланган тайёрликни уз ичига олади. Болани мактабга психологик тайёргарлигининг барча компонентлари болани синф жамоасига олиб кириш мактабда укув материалини онгни фаол эгаллаш кенг доирадаги мактабга оид мажбуриятларни бажаришни камраб олади.

Болани мактабга махсус равишда тайёрлиги мактабда укишга умумий психологик тайёрлигига кушимчадир у болада математика ва она тили каби укув фанларини урганиш учун зарур булган махсус билим, куникма ва малакаларнинг мавжудлигига кура аникланади. МТМда болаларда энг оддий математика тасаввурларини таркиб топтириш, нуткни устириш хамда саводни эгаллашга тайёрланиш юзасидан утказиладиган жадал иш болаларни мактабда укишга махсус тайёрлашнинг зарур даражасини таъминлайди.

Мактабга катнайдиган бола янги турмуш тарзига кишилар билан узаро муносабатнинг янги системасига, фаол аклий фаолиятга тайёрланган булиши даркор. У янги жиддий мажбуриятларни уддалаши учун жисмоний ривожланишда муаян даражага эришган булиши керак.

Боланинг мактабда (укишга ахлокий-иродавий тайёргарлик) умумий тайёрлиги мазмунида бир неча уз аро богланган жихатлар мавжуд булиб, улардан мухимлари маънавий, иродавий, аклий, жисмоний тайёргарликдир.

## **БОЛАНИ МАКТАБДА УКИШИГА АХЛОКИЙ-ИРОДАВИЙ ТАЙЁРЛИГИ**.

Мактабда укишга ахлокий-иродавий тайёрлик боланинг мактабгача болалик охирига келиб ахлокий хатти-харакат, ирода, ахлокий хиссиётлар ва онг ривожида унга янги ижтимоий нуктаи-назарни фаол эгаллашига хамда узининг укитувчи ва синфдошлари билан уз аро муносабатларини ахлокий асосда куришга имкон берадиган даражага эришишида ифодаланади.

Ахлокий иродавий тайёрлик катта мактабгача тарбия ёшидаги бола шахсий хулк-атвори ривожининг муаян даражасида намоён булади. Бу муносабатда боланинг мактабгача тарбия ёши давомида ривожланадиган уз хулк атворини бошкари кобилияти: коидани ёки тарбиячи талабаларини англи бажариш, дафъатан асабийлашиб кетишига эрк бермаслик, куйилган максадга эришишда катъиятни намоён килиш, керакли ишни узига тортадиган, аммо максаддан чалгитадиганига карши уларок бажариш куникмаси ва шу кабилар эътиборга лойикдир. Булажак укувчи хулк-атвордаги ихтиёрийликнинг ривожланиш асосини мактабгача тарбия ёши охирига келиб таркиб топадиган сабаблар, узаро буйсунувчилари ташкил килади.

Мактабга ахлокий-иродавий тайёрликнинг харф топишида, шунингдек катта мактабгача тарбия ёшидаги бола шахсий хулк атворидаги *мустакиллик уюшганлик ва интизомлилик* каби хусусиятлар ахамиятлидир.

Мустакиллик билан узвий богланган хулк-атвор коидаларини бажариш, янги шароитларда харакатнинг тугри одатий усуларидан фойдаланиш, ёрдам беришга тайёрлик кобилиятидир. Мустакиллик ва хулк-атвордаги уюшганли ва интизомлилик билан хулк-атвордаги максадга йуналганликда, уз фаолиятини МТМда кабул килинган коидаларга мувофик онгли ташкил эта билишда, фаолият натижасига эриша билиш ва уни назорат килиш, уз хулк-атворини бошка болаларники билан мувофиклаштириш, уз хатти-харакатлари учун шахсий маъсулиятни хис килишда уз ифодасини топади.

Мактабга ахлокий-иродавий тайёрликнинг бошка мухим таркибий кисми боланинг катта ёшлилар ва тенгкурлари билан уз аро муносабатларини коидаларга мувофик ташкил эта билишдир. Тажрибанинг курсатишича мактабдаги укиш шароитларига мослашиш олдинги йилларда болаларда «жамоатчилик» сифатлари: дустларга нисбатан хайрихох, хурмат билан муносабатда булиш, ташкилотчилик куникмалари, хушмуомалалик, гамхурлик билдириш, узаро ёрдамга хозирликнинг канчалик мувоффакиятли шакллантирилганлигига бевосита богликлигини курсатади. Бола хулк-атворида жамоачилик хисларида бундай мажмуининг мавжудлиги уни мактабга ахлокий тайёргарлигининг курсаткичи була олади ва янги жамоада тенгкурлари билан муомалада кутаринки ижобий рухни юзага келтиради.

Мактабга ахлокий-иродавий тайёрлик, шунингдек, ахлокий хиссиёт ва бола онги ривожининг муаян даражаси билан хам ифодаланади. Бу уринда энг ибратлиси болаларнинг ахлокий хулк атворининг ижтимоий ахамиятини тушунарли уларда уз хатти харакатларини мустакил бахолаш кобилятини ривожлантириш, маъсулият, хакгуйлик, инсонийлик ва фукаролик хиссиётлари элементларини шакллантиридир. Ахлокий-иродавий тайёрлик таркибига мактабгача тарбия ёшидаги

боланинг мехнатга муносабатини ифодаловчи сифатлар мажмуи хам киради. Бу мехнат килиш иштиёки, атрофдагилар мехнатига хурмат, зарур мехнат малакаларини эгаллашдир.

## БОЛАНИНГ МАКТАБДА УКИШГА АКЛИЙ ТАЙЁРЛИГИ.

Мактабга аклий тайёрликнинг мухим таркибий кисми мактабга укишга кираётган болада атроф, дунё хакида етарлича кенг билиш бойлигининг мавжуд булишидир. Билимларнинг бу фонди укитувчи уз ишини ташкил этишда таянадиган зарур асос хисобланади.

Болани мактабга аклий тайёрлигида болалар эгаллаган билимларнинг сифати ахамиятлидир. Билимлар сифатининг курсаткичи биринчи навбатда уларни болалар томонидан онгли эгаллаганлиги; тасаввурларининг аник ва табакалаштирилганлиги; оддий тушунчлар мазмуни ва хажмининг туликлиги; узларига тушунарли укув ва амалий вазифаларни хал этишда билимларни мустакил куллана олиш кобилятлари; мунтазамлилик, яъни мактабгача тарбия ёшидагиларнинг нарса ва ходисалар уртасидаги тушунарли, мухим алока хамда муносабатларни акс эттира билиш кобилиятидир.

Болани мактабга аклий тайёргарлигининг таркибий кисми бола билиш фаолиятини муаян даражада ривожланган булишидир. Бу уринда

*Биринчидан* билиш жараёнининг усиб борувчи ихтиёрийлиги;

материални маъно жихатдан ихтиёрий эслаб колиш ва такрор ифодалаш, нарса ва ходисаларни режали идрок этиш, куйилган билиш ва амалий масалаларни максадга мувофик хал этиш кобилияти ва шу кабилар;

*Иккинчидан* билиш жараёнлари сифатини ошириш: сезгиларнинг аниклиги, идрокнинг тулик ва табакалаштирилганлиги, эслаб колиш ва такрор ифодалашнинг тез ва аниклиги;

*Учинчидан* болада атроф дунёга билиш муносабатлари, билимларни эгаллаш ва мактабда укишга интилишнинг мавжудлиги мухим ахамият касб этади.

Мактабга аклий тайёрликни шакиллантиришда булажак укувчини тафаккур фаолиятининг умумий даражаси мухим ахамиятга эга. Болалар богчасининг болаларни аклий тарбиялашга оид олиб бораётган мунтазам, максадга мувофик иш шароитларида болаларда (фаолият) тафаккур фаолиятида нарсаларнинг куп томонлама тахлил килиш кобилияти, ижтимоий таркиб топган сенсор эталонлардан фан хамда ходисалар хусусият ва сифатларини тадкик килишда фойдалана билиш нарса ва ходисалардаги асосий алока, богликлик, белгиларни аниклаш асосида оддий умумлаштиришлар килиш кобилияти, ухшашлик ва фаркланувчи белгиларни изчил ажратиш асосида нарсаларни киёслашни амалга ошириш куникмаси таркиб топтирилади. Булажак укувчиларда аклий фаолиятнинг элементар мустакиллиги: уз амалий фаолиятни мустакил режалаштириш ва уни режа асосида амалга ошириш куникмаси, оддий билиш вазифасини куйиш ва уни хал этиш куникмаси ва шу кабилар ривожлантирилади.

Мактабда аклий тайёрлик, шунингдек болалар томонидан укув фаолияти элементларини эгаллаб олинишини хам уз ичига олади.

Болалар мунтазам таълим шароитларида мактабгача болалик охирига келиб, укув фаолиятининг асосий таркибий кисмларини: тушунарли укув вазифасини кабул килиш, тарбиячининг курсатмаларини тушуниш ва аник бажаришни ишни катталар томонидан курсатилган усулларидан фойдаланиб бажариб бир натижага эришиш, уз фаолияти, хулк-атвори, топширикларни бажариш сифати устидан назорат килиш куникмасини, узининг ва бошка болаларнинг ишларига танкидий бахо бериш кобилиятини, эгаллаб олишлари керак.

Нуткни канчалик юкори даражада ривожланган булиши болани мактабга аклий тайёргарлигининг мухим таркибий кисми хисобланади. Товушни аник талаффуз килиш, лугатнинг бойлиги, уз фикрини мантикий грамматик тугри баён кила билиш, маданий нутк муомаласи-буларнинг барчаси мактабда муваффакиятли укишнинг зарурий шарти хисобланади.

Аклий тайёрлик таркибига шунингдек, саводнинг бошлангич асослари оддий математик тасаввурлар, она тили етарлича кенг билим, куникма ва малакалар доираси хам киради.

Шундай килиб, мактабдаги укишга аклий тайёрлик болаларни аклий ва нуткий ривожлантиришнинг узаро богланган таркибий кисмлардан таркиб топади. Билиш фаолияти, билиш кизикишлари, бола тафаккури усуллари, атроф дунё хакидаги англанган системалаштирилган тасаввурлар хамда элементлар тасаввурлар, нутк ва элементар укув фаолияти умумий даражасининг бирлиги болаларда мактабдаги укув материалини эгаллашга аклий тайёрликни вужудга келтиради.

## БОЛАНИНГ МАКТАБДА УКИШИГА ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРЛИГИ.

Болани мактабда укишга жисмоний тайёрлиги укишнинг муваффакиятли булишида катта ахамиятга эгадир. Мактабга чикиш муносабати билан бола турмуш тарзининг кайта курилиши, кун тартибининг узгариши, жиддий укув мехнати, дарсларнинг давомийлиги ундан сезиларли жисмоний зур беришни талаб килади. Мактабга жисмоний тайёрлик купгина таркибий кисмлардан таркиб топади. Бу биринчи навбатда бола саломатлигининг яхши булиши, организимнинг чиникканлиги, маълум даражада чидамлилиги ва иш кобилияти, касалликларга каршилик курсата олишидир. Болаларни мактабга тайёрлашда бармок майда мускулларининг ривожланиши алохида урин эгаллайдики, бу ёзувни муваффакиятли эгаллашнинг зарурий шарти.

Мактабга жисмоний тайёрлик шунингдек бола томонидан маданий гигиеник малакаларни эгалланишини, уларда шахсий гигиена коидаларига риоя килиш одатини тарбиялашни назарда тутади.

Жисмоний тайёрлик бола мактбага етукликни шакллантиришнинг зарур таркибий кисми хисобланади. Мактабга етукликни аниклашда бола соглигининг холати ва организмнинг биологик етуклигини бахолаш (антропометрик курсаткичлар суяк, мушак, нафас олиш ва юрак-томир системасининг) ривожланганлигини назарда тутувчи куп омилли тахлилдан, мактабга функционал тайёрликни «Мактабга етуклик»ни асосий курсаткичи ва энг аввало бир катор физиологик функцияларининг ривожланиш даражасини бахолашдан фойдаланилади. Буларга: партада анчагина узок муддат утириш учун зарур буладиган тормизланиш кобилиятининг ривожланганлиги; харакатларни яхши бошкариш, жумладан ёзиш ва расм солишга алокадор график вазифаларни бажаришда зарур буладиган бармокларнинг майда харакатлари; ижобий ва тормозланишига хос шартли алокаларни нисбатан тез хосил килиш хамда мустахкамлаш, шунингдек иккинчи сигнал системанинг етарлича ривожланганлиги таъликлидир.

Болаларни «Мактабга етуклиги»ни аниклаш максадларида гигиенистлар Керн-Ирасекнинг (ЧССР) тестлари, совет тадкикотчилари (М.М.Антропова, М.М.Кольцова, Т.С.Сорокина ва бошкалар) томонидан ишлаб чикилган методикадан фойдаланадилар. Болаларни текшириш уларни мактабда олти ёшдан укишлари мумкинлигини аниклаш имконини беради.

Болаларни мактабга жисмоний тайёрликларини текшириш натижаси купчилик болаларда унинг асосий курсаткичлари норма атрофида эканлигини ва хатто ундан илгарилашини курсатди.

Кун тартиби, чиниктирувчи муолажалар, мунтазам жисмоний тарбия машгулотлари, хилма-хил харакатли уйинлар ва жисмоний машклар фаол харакат режими болаларни мактабда укишига жисмоний тайёрлигини таъминлашнинг зарурий шартлари хисобланади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар асосан МТМда ва оилада мактабга тайёрланади. МТМларда болаларни ривожланиши ва мактабга тайёрлаш 3 боскичда амалга ошади:

1. *Болалар нуткини ривожлантириш*
2. *Жисмонан ривожлантириш*
3. *Маънан ривожлантириш*

Болаларни мактабга тайёрлашдан максад мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига куйиладиган давлат талабларига мувофик соглом ва етук мактабга укишга тайёрланган тарзда шакллантиришдан иборатдир.

## 1. ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИ;

- Мустакил тарзда жисмоний машкларни бажара олиш;
- Буйрукка (старт, стоп) асосланиб югура олиш;
- Нарвон ёрдамида тепаликка чика олиш ва пастга туша олиш;
- устида утириб олдинга силжий олиш;
- 5 секунд давомида арконда осилиб туриш;
- Аргимчок уча олиш;
- Чекланган саф ва чизик буйлаб юра олиш;
- Кия куйилган тахта устидан юриб ута олиш;
- Бир оёкда калдиргоч булиб тура олиш;
- Оёк учлари билан буюмларни кисиб кутариш, пастга суриш ва бир жойдан иккинчи жойга кучира олиш;
- Жойидан туриб 15-20 марта сакрай олиш, 70-8- см узунликка сакрай олиш, 30 см баландликдаги тусикдан сакраб утиш;
- Тухтамасдан 2-3 минут давомида югура олиш; 100 метр масофани тухтамасдан югуриб утиш;
- 10 метр масофани эмаклаб утиш;

- Сафда тугри туриш ва сафни узунасига юриш;
- Сафланиш ва кайта сафланишни билиш;
- Мусика охангига мос холда харакат кила билиш;
- Коптокни иргитиш ва илиб олиш;
- Илон изи шаклида юриш;
- Туп-туп булиб айлана буйлаб юра олиш;
- Халк уйинлари «Ким чаккон», «Ок теракми-кук терак?», «Куёним куёним не булди?», «Читти гул», «Боглам-боглам», «Ким олади шу гинани».

**2. НУТК ВА ТАФАККУРНИНГ РИВОЖЛАНГАНЛИГИ.**

- Товуш, сузларни аник ва тугри талаффуз этиши; 3000тадан ортик сузни тушуниш ва билиш;
- Расмга караб гап тузиш;
- Эртак ва хикояни тинглаш, мазмунини тшуниш;
- Эшитган кичик эртак ва хикояларни кайта сузлаб бериш;
- Ифодали нуткка эга булиш;
- Теварак-атроф, табиат манзараси хакида кискача сузлаб бериш;
- Ифодали нуткка эга булиш;
- Теварак-атроф, табиат манзараси хакида кискача сузлаб бериш;
- Турли мавзудаги 6 та шеърни ёддан айтиш;
- Ота-она, тарбиячи тавсияси билан хаётий мавзулар буйича кискача хикоя тузиш;
- Катталар ва уртоклари билан сухбатда фаол иштирок этиш;
- Катталар ва уртоклари билан гаплашиш маданиятига эга булиш; ва х.к.

**БОЛАНИНГ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНИШИГА ОИД.**

- Уз фикрини мустакил, эркин баён этиш ва хулоса чикара олиш;
- Мантикий тафаккур килиш малакаларига эга булиш;
- Тафаккур операциялари (анализ, синтез, умумлаштириш, аниклаштириш, таккослаш, аналогия ва бошкаларни) ёшига мос ривожланиши;
- Фикрий мушохада юритиш;
- Теварак атрофни тугри идрок этиш;
- Таълимий уйинлар воситасида тафаккурни пешлаш.
- Гул, дарахт турларини рангига, баргига, мевасига караб фарклай олиш.
- Уз фикрини талаб эхтиёжларини суз билан ифодалаш;
- Киркиб булакларга ажратган вокеабанд расмларни териш, яхлитлаш;
- Турли тасвирлардан яхлит образ ярата олиш;
- Геометрик шакллардан маълум мазмунга эга булган тасвирлар тузиш;
- Сузлардан гап туза олиш;
- Уз фикрини баён этганда таккослаш, умумлаштириш, тахлил кила олиш;
- Биринчи унликдан сон таркиби (алохида бирликдан) ва 2 3 4 5 6 7 8 9 10 сонларини узидан кичик булган икки кичик сондан таркиб топганлигини билиш;
- Биринчи унликдаги хар бир сонни кандай хосил булишини билиш, бунинг учун сон каторидаги аввалги сонга 1ни кушиш ва кейинги сондан 1 ни айириш.
- 0 1 2 3 4 5 6 7 8 9 ракамларини хамда + - = ишораларини билиши;
- 1 3 5 0 сумли пулларни билиш;
- Утаётган хафта кунларини кетма-кетлигини, кун кисимларини билиш;
- 10тагача булган бирикмалардан санаш, санаб ажарата олиш;
- нарсаларни сонини ракам билан мувофиклаштира олиш;
- Тугри ва эгри чизикларни учбурчак туртбурчакларни бир-биридан фарклаш хамда тасвирлаш.
- Хозирги замон техникаси компютер хакида тасаввурга эга булиш;
- Экологияни билиш;
- Мевали дарахтларни олма, узум, шафтоли, нок, олча, гилос, олхури, урик номларини билиш ва хамда тасаввурга эга булиш;
- Манзарали дарахтларни ток, терак, арча, чинор хакида тасаввурга эга булади;
- Гуллар, атиргул, бойчечак, кокигул, чинни гул, лолакизгалдок хакида тасаввурга эга булиш;
- Сабзавот ва полиз экинларини номларини билиш;
- Хона усимликларини бошка усимликлардан фарки.

- Уй хайвонлари куй, сигир, от, бури, эшак, ит, мушук, эчки, ёввойи хайвонлардан бури, тулки, айик, паррандалардан товук хуроз, урдак, гоз, хашоратлардан чумоли, ниначи, ари, кунгиз, капалак номларини билиш ва улар хакида тасаввурларга эга булиш.
- Кушларни калдиргоч, чумчук, мусича, кабутар, булбул, карга, тути номларини билиш ва у хакида тасаввурларга эга булишлари керак;
- Уй рузгор, стол, стул, хонтахта, жавон хакида тасаввурларга эга булиш;
- Уйдаги электр жихозларидан электор чирок, телевизор, радио, магнитафон, дазмол хакида тасаввурларга эга булиш;
- Тарспорт воситалари велосипед, автобус, автомобил, троллейбус, трамвай, метро, поезд, самалёт хакида тасаввурларга эга булиш;
- Тог, дарё, кул, бог, гулзор, пахтазор, экин майдонлари, яйлов хакида тасаввурларга эга булиш;
- Хаво, сув, куёш, шамол, булут, ёмгир, кор хакида ёшига мос равишда тасаввурларга эга булиш;
- Йил фасллари номини кетма-кетлигини табиат узгаришлари хакида илк тасаввурларга эга булиш;
- Кун ва тунни фаркини англаш;
- Эрталаб, кечкурун, пешинни фарклаши;

**3. МАЪНАВИЙ МАДАНИЙ ЕТУКЛИК.**

- Она Ватани Узбекистон хакида кискача сузлаб бериш;
- Узбекистон байроги, герби хакида фикр;Ватан туйгуси, ватанпарварлик хислари ва миллий гурурни ёшига мос равишда билиши;
- Халкига Ватанига мехр ва садокат хисларини шакллантириш;
- Беруний, Ибн Сино, А.Темур, Навоий, Улугбек, Бобур каби буюк сиймолар хакида илк тасаввурга эга булиш;
- Миллий байрамлар хакида каска сузлаб бериши;
- Тугри саломлашиш ва хайрлашишни билиши;
- Узидан катталарга сизлаб мурожжат килиши;
- Кулини куксига куйиб илтифот курсатиши;
- Уйда кучада мехмон борлигида киядиган кийимларни фаркланишини ва уларни уз урнида кийиши;
- Ширин сузли булиш ва мехрибонлик кила билиш;
- Утириш ва юриш коидаларини билиш уларга риоя килиш;
- Уйда богчада мехмонда кучада узини кандай тутиш кераклигини билиш ва унга риоя килиш;
- Яхшилик ва ёмонликни фарклаш;
- Уртоклари билан биргаликда уйнай олиш;
- Уйин майдонида мулокот кила олиши ва уртокларини ранжитмаслик зарурлигини билиш;
- Хол ахвол сурашни билиш;
- Катталар мехнатини кадрини билиш;
- Узига ишониш;
- Ожиз ва кучсизларни химоя килишни;
- Уз-узига хизмат кила олиши;
- Уйда ёки богча ховлисида енгил мехнатларни бажара олиши;
- Ошхона анжомларини чойнак, пиёла, кошик, ликопча, пичок кабиларни вазифасини билиш;
- Мехнатсевар булиш, яхши одат эканлигини билиш;
- Мехнатсевар куролларини теша, болгача, болтача, кайчи, урок кабиларни вазифасини билиш;
- Тежамкорлик зарурлиги билиши;
- Узини озода тута олиш;
- Тугри ювиниши;
- Сочик, совун, тиш ювиш пасталари ва чуткасидан тугри фойдаланиши;
- Мустакил сочни тараш, турмаклаши;

**МАВЗУ ЮЗАСИДАН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ:**

**1. Психологик жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусиятлари ва хатти- ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи, муайян хулқ- атвор ва дунёқарашга эга бўлган жамиятнинг аъзоси ... деб аталади.**

а) индивид;
б) одам;
с) инсон;
д) шахс.

**2. Шахснинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён - бу ...**

а) шаклланиш;

б) ривожланиш;

с) ўсиш;

д) вояга етиш.

**3. Қандай йўналиш ёки оқим индивиднинг шахс сифатида ривожланишида биологик омилларнинг устуворлигини эътироф этади?**

а) фалсафий йўналиш;

б) прагматик оқим;

с) биологик йўналиш;

д) преформизм оқими.

**4. Инсон яшайдиган шароитдаги барча ташқи таъсир нима деб аталади?**

а) макон;

б) табиат;

с) борлиқ;

д) муҳит.

**5. Шахс шаклланишига нисбатан қандай ёндашувлар мавжуд?**

а) фалсафий, ижтимоий, биологик, ҳуқуқий ёндашув;

б) тарихий, ижтимоий, биологик, маданий ёндашув;

с) биологик, ижтимоий, психологик ва яхлит ёндашув;

д) биологик, педагогик, психологик, тарихий ёндашув.

**6. Шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари мажмуи нима деб аталади?**

а) хусусият;

б) сифат;

с) характер;

д) темперамент.

**7. Гўдакнинг вазни туғилган пайтда 3,5 кг, бўйи 50 см бўлган бўлса, уч ойлик даврида унинг вазни тахминан 5 кг, бўйи 60 см, 6 ойлик бўлганда эса тахминан 7 кг, бўйи 64 см бўлади. Ушбу хусусиятлар қайси ёш даврига хос?**

а) кичик ёш даври;

б) илк ёш даври;

с) гўдаклик даври;

д) катта ёш даври.

**8. Бу даврда боланинг бўйи бу даврда 7-8 см га ўсади. Унинг оёқлари гавдасига нисбатан тезроқ ривожланади, оғирлиги 20-22 кг ни ташкил этади. Болаларнинг умуртқа суяклари қотмаганлити туфайли тез қийшайиб қолиши мумкин. Уларнинг юраги чақалок юрагига нисбатан 4-5 баробар катталашган, бироқ мускуллари хали етарли даражада мустаҳкамланмаган бўлади.**

а) кичик ёш даври;

б) илк ёш даври;

с) гўдаклик даври;

д) катта ёш даври.

**9. Бу даврда унинг оғирлиги 14-15 кг, бўйи 90-95 смга етади. Бола жисмонан анча чиниқиб, асаб тизими тараққий этади Таянч ҳаракат органлари такомиллашиб боради. Бу ўринда қайси ёш даври хусусида сўз бормоқда?**

а) кичик ёш даври;

б) илк ёш даври;

с) гўдаклик даври;

д) катта ёш даври.

**10. Бу давр мобайнида бўйи 105-108 см гача ўсади, оғирлиги эса 18-19 кг бўлади. Бу даврда боланинг мияси тез ривожланади. Катта ярим шарлар пустлоғининг фаолияти такомиллашиб боради. Ушбу хусусиятлар кайси ёш даврига хос?**

а) кичик ёш даври;

б) ўрта ёш даври;

с) гўдаклик даври;

д) катта ёш даври.

**11. Бу ёшдаги ўғил болаларда мустақил фаолият кўрсатиш, ташаббускорлик ривожланади ҳамда катталар фикрини тинглаш иштиёқи шаклланади. Бу даврда боланинг бўйи 120 см га етади, оғирлиги 22-24 кг бўлади. Бу ёшда бола чиниқади, қизиқувчан бўлади, ўз саломатлигини назорат қила олади. Бу ўринда қайси ёш даври хусусида сўз бормоқда?**

а) мактабга тайёрлов даври;
б) ўрта ёш даври;
с) гўдаклик даври;
д) катта ёш даври.

**12. Болаларнинг мактабга тайёргарлик даражасини аниқлашда нимага таянилади?**

а) ота-онанинг фикрига;
б) табиий маълумотномага;
с) ташхис марказининг хулосасига;
д) боланинг ўқишга бўлган хоҳишига.

## КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1 Кейс баёни

Болалар богчасидаги расм дарсида тарбиячи ёзув тахтасига иккита расм чизиб, болалардан расмнинг қай бири уларга ёққанини сўради. Болалар расмлар хақидаги фикрларини кетма-кет ифодалай бошлашди. Навбат Бобурга (4 ёш) келганда, у иккиланиб қолди. Тарбиячи: - Вақтимиз кам. Агар у сенда бўлса, миянгни ишлатгинда, тезрок жавоб бер! Бобур жавоб бера олмади. Тарбиячи унга “Ўтир ўрнингга!”, деди ва машғулотни давом этгирди. Болалардан бири: “Вой, билмасвой”, -деди.

**Кейсга савол-вазифа:** Тарбиячининг хатти-ҳаракатларини баҳоланг.

**Таҳлил:** психологик характерига кўра айрим болалар тезкор фикрлай олмайди ёки бирор-бир нарсага баҳо беришга иккиланади. Тарбиячи болаларнинг характерини яхши билмайди, ёки билса ҳам унинг муомаласи қўрс, қўпол. Бундай тарбиячининг хатти- ҳаракатлари болаларга салбий таъсир кўрсатади.

**Ўқитувчининг ечими.** Болани тенгдошлари олдида кулгига қўйиш педагогик жиҳатдан нотўғри. Фикрлаш тезлиги суст бўлган болани кулгига қўйиш, камситиш боланинг умумий ривожланишига салбий таъсир этади. Бундай холат тез-тез такрорланса, у ҳолда болада тарбиячига нисбатан нафрат ҳиссини уйғотади. Бундай тарбиячи болалар орасида дўстона, соғлом муҳитни ярата олмайди.

### 2. Кейс баёни

Катта гуруҳда байрам муносабати билан уюштириладиган тадбирда тарбиячи Ботирдан ўзига берилган шеърни ўқишни сўради. Ботир шеърни тутилиб ўқиди. Тўғри ўқишга қанчалик ҳаракат қилмасин, ифодали ўқий олмади. Тарбиячи бироз кутиб турди ва Ботирга “Шеърни ёд олмабсан! Сенга қачон берган эдим. Эртага ойинг билан гаплашаман! Сенинг таъзирингни беришим керакка ўхшайди”, - деди. Ўртоклари кулиб юборишди.

**Кейсга савол-топшириқ:** Тарбиячи Ботирни ўринли койидими?

**Таҳлил.** Шеърни ёд олган бўлса-да, айни вақтдаги руҳий холати туфайли болалар баъзан уни ёддан чиқаришади. Тарбиячи ана шу вазиятни инобатга олгани ҳолда Ботирга яна бир кун тайёргарлик кўриб келишини, эртага албатта, ифодали ўқиб берасан!”, дея рухлантира олиши зарур. Балки Ботирнинг нутқида дудуқланиш бордир. Агар шундай бўлса, тарбиячи буни билиши ва бундай вазиятда болага эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши зарур эди. Ботирнинг ўзи фаол, бирок, камчилиги туфайли ўзини тўла намоён эта олмайди.

**Ўқитувчининг ечими:** Тарбиячи баланд овозда болани койиши, унга дўқ-пўписа қилиши мумкин эмас. Айникса, гап тутилиб (дудуқланиб) гапирадиган тарбиячилар ҳақида борганда. Бўлсама, Ботирнинг ўзига бўлган ишончи сўнади, фаоллиги пасаяди ва одамови бўлиб қолади.

## ИНФОРМАЦИОН ТАЪМИНОТ

## АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

| № | Муаллиф,адабиёт номи,тури,нашриёт,йили,ҳажми | Кутубхонада мавжуд нусхаси |
|---|---|---|
| 1. | Ҳасанбойева О.У ва бошқалар. Мактабгача таълим педагогикаси | 25 |
| 2. | Ш. Содиқова. Мактабгача педагогика | 30 |

## ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

| № | Муаллиф,адабиёт номи,тури,нашриёт,йили,ҳажми | Кутубхонада мавжуд нусхаси |
|---|---|---|
| 1. | Ш.Мирзиёйев. Еркин ва фаровон,демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо етамиз.Тошкент-“Ўзбекистон”-2016.56 Б | 56 |
| 2. | Ш.Мирзиёйев.Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент-“Ўзбекистон”-2016.488 Б | 30 |
| 3. | Ш.Мирзиёйев. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови. Тошкент-“Ўзбекистон”-2016.488 Б | 10 |
| 4. | Ш.Мирзиёйев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент-“Ўзбекистон”-2017.104 Б | 20 |
| 5 | 2017-2021 йилларида Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.Ўзбекистон | 50 |

**Электрон таълим ресурслари**

| | | |
|---|---|---|
| 1 | Тдпу.уз. | |
| 2 | www. Гул.ду.уз | |
| 3 | www.Зиёнет.уз | |
| 4 | тдпу-ИНТРАНЕТ.Пед. | |
| 5 | .www.педагог.уз | |
| 6 | www.плант протестион.сом | |